

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Нажмиддин ЖИЯНОВ
Азамат УМАРОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Аҳмад ОТАБОЕВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Аҳмад УСМОНОВ

Бош муҳаррир:

Собир УНАР

Бош муҳаррир ўринбосари:

Луқмон БЎРИХОН

Масъул котиб:

Ақбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Бобур АЛИМОВ
Абдусайд КЎЧИМОВ
Сирожиддин САЙИИД
Алишер НАЗАР
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Саҳифаловчи: Фиёсиддин ОМОН ўғли

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Манзилмиз:

Тошкент. ш.
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-"а" уй.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru

Tel/faks: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552



© "Ёшлик" № 5 (267) 2013 й.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги
ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| БУГУННИНГ ГАПИ | |
| Саидвафо БОБОЕВ. Йўл бўйидаги ўйлар. | 2 |
| МУЛОҚОТ | |
| Гулноз МЎМИНОВА. Кўзгу синиқлари. | 4 |
| АДИБ ХОНАДОНИДА | |
| Муҳаммад ОЧИЛ. Савағич савағи. | 10 |
| НАСР | |
| Шодмон ОТАБЕК. Кўнгил асирлари. Ҳикоялар. | 16 |
| Носиржон ЖЎРАЕВ. Кибор. Қисса. | 32 |
| НАЗМ | |
| Норқобил ЖАЛИЛ. Хотиралар ювар кўнгилни. | 8 |
| Ориф ТУХТАШ. Сен кириб келсан ҳар кеч тушимга. | 13 |
| Абдул РАҲМОН. Кимки ошиқдир анинг бир пари рухсори бор. | 28 |
| МУХТАСАР. Мени чорлагайдир мангу тонглари. | 52 |
| Расул ҲАМЗАТОВ. Яна изларимга тушгай изларинг. | 56 |
| Муҳаммад МАЛИК. Қайтиб келсанг эди менинг ёшлигим. | 60 |
| Шавкат ОДИЛЖОН. Сиз тўзғийсиз булутлар мисол. | 61 |
| МУШОҲАДА | |
| Мукаррам ОТАМУРОДОВА. Матбуотнинг моҳияти нимада? | 30 |
| ЧИЗГИЛАР | |
| Шоҳиста МАҲМУДОВА. Ижодкор руҳияти. | 42 |
| ЖАҲОН ҲИКОЯЧИЛИГИ | |
| Оллоназар АБДИЕВ. Ризқ. Ҳикоя. | 44 |
| ПУБЛИЦИСТИКА | |
| АХТАМҚУЛИ. Чинор янглиғ кексайди отам. Эссе. | 48 |
| НИГОҲ | |
| Шахноза РАҲИМОВА. Матбуотнинг моҳияти нимада? | 54 |
| БИРИНЧИ УЧРАШУВ | |
| Ирода МУҲИДДИНОВА. Кутиш. Ҳикоя. | 57 |
| Дилмурод ДЎСТ. Ўзингизни тиниқ кўзгуга солинг. | 55 |
| Моҳигул РАСУЛОВА. Сизга қалбим нисор этай. | 63 |
| ТАДҚИҚОТ | |
| Дилдора ЯЛГАШЕВА. Достон моҳиятига назар. | 58 |
| САНЪАТ | |
| Нафиса АҲМЕДОВА. Санъатда кўнгил инъикоси. | 62 |
| ЕЛПУҒУЧ | |
| Муҳаммад ОЧИЛ. Қулмурод қурумсоқ хангомалари. Ҳажвия. | 64 |

Босишга 05. 06. 2013 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822. ИССН 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот ва Аxbорот агентлиги томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган. Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди" деб изоҳланиши шарт. "Ўқитувчи" НМИУ босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 130-13. Адади 5900 дона. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.



ЙЎЛ БЎЙИДАГИ ЎЙЛАР

Эсимни танигандан бери Тошкент – Термиз орасида қатнайман десам ҳам ҳеч бир муболағаси йўқ. Аввалига ўқиш, кейинчалик иш, хизматчилик баҳона бўлди. Йил – ўн икки ой сафар тўрвам орқамда. Илгари Деновдан, Термиздан яккам-дуккам автобус пойтахтга қатнарди. Бир юз саксонинчи “Душанбе – Тошкент” поезде Туркменистон орқали, ўн соатлик масофани нақ йигирма соатда аранг босиб ўтар, йўловчиларнинг тинка-мадорини қуришиб, тавбасига таянтирар эди. Унга бирор марта бема-лол чипта сотиб олганимни ҳеч эслай олмайман. Аллақандай зўр таниш-билишларни орага қўшмай туриб Сурхондарё ҳудудидан ўтувчи яккаю ягона бу арзанда поездга чипта харид қилиш амри маҳол эди. Вагонлар ҳаминша тегилинч, бадбўй, бадҳаво. Аксарият йўловчи чиптасиз бўларди. Вагон назоратчилари уларни худди моллар галасидай ортиб оларди. Улар юк ўриндиқларида, йўлак ва танбурларда келишга мажбур бўлишарди. Боя юқорида айтиб ўтганимиз, яккам-дуккам қатновчи автобусларнинг аҳволи ҳақида эса сира-сира гапиришга ҳожат йўқ. Бу шалдиروق араваларнинг қандай қилиб Тошкентга етиб боришини ҳозир ўйласам таажжубдан ёқа ушлайман. Нақ мўъжиза дейсиз! Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ўттиз олти ўринли автобусга ҳеч курса етмиш-саксон одам чиқарди. Тағин ҳар бири ўз вазнидан бир неча бор ортиқ юклари борлигини айтмайсизми?! Ҳайдовчиларнинг димоғидан қурт ёғарди. Йўловчиларни истаган кўйига солишарди. Йўллар! Оҳ, бу йўллар! Гўр азоби ҳам улардан яхшироқми, деб

баъзан ўйлаб қолардик. Ўйдим-чуқур, тор, қинғир-қийшиқ, Чакчак давонидан ўтганлар ҳўб эслайди. Бу ерда кўпинча қарама-қарши келаётган уловлар азбаройи йўлнинг бузуқлигидан, энсизлигидан бири-бирига йўл беришига тўғри келиб, анча пайт тўхтаб қоларди. Баъзан, ёғин-сочин пайтлари шугина омонат йўлларни ҳам сел-тошқин ювиб, дабдаласини чиқариб кетарди. Буни кўпинча автобус айнан шу ҳудудга етиб келгандан сўнгина билардик. Чунки у пайтлар ҳозиргидек мобил алоқалари қаёқда дейсиз?! Кўнгилсизликдан хабар топгач, автобуслар ортга қайтишга, яна юз-юз эллик чақиримлик масофани қайта босиб ўтишга мажбур бўларди. Ана энди йўловчиларнинг фиғони фалакка чиқишини кўринг! Аммо бунга ким ҳам қулоқ соларди дейсиз?! Устига устак йўл бўйларида маиший-маданий хизмат кўрсатиш жойларининг йўқлигини айтмайсизми?! Ўша пайтлар бундай нарсаларни талаб қилиш нари турсин, оддийгина орзу қилиш ҳам алланечук нотабий, биров эшитса, мириқиб куладиган ҳол эди. Йўловчилар Фузорнинг марказига етибгина энгил-елпи овқатланиб олиш бахтига муяссар бўлишарди ёхуд Самарқанд шаҳрининг қораси кўрингунга қадар тўзимларига тўзим тилаб кетишарди. Бу бир тарих. Халқимизнинг армонлари, орзулари тўкилиб қолган яқин тарих. Куни кеча худди шу йўллардан яна ўтдим. “Ласетти”ини бошқариб бораётган ўғлимга ана шу саргузаштларга бой тарихнинг айрим лавҳаларини гапириб бердим. Қаранг, ўғлимнинг айтганларимга ишонгиси келмади. “Ҳа-

Саидвафо БОБОЕВ

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. Олий маълумотли. “Сиртмоқ қошидаги ўйлар”, “Мен англаган ҳақиқатлар”, “Армонли дунё”, “Қонли қилч” каби кўплаб китоблари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

зиллашманг-е”, – дегандай елка учириб қўйди. Мустақиллик билан тенгдош боламнинг албатта бу гапларга ишонмаслиги табиий. Чунки у эсини таниб шу йўллардан юрибдики, фақат обод масканларни кўрди. Равон, кенг йўллар! Турли-туман, аксарияти Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган машиналар елдек учиб ўтади. Ҳар қадамда хизмат кўрсатиш шохобчалари. Уловингиз бузилиб қолса, дарҳол тузатиб беришади, ёқилғи қуйиш шохобчалари ҳам хизматларга ҳозир нозир. Айниқса, Деҳқонободда, Окробод, Дарбандда сўнгги етти-саккиз йил ичида амалга оширилган бемисл ўзгаришлар диққатга сазавордир. Илгари бу ерлар озғин отнинг оч биқинидай, ҳувиллаган қир-адирлардан, баланд-паст қоя-тошлардан иборат маскан эди. Юракка хиралик, ваҳима, хавотир соларди. Қаранг, бу ерлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Баланд-баланд тоғлар орасидан ўкирганича поездлар ўтиб қайтади! Не бир тоғ жониворлари ҳам аранг оёқ босадиган жойда, кун тиғида ялтираб темирйўл тўшалиб ётибди. Даралар, зовлар узра қурилган осма кўприклар ҳайратларга ҳайрат қўшади. Авто йўллар бўйларига қатор-қатор турар жой бинолари, савдо дўконлари, меҳмонхоналар, ошхоналар кўрган кўзни қувонтиради.

Оқрободдаги муҳташам темирйўл бекатини томоша қилиб турганимизда, ушбу станция бошлиғи ўринбосари Хушвақт Эрматов билан танишдик. Ҳаяжонли таассуротларимизни у кишига ҳам билдирдик.

– Бу кўрганларингиз ҳали бошланиши, – деб жилмайди Хушвақт ака, – яқин йиллар ичида Деҳқонободдан то Бойсунгача сайёҳлик ҳудудига айланади. Махсус қуриқхоналар, ажойиб, фақат ўзимизгагина хос бўлган боғлар ташкил этилади. Нафақат элимиз, балки чет эллик сайёҳлар ҳам поездларда келиб томоша қилиш имкониятига эга бўлишади.

Биз Хушвақт аканинг самимий сўзларига ишондик. Зеро, кўз ўнгимизда содир бўлаётган мўъжизаларга гувоҳ бўлиб турибмиз-ку?! Масалан, Деҳқонобод деганлари бир пайтлар овлоқ бир туман эди. Бугун у саноатлашган ҳудудга айланаяпти. Қалий заводи, лапа, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг айнан шу ерда фаолият юритаётгани фикримиз далилидир. Адашмасам, худди шундай саноат объектлари шарофатидан Деҳқонободда маиший-маданий ҳаёт кескин ижобий ўзгаришга юз тутди. Олис ва овлоқ туман гавжум, обод гўшага айланди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бундай янгиликлар, туб ўзгаришлар омили нима? Бундай бунёдкорлик ишлари учун халқимиз қайдан куч-қудрат топди? Жавоб эса битта: ҳамма-ҳаммаси буюк Истиқлол неъматларидир! Ҳурматли Президентимиз И. Каримовнинг эл-юрт равнақи, халқ фаровонлиги, турмуш ободлиги йўлида олиб бораётган одилона, оқилона сиёсатининг натижасидир! Боя юқорида таъкидлаганимдек, Мустақилликка тенгдош ўғлим яқин ўтмишдаги биз бошдан ўтказган машаққатларга ишонмаслиги мумкин, лекин у бугунги улғувор ислохотларга, улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлиб турибди. Ёшларни келажакда қандай порлоқ истиқбол кутиб турганини ҳис этаяпти. Юрагида ишонч ва умид гуллаган. Айнан шу ёруғ ҳақиқат биз ота-оналарнинг бахтимиздир.

Ҳадиси шарифларнинг бирида, “Сафар қилинг, сафарда сихат бор”, – дея лутф этилади. Бу айна ҳақиқат. Бугун Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб сафар қилиш айна муддаодир. Зеро, юртимизнинг барча гўшаларида олиб борилаётган туб ислохотларни, улкан бунёдкорлик ишларини кўриб кўзимиз, кўнглимиз яйрайди, руҳимиз ўсади, қалбимиз тозаради. Келинг, фурсатни бой бермай, биз билан йўлга отланинг. Озод ва обод манзиллар истиқболимизга мунтазир.





КЎЗГУ СИНИҚЛАРИ ёхуд айтилмаган сўз қудрати

Филология фанлари номзоди Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ билан суҳбат

– Дунё адабиёти тарихидан маълумки, ҳикоя прозанинг кенг тарқалган ва шунга мос равишда кучли тараққий этган жанрларидан биридир. Адабиёт тарихида бор маҳоратини ишга солиб, ҳикоя жанрининг энг гўзал намуналарини яратган адиблар кўп учрайди. Айтиш мумкинки, Ж.Лондон, С.Цвейг, П.Мериме, Х.Ҳессе, О.Генри, Мопассан каби адибларни йирик ҳажмли асарларидан кўра ҳикоялари кўпроқ машҳур қилган. Бу ҳолат мазкур жанрнинг ички имкониятлари билан боғлиқми?

– Ҳар қандай адабий жанр асосини Яратганнинг буюк санъати – макон-замон кенгликларидан айланиб турувчи воқелик ташкил этади. Аммо уни қамровлаш, бадиий акс эттиришнинг йўллари, даражалари хилма-хил ва ўзаро тубдан фарқ қилади. Бундай фарқ миллий адабиётлар, даврлар, авлодлар ва бир ижодкор ҳаётига оид турли босқичлар, кайфиятлар диопозонида кўпроқ кузатилади.

Воқеликни англаш, талқин этишнинг инсон томонидан кашф этилган минглаб усуллари бор. Буларнинг баъзилари фалсафа, баъзилари фан, баъзилари эса ҳаётий тажрибалар негизда шаклланган. Инчунун, бундай воситаларнинг барчаси ўз мақсади, имкониятлари доирасида, инсон ва инсон учун яратилган борлиқ олам (“тўққуз афлок”)ни тушуниш, англашга қаратилади. Навоий ҳазратлари “Лисон ут-тайр” деб-часида ёзадилар:

*Айлағач доир тўқуз афлокни,
Қосир этди фаҳмидин идрокни...*

Яъни Аллоҳ таоло “тўққуз афлок”, демакким, бутун моддият дунёсини яратди. Уни макон-замон ўлчовида ҳаракатга келтирди. Аммо борлиқ аро зарра мисол – инсон, унинг учун яратилган “тўққуз афлок”, уларда кечмиш ва кечажак воқеотлар моҳиятини, дунёнинг аввали-ю охирини тўла англаш, идроклаш имконияти Одам боласига берилмаган.

Инсоният ўз тарихи давомида эришган барча кашфиётлар, илмлар, фалсафалар мана шу “имконият” доирасида туғилган. Жараён эса давом этапти. Бу жараён қачон бошланган ва қачон тугаганини бир Зотдан ўзга ҳеч ким билмайди. Хусусан, адабиёт ҳам шу жараёнда майдонга келган идроклаш воситаларининг энг тўнғичи, таъбир жоиз бўлса, энг мукаммалдир. Чунки фан, фалсафа сингари билиш воситалари, асосан, тафаккур билан иш кўради. Воқеликни идроклашнинг рационал йўлидан боради. Шу боис ҳам фан ва фалсафа қамрови тафаккур чегаралари қадар. Илло, улуғлардан бири айтганидек: “Ақл Каъбага бормоққа туя ҳозирлағунча, қалб уни минг бор зиёрат қилиб келди”. Адабиёт билиш воситалари ичида ҳиссиёт ва тафаккурни, тана ва руҳни ўзида жамлаш эҳтимоли ортиқроқ бўлган бирдан-бир феномен. Бундай кўш қанот имконияти эса унинг макон-замон чегаралари бўйлаб кенгроқ кўлам эгаллашини таъминлайди.

Агар биз асл адабиётни воқелик акс этган бир кўзгуга қиёслайдиган бўлсак, ҳикоя жанри ушбу кўзгунинг синиқларидир. Аммо ҳикоянинг бор қудрати ҳам айнан шу синиқлигида. Заррада борлиқ, қатрада уммон, нур толасида қуёш акс этишини ёдга олсак, ҳикоянинг асл қудратини теран ҳис қиламиз. Инсонга

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

1967 йилда Касби туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. 1998 йилда ўзбек филологияси факультети “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедрасида илмий ходим лавозимида фаолият бошлаган. Ҳозирда ЎзМУдан ажралмаган ҳолда, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти “Адабиёт назарияси” бўлимида катта илмий ходим лавозимида ишлайди. “Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати”, “Ҳудудсиз жилва”, “Юзини ўқотган одам” номли китоблари чоп этилган.

хос улуғворлик ва шарифлик бутун борлиқдан кўра устунроқ бўлганидек (*Барчасини гарчи латиф айладинг, Боридин инсонни шариф айладинг...* Навоий), баъзан қатра имконияти уммон имкониятларидан устунлик қиладики, жаҳон адабиёти тарихида сиз кузатган ҳолатлар шу билан изоҳланади.

Жаҳон адабиёти тарихида А.П.Чехов, С.Мозэм, Ж.Лондон, Ҳ.Ҳессе, О.Генри сингари машҳур ҳикоянавислар билан бир қаторда Л.Н.Толстой, У.Фолькнер, М.Шолохов каби бу жанрга камроқ мурожаат қилган, аммо бир-икки ҳикояси мисолида бетакрор санъат намунасини мерос қолдирган ёзувчилар ҳам учрайди. Толстойнинг “Авлиё Сергей”, Фолькнернинг “Қора мусиқа”, Шолоховнинг “Хол” ҳикоялари мана шундай ноёб бадиий кашфиётлар ҳисобланади.

Энди ички имконият масаласига келадиган бўлсак, у жанрда эмас, ёзувчида бўлади. Ҳар бир адабий жанрнинг кашф этилган ва юзага чиқмаган битмас-туганмас имкониятлари бор. Бадиияти юксак ҳикоянинг майдонга келиши соддагина – худди от ва чавандоз муносабатига ўхшайди. Халқимиз орасида бор-ку, от ўзига муносиб чавандозни топса, майдон уники. Худди шундай истеъдод, ҳақ сўз, мос воқеа, шунга муносиб кайфият, айниқса, фикр ва амал уйғунлашган нуқтада ҳатто романларни доғда қолдирувчи ҳикоя дунёга келиши мумкин.

– Адабиёт яралганидан буён унда “устоз-шогирд” анъанаси давом этиб келмоқда. Шундай адаблар борки, улар ўзларига “увайс” устозлар танлашган ва бу танлов ўзини тўла маънода оқлаган. Назаримда, мазкур анъана айнан ҳикоячиликда кўпроқ кўзга ташланади. Фикримни оқлаш учун баъзи мисолларни келтирсам. Ўзбек ҳикоячилигининг устозларидан бўлган Абдулла Қаҳҳор ҳикоячиликда Чехов услубига яқин бўлган сиқиклик, сўзни қизганиш ва реал ҳаётга илжи борича яқинлашишни маъқул кўрган. Миллий ҳикоячилигимизнинг яна бир ёрқин намояндаси – Ш.Холмирзаев эса ўзи туғилган Сурхон даштларидай кенг ва хотиржам ёзган. Унинг “ҳикоя” деган ном остида чоп эттирган баъзи асарлари, ҳажмига кўра қиссага яқин туради. Бунинг боиси шуки, у жаҳон адаблари орасида Тольстой бобога ўхшаш эзмароқларини кўп ўқиган, инсон тақдирини кенг ва ҳар томонлама талқин этган адабларга яхши маънода эргашган. Умуман, ҳикоячиликда ҳажмининг аҳамияти борми?

– Адабий таъсир адабий-тарихий жараённинг ўзак муаммоларидан. Аммо, таассуфлар бўлсинки, бу муҳим ҳодисага хос маънавий мезонлар, адабий-эстетик критерийлар бизда аниқ, илмий-назарий тушунча ўлароқ шаклланмаган. Бу масалада, бизда бўлганидек, ёндош ёки қардош адабиётлар негизида ишлаб чиқилган критерийларни эталон қилиб олиш тамойили ўзини оқламайди. Адабий таъсир ёки компаративистика жараёни ҳар бир миллий адабиёт доирасида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бизда айнан шу – адабий таъсир тамойилларини миллий эстетик тафаккур мезонлари негизида тайин этишда оқсаш бор.

Сиз адабий таъсир намунаси сифатида эслagan ҳолатнинг, “устоз-шогирд анъаналарининг” ҳам пойдевори у қадар мустаҳкам эмас, оғиздан-оғизга ўтиб юргич бу гапларнинг теран илмий асоси йўқ ҳисоби. Ҳатто бундай фикрлар адабий жараён ботинидан эмас, бал-

ки кимларнингдир хоҳиш-истакларидан туғилган, унчалик обрў келтиравермайдиган “сайёр луқмалар” дейилса ҳам, ҳақиқатга хилоф бўлмайди.

Ҳолбуки, Чехов ҳикоячилиги мисолида бизда кўка кўтарилган жиҳатлар жаҳон адабиёти контекстида у қадар ноёб ҳодиса саналмайди. Чехов ҳикоялари залворини ич-ичидан ҳис қилган, ўзини унинг ҳақиқий шогирдларидан ҳисоблаган, ҳатто бу билан фахрланган Сомерсет Моэм ўта кичик ҳажмли, чеховча сиқик ҳикояларнинг майдонга келишини ўша давр матбаачилигидаги иқтисодий танқислик муаммолари билан боғлаб изоҳлайди. Унинг ёзишича, дастлаб асосан сиёсий, тижорий хабар ва рекламаларни чоп этиш учун мўлжалланган газеталарда бадиий асарларга ўрин ажратиш расм бўлмаган. Фақат газета макетлари чизилиб, реклама ва хабарлардан ортиб қолган, реклама сиғдиришнинг имкони бўлмаган бурчак-бурчакдаги ғариб жойларда кейинчалик бирор бадиий асар бошиш расмга кирган. Шунинг учун ҳам асарини матбуотда чиқаришни хоҳлаган ёзувчи рекламадан ортган ўша кичкина жойга мос жажжи ҳикоя ёзишга мажбур бўлган. Кичик ҳажмли ҳикояларнинг аянчли тарихи шу холос.

Қолаверса, Чехов ҳикоячилиги даражаси, унга хос улкан поэтик қамров, инсоний улуғворлик ва тубанлик, ҳаёт ва ўлим, жамият ва шахс масалалари, драматик ва трагикомик ҳолатлар тасвири унинг А.Қаҳҳор эргашган “майда” ҳикояларида эмас, балки “Ўқитувчи”, “Анюта”, “Агафия”, “Биринчи класс пассажири”, “Тутқаноқ”, “Княгиня” каби “катта” ҳикояларида кўринади.

Энди Толстой масаласига келадиган бўлсак, менинг кузатишимча, унда артистизм, сунъий зўриқшдан асар йўқ. Воқеликни кузатиш, уни таркибан саралаш, мушоҳада-мувоқабат этиш ва, энг муҳими, бадиий ифодалашда мустаҳкам таянч, улуғвор бир нуқтаи назар, комил эътиқод Толстой асарларининг даражасини анча баландга олиб чиқадики, ХХ асрнинг шўровий тузуми қолипиди шаклланган бизнинг ёзувчиларимиз орасидан бундай мутафаккир шахсни топишга уринишнинг ўзи мантиққа зид. Шубҳасиз айтиш мумкинки, Лев Толстой ўзининг романлари, қисса ва ҳикоялари, умри поёнида ёзган тазарру ва нақллари билан бутун бошли бадиий система. ХХ аср ўзбек прозаси, хусусан, ҳикоячилиги тарихида эса “Улоқда”, “Бодом қишда гуллади”, “Урушнинг сўнгги қурбони”, “Анойининг жайдари олмаси”, “Этақдаги кулба”, “Шамолни тутиб бўлмайди” каби бир нечта ҳикояларнигина санаш мумкин.

Ҳар қандай яхши ҳикоя ўзининг шакли ва ҳажми билан туғилади. Ёзувчи уни атайлабдан кичик ёки катта ҳажмли қилиб ёза олмайди. Бир сўз билан айтганда, бу жажжи жанрнинг кичик ёки катта эканини катта адабиётга нақадар даҳлдор эканига қараб белгиланса, тўғрироқ бўлади. Катта адабиёт эса, менимча, Навоий, Сервантес, Шекспир, Гёте, Пушкин, Толстой, Достоевский, Қодирийлар мансуб адабиётдир.

– Замон эврилишлари инсоннинг ички, руҳий эҳтиёжларида ҳам намоён бўлади. Мисол учун, ўтган аср ўқувчиси воқеабанд асарларга кўпроқ мойил эди. Шу боис инсоннинг ботиний, ҳиссий ҳаёти тасвирланган ҳикояларга “тиши ўтадиган” китобхонлар ҳатто ижод аҳли орасида ҳам унчалик кўп эмасди. Жаҳон ҳикоячилиги намуналари, хусусан, инсоннинг руҳий тўлғоқларига бағишланган ҳикоялар таржима

қилиниб, уларнинг илк намуналарини матбуотда чоп этилганда, даставвал бу “зерикарли” асарларни қабул қилолмадик. (Бу ҳикояларнинг аксарияти Лотин Америкаси адабиёти вакиллари ижодидан эди) Ҳали ўзбек адабиётида бу тоифа ҳикоялар деярли йўқ эди. Кўп ўтмай, миллий адабиётимизда ҳам шунга ўхшаш асарлар пайдо бўлади бошлади. Айтиш мумкинки, А.Аъзам, Э.Аъзам, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, Л.Бўрихон, У.Ҳамдам, А.Йўлдош, Б.Қобул, Б.Абдураззоқ каби адибларимиз замонавий прозага чин маънода янгилик олиб киришди. Шу маънода “Тугмачагул”, “Анойининг жайдари олмаси”, “Жажман”, “Маймун етаклаган одам”, “Қўлга тушган қорбобо”, “Тош”, “Пуанкаре”, “Қора кийик таъқиб” каби қатор ҳикоялар мисолида ўзбек ҳикоячилигида рўй берган тадрижий ўзгаришларни ҳам кузатиш мумкин. Сиз нима деб ўйлайсиз, прозада воқеабандликдан бир оз йироқлашиб, асосан руҳиятга, сезгига урғу берилиши китобхонни асл адабиётдан узоқлаштириб қўймасмикан?

– Ғалвир билан сув ташиб бўлмайди. Сув ташиш учун челақ керак. Ёки шамолни юганлашга, ҳуштакка тугма қадашга уринишда ҳеч бир мантиқ йўқ. Аммо жаҳон адабиёти майдонида шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд экан, буни аввало тушунишга, имкони бўлса тушунтиришга уринишнинг зарари йўқ.

Агар сиз айтгандек, ҳикоя жанри доирасида “инсоннинг ботиний, ҳиссий ҳаёти”ни тасвирлаш тамойили мавжуд бўлса, бу ҳам ҳуштакка тугма қадашга уринишдек бир гап.

Нима учун бундай деяпман?

Азал-азалдан улкан қамровли, кўп ва эгри чиққли воқеликни проза йўлида тасвирлаш вазифасини эпос, эпопея ва роман бажариб келади. Ҳикоя жорий воқеликдан бир парчани танлаб олади ва тасвирлайди. Ботин олами, ҳиссий кенгликлари хусусида сўз айтиш эса қисса жанрининг вазифасига киради. Ҳатто “Қуръон”да ҳам ягона шахс зоҳирий ва ботиний ҳаёти ҳақидаги хабарларга нисбатан “қисса” истилоҳи қўлланади (масалан, Исмоил алайҳиссалом, Юсуф алайҳиссалом, Айюб алайҳиссалом қиссалари каби). Халқ насрида бўлса, “Иброҳим Адҳам қиссаси”, “Шоҳ Машраб қиссаси”, “Зуфунун қиссаси” сингари машҳур китоблар бор. Уларда ҳам халқ бадий тафаккури кенгликларида ифодаланган айна тамойил акс этади. Демак, азалдан ботиний ҳаёт тасвири қисса жанрига тегишли. Шу боис ҳам бу вазифани ҳикояга юклаш ёки шундай ифода тарзига эга асарларни ҳикояга нисбатлаш ғалвирда сув ташиш ё ҳуштакка тугма қадашга уринишга ўхшайди.

Модомики, умуман адабиётда бундай ҳолатлар бор экан, бунинг яна бир гротеск-изоҳини келтиришим мумкин. Дейлик, уйда челаги йўқ одамнинг амалтақал қилиб ғалвирда сув олиб келиши ҳақида “Чорасизлик” деган ҳикоя ёзиш мумкин бўлганидек, ботин олами ва ҳиссийларини тугал англамаган, бошқача айтганда, ботини бутун бўлмаган ижодкорларнинг ҳикоя устига бундай юк қўйишини ҳам тушуниш мумкин, эҳтимол.

Лекин, ҳар қандай истиора ўйинларини четга суриб айтишим мумкинки, воқеликка кўчмаган ботин, воқеликда ифодаланмаган ҳиссий бўронлари ҳақиқий ҳикояга айланиши мумкин эмас.

– Сўнги йилларда эътироф этилган ҳикояларни кўздан кечираётимиз, ҳаёдан бир фикр ўтади. Бугун замонавий проза вакили учун сўзни ҳис эта билиш истеъдодидан ҳам кўра инсон психологиясидан хабардорлик лаёқати зарурроққа ўхшаб қолди. Чунки адабиёт, хусусан, унинг зарбардаст қисми бўлган проза инсон руҳиятига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Лекин ҳар қандай асар аввало китобхон учун ёзилади. Хўш, китобхон бундай мураккаб асарларни ўқишга тайёрми? Агар тайёр бўлмаса уни янги давр асарлари мутолаасига қандай ҳозирлаш мумкин?

– Зотан, инсониятга руҳ ҳақида жуда кам билим берилган. Юқорида ҳам айтдимки, инсоншунослик, демак, руҳшунослик вазифасига лойиқ биргина талқин воситаси бор, у ҳам бўлса фақат адабиёт. Шу боис, ҳатто қилни қирқ ёрадиган З.Фрейд, К.Юнг, Э.Фромм, Ж.Лакан каби психоаналитиклар ҳам, гарчи асосий тадқиқот объектлари тирик одам бўлишига қарамасдан, ўз хулосаларида бадий адабиётга таянадилар.

Минг йиллик шарқ-ислом лирикаси, хамсачилиги, воқеотнавислик, ҳолатнавислик ва маноқиботлардаги нозик психологизм моҳияти ҳақида биз ҳали ўйлаб ҳам кўрганимиз йўқ. Гомер, Софокл, Эсхил, Еврипид, Шекспир, Сервантес, Гёте, Пушкин, Толстой, Достоевский, Қодирий, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Орипов, Р.Парфилар асарлари ҳам айнан шу фазилати сабаб яшаб турибди. Демак, бу сифат адабиётнинг ўзагини ташкил этиши бугуннинг гапи эмас. Ҳатто бугунги адабиёт турли “дегуманизация”ларга чалғиб, асл миссиясидан бир оз чалғигандек туюлади менга.

Агар айна замон ўқувчисининг ўша “чуқур”ликка даъво қилаётган баъзи асарларга “тиши ўтмаётган” экан, бунинг сабабларини ўқувчидан эмас, ижодкор маънавиятидан излаш тўғрироққа ўхшайди. Ҳолбуки, инсон психологиясининг холис ва тўғри тасвири ўқувчини бадий асардан узоқлаштириши эмас, аксинча, яқинлаштириши лозим.

Гарчи, қаламнинг вазни қамиш пояси, ғоз пати билан ўлчанса-да, инсоншунослик масъулиятини бўйнига олган одам покиза, соҳиби ҳикмат, халқ дostonларидеги баҳодирлардек алп бўлиши лозим. Йўқса, “Сўз водийларидеги” адашиб қолади, қаламни кўтаролмай аросат саросида нобуд бўлади.

– Жаҳон адабиёти тажрибаларини ўрганиб бориш ва олган билимлари асосида янги аъналарни яратиш ҳар бир миллат адабиётининг муҳим фазилатларидан биридир. Шу маънода ўзбек ҳикоячилиги ҳам дунё новеллестикасининг яхши аъналаридан кўп нарсани ўрганди. Сизнингча, қайси ҳикояларни “жаҳон стандартлари”га мос келадиган ҳикоялар деб атасак бўлади?

– Худди Нобель мукофотлари сингари “жаҳон стандартлари” деган гап ҳам ўта нисбий тушунча. Чунки бу ўринда, аввало, ушбу “стандарт”лар қандай мезонларга таянади, деган саволни қўйиш, унга муносиб жавоб топишга уриниш муҳимроқ. Биз, биринчи навбатда, стандарт нима эканини билиб олишимиз, стандарт мезонларини белгилашимиз, шундан сўнггина ўз “стандарт”ларимиз ҳақида сўз юритишимиз лозим.

Бизда чин маънодаги стандартлар бўлган. Буни Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб,

Зокиржон Фурқат каби шарқ шоирлари яхши билишган. Бир асрдан ортиқ узилиш даври, маънавий-руҳий тобелик оқибати ўлароқ биз XX аср кишилари бундай барҳаёт илмлардан узоқлашдик. Стандартларимизни йўқотиб қўйдик. Бугун ўз адабиётимиз тарихини жиддий ўрганиш, бадиийлик мезонларини тиклаш, амал ва сўз уйғунлигига эришиш, замонавий адабиётимиз, ижодкорларимиз учун энг муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳайлашимча, ўшандагина биз ўз стандартларимизга эга бўламиз. Шундагина Фарб ва бошқа шарқ халқлари замонавий адабиёти тажрибаларини ўз асарларимизга синтезлай оламиз. Балки шунда “жаҳон стандартлари” деган калима ҳам ўзгачароқ, кенгроқ маъно касб этар. Илло, ўзбек адабиёти учун XXI аср умидлар, изланишлар, ўзгаришлар асри бўлишига шубҳа қилмайман.

– **Жон Голсуорси ўзининг “Адабиёт ва ҳаёт” номли мақоласида шундай ёзади: “...муаллифи ҳаёт экан, унинг асарини ҳали адабиёт деб ҳисобламаймиз”. Бир оз телбанамо туюлган бу фикр қатида ҳаёт, янаям тўғрироғи адабиёт ҳақиқати мужассам. Яъни асарнинг асл қўяматини вақт белгилайди. Вақт асарларни абадият кутубхонаси учун саралаб олади. Адабиётшунослар ҳам маълум маънода вақтнинг кўмакчиларидир. Баъзида адабиётшуносларни “адабий башоратчилар” деб атагинг келади. Сизнингча, замонавий ўзбек ҳикоялари орасида 22 асрга ҳеч бир тўсиқсиз “ошиб” ўтадиганлари борми?**

– Айтганингиздек, вақт деган нарса шу қадар инжиқ, мураккаб ва шафқатсизки, у ҳар қандай асарни унинг “башоратчилари” билан қўшиб тарих саҳнасидан сугуриб ташлаши мумкин. Шунинг учун ҳам башорат салоҳияти фақат пайғамбарларга, каромат эса авлиёларга берилади.

Бинобарин, XX асрдан XXI асрга “ошиб” ўтган ҳикояларни ҳам, ҳатто XXII асрда муҳаққақ ўқилиш эҳтимоли бўлган асарларни ҳам том маънода абадият “рўйхат”ига кирган асарлар деб бўлмайди. Асар ўқияпти дегани ҳам, унинг том маънода яшаётганига кафолат бўла олмаслиги мумкин. Асл адабиёт вақт ва вақтдан-да улкан мезонларда ўлчанади. Бу мезон моҳиятини Юсуф хос Ҳожиб, Яссавий, Навоийлар даврида яхши англашган. Асл адабиёт кенгликларидида биз билган мезон тушунчасининг ўзи ҳам мезон саналмай қолади. Шунинг учун бу масала талқинида бизнинг қаричларимиз жудаям майдалиқ қилади.

Бугунги ҳикоячилик ҳақидаги реал кузатишлар асосида ҳулоса қиладиган бўлсак, бу жанрдаги муҳим янгилик истиоравийликда кўринаяпти, дейиш мумкин. Бунда воқелик ёзувчи томонидан ўзининг макон-замон доирасидаги реал вазифасидан ажратиб олиниб, истиора шакли ўлароқ қайта моделлаштирилади. Натижада кичик бир ҳикоя улкан маънавий аҳамият, салмоқдор умуминсоний мазмунни ифодалай олади. Бундай ҳолатнинг бугунги ўзбек ҳикоячилигида кўринаятгани қувонарли, аммо том маънода янгилик эмас. Негаки, улар бизга Румий ва Навоий кўп бор мурожаат этган ҳикоятлар – нақл-истиораларни эслатади(фил, узум, денгиз ҳақидаги ҳикоятларни эсланг).

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этақдаги кулба”, Луқмон Бўрихоннинг “Темир сандиқ”, Раҳимжон Раҳматнинг “Адашвой”, У.Ҳамдамнинг “Сафар”, И.Султоннинг “Сувдаги коса” ҳикояларида мана шундай жиддий ва хайрли анъаналарнинг изи кўрилади. Насризмизнинг ўн беш-йигирма йил ичида эришган жиддий ютуғи ҳам эҳтимол шудир.

Аммо муаммо шундаки, ҳали бизда қадим истиора мактаби анъаналарининг том маънодаги замонавий шакли майдонга келгани йўқ. Истиоравийлик, шубҳа туғдирмайдиган даражада, замонавий ҳикоямиз либосига айланмаган. Эҳтимол, шу жараён босиб ўтилса, янги ўзбек ҳикояси маълум бадиийят кенгликлари томон ҳаракатлана олар.

– **Ўзбек ҳикоячилигининг янги авлодидан кўнглингиз тўладими? Ёш ҳикоянавислардан қай бири сизга маъқул бўляпти?**

– Агар Назар Эшонқул, Луқмон Бўрихон, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султонларни ёш ёзувчилар сафидан чиққан деб ҳисоблайдиган бўлсак, бу сафга мансуб ижодкор сифатида бир-икки ҳикоя ёзган ёш қаламкашнинггина кўрсатишим мумкин. Илло, саналган ёзувчилардан кейин майдонга чиққан ёш ҳикоянависни кўрсата олмайман.

Шуларнинг ўзи ҳам чамамда икки тоифага бўлинади.

Биринчи тоифага – ўта “фаол” ва адабиётнинг алифбосини ўрганиб-ўрганмай адабий жараён майдонига ўзини ураётганлар киради. Ўзингизга маълум, “сариқ матбуот” деган бало буларни қизғин тарзда қўллаб-қувватлаб турибди. Аммо бу фожиавий ҳам, қутилмаган ҳолат ҳам эмас. Бундан кўрқмаслик керак. Вақт тўфонининг ўзи уларни саҳнадан суриб ташлайди. Бадиий хотира уларни сақлаб қолмайди, балки бир татиб кўриб, ахлат челагига улоқтиради. Чиқинди бари бир чиқинди-да, шундай бўлгач, ундан қандай янгилик кутиш мумкин.

Иккинчи тоифани – адабиётнинг алифбосини ўрганишга уринаётганлар, қариб қолишдан қўрқмай ўз устида ишлаётган, ўрганаётган ёш қаламкашлар ташкил этади. Балки асл адабиёт учун энг муҳим нарса бу эмас, Яратган берган истеъдоддир. Аммо ўрганиш, изланиш, англаш учун ҳам истеъдод керак. Ҳайлашимча, адабиёт алифбосини ўрганиш, биринчи навбатда, “кечиккан кашфиёт” (Б.Қосимов) соҳибининг ҳолига тушмаслик, янгидан америка очмаслик, янги гап айтиш учун зарур. Дунёдаги энг буюк ижодкорлар ҳам мана шу босқични чин маънода босиб ўтганлардан чиққан. Адабиёт тарихида бунга мисоллар жуда кўп. Жуда узоққа бормасдан ўз адабиётимиздан Навоийни, рус адабиётидан Толстойни кузатсак ҳам саволга ўрин қолмайди.

Очиғи, менинг бутун умидим мана шу иккинчи тоифадан. Хотиржам, шон-шухрат бодига алданмасдан, қорин ғамига боғланиб қолмасдан, катта мақсадлар сари интилаётган ёшлардан. Бундайлар қаторида бир-икки номни санашим мумкин эди. Аммо келинг, шу номлар сирлигича қола қолсин. Зотан, айтилмаган сўз, ошкор бўлмаган сирнинг қудрати улкан бўлади...

Сухбатдош: Гулноз МҲМИНОВА



Хотиралар ювар кўнглимни

МИНГГА БЎЛИНДИМ

Минг ўлиб тирилдим мен шу минг йилда...

Матназар Абдулҳаким

*Эллингинчи остона – элакдан ўтдим,
Кўнглимнинг қорлари эриб кетяпти.
Ўзимни азоблаб ўзимни кутдим,
Оҳу нолаларим қайга етяпти?
Минг ўлиб тирилдим, мингга бўлиндим.*



*Юракни ўртайди айрилиқ, ҳижрон,
Муҳаббат боғида саргайдим, куйдим.
Шунчалар тормикан, бу фалак, осмон,
Во дариг, мен Сени ўйламай кўйдим,
Минг ўлиб тирилдим, мингга бўлиндим.*

*Элликта чигириқ, элликта зина,
Элликка ажралган йўлга айландим.
Саҳройи сабр бу – сендаги тана,
Мен эса гуллаган чўлга айландим,
Минг ўлиб тирилдим, мингга бўлиндим.*

*Самога термулсам, юлдузлар учди,
Ойга дардим тўкиб, йиглаб топиндим.
Икки дунё аро армонлар қучди,
Сен мени, мен сени жуда соғиндим,
Минг ўлиб тирилдим, мингга бўлиндим.*



*Ортимга боқаман Сомон йўлидай,
Сочилган йилларим, аламлар ютдим.
Тақдир – узатилган сенинг қўлингдай
Эллингинчи остона – элакдан ўтдим,
Минг ўлиб тирилдим, мингга бўлиндим...*

АКАМГА

*Виждон азоблари – нурли изтироб.
Евгений Евтушенко*

*“Кечир...” – шу сўзни ҳам қийналиб айтдим,
Сўроққа тўлди-ку умрим дафтари.
Бош эгиб, кечирим истаган пайтим,
Фалак ҳам йиғлади, фалак тескари.*

*Кўксимга сигмади юракнинг зарби,
Мен унинг устига муштимни кўйдим.
Бугун вужудимда ёлғизлик дарди,
Бугун азоб чекар эзилган туйғум.*

*Ўттиз йил умримдан кетди узилиб,
Зардобли юракни қоплайди туман.
Фақат сен билмайсан, уканг эзилиб,
Ўттиз йил яшади ёлғизлик билан.*

*Майли, туманлар ҳам тарқалар аён,
Осмон ҳам ёришиб тўлмоқда нурга.
Фақат тиз чўкаман қаршингда виждон,
Фақат сигинаман юрагим – шеърга!*

Норқобил ЖАЛИЛ

1961 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) нинг ўзбек филологияси факультетини тугатган.

“Соғинчнинг ранги”, “Қуёшга тик қараб бўлмас” китоблари чоп этилган. Ҳозирда “Оила ва жамият” газетаси бош муҳаррири. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ҲАЁТ ГУЛИ

Ўғлим Жавҳарбекка

Кўзларимда нурлар сўнса гар,
Юрагимни оташга тўлдир.
Икки дарё оралигида
Хазонлар йўқ, хазонлар гулдир.

Термуласан осмонга узоқ,
Қай юлдузни излайсан болам?
Олисни қўй, сен заминга боқ,
Қучоғингда яшнасин олам.

Ҳали кулар толеинг сенинг,
Дунёсига алишма вақтни.
Топажаксан бир кун биламан,
Йўқотганим – исмсиз бахтни.

Энди йиллар шамолдай ўтар,
Хотиралар ювар кўнгилни.
Юрагинга экиб қўй, болам,
Ҳаёт деган сўлмас бир гулни...

МУҲАББАТ

Озар шоири Жобир Наврўздан

Юракларда бир жаҳонни яратиб,
Еру кўкда бир осмонни яратиб,
Инсон уни, у инсонни яратиб,
Ҳаётнинг илк Алифбоси муҳаббат,
Бу дунёнинг нур-зиёси муҳаббат!

Ҳар умрда бир юлдузга тунар у,
Гоҳ ёришиб, бирдан чиқар, сўнар у,
Гоҳо сувдай лойқаланиб тинар у,
Жонга нафас, томирда қон – муҳаббат,
Минг хил дардга шифо-дармон – муҳаббат!

Дарёдир ул – юрагингда тошганида,
Олмосдир ул – узукларнинг қошида,
Менинг учун бир дунёдир бошимда,
Ҳам ҳақиқат, ҳам афсона – муҳаббат,
Гоҳ ақлли, гоҳ девона – муҳаббат!

ОЛИС ХОТИРАЛАР

Яна келдим бағринга қишлоқ,
Армонларим сенга кўмилган.
Эски тандир, ўт босган ўчоқ,
Уйимиз ҳам текис сурилган.

Кўзларимда милтирайди ёш –
Хотиралар ерга тўкилар.
Зор қалбимда тугайди бардош,
Менинг йигит қаддим букилар.



Кетиб борар йўлларим ҳам чанг,
Тўзонлари урар кўкракка.
Эҳ, чанглардек қолмай ортимдан,
Ғам чўқади етим юракка...

ЎТТИЗ ЙИЛ СОҒИНЧИ

Дафтарларда қолди кунларим,
Хотирамни кўмаёттир вақт.
Сен қайтмагин, қаро тунларим,
Сен қайдасан, мен излаган Бахт?!

Ўтиниб ёлвордим фалакка,
Кўрсатма, кўз ёшу аламни.
Ўттиз йил яшадим – дил яра,
Ўттиз йил соғиндим онамни.

Олис қишлоқ яна чорлайди,
Тушларимда оқишому саҳар.
Соғинчим қуёшдай порлайди,
Мени тушунмайди тош шаҳар.

Кўнгилгинам, тошга айландинг,
Унутдингми, уйни, қишлоқни?
Ўзимдан ўзгага бойландинг,
Онамдай соғиндим тупроқни.

Энди қайга борасан кўнгил,
Қай бир юрак тинглар сўзимни?
Излаяпман сени ўттиз йил,
Ўзимга қайтаргин ўзимни...

* * *

Кулгулар ўйнайди, кулгулар,
Лабларида қизалоқларнинг.
Димогимга ислари келар
Далалардан исмалоқларнинг.

Қантар оғиб, аста эрийди,
Ҳисортонинг оппоқ қорлари.
Шодлигидан қўшиқ тўқийди,
Оёқчининг бугдойзорлари.

Гумбурлайди момақалдироқ,
Бошланади ёмғирли кунлар.
Адирларда яна қалтираб
Уйғонади кўзиқоринлар.

Одамларнинг қўлларида гул,
Уйларига кулиб қайтади.
Қувончини яширолмай эл
Ҳар кунни қўшиқлар айтади...



Муҳаммад ОЧИЛ



САВАҒИЧ САБОҒИ

Менинг болалигим Қашқа воҳасининг Совуқ-булоқ деб номланган мўъжаз қишлоқларидан бирида ўтган. Бир пайтлар бу ҳудуднинг чор-атрофи боғ-роғлар, чашма-булоқлар билан файзиёб бўларди. “Обком”, “Райком” боболар дам олишни ихтиёр этишса, тўғри бизнинг қишлоққа келардилар. Соясалқин боғларда дам олишиб, булоқ суви билан тўлдирилган ҳовузларда чўмилишиб, мазза қилиб кетишарди.

Аммо турғунлик йилларида ўз илдизимизга ўзимиз болта урдик. Очироқ айтсам, “пахта якка ҳокимлиги” даврида боғ-роғлар, узумзорлар кўпориб ташланиб, ҳатто мактабу боғчалар ҳовлиларигача ғўза бостириб борди. Оқибатда оби-ҳаётга эҳтиёж кучайди, кўплаб артезан қудуқлар қазилди. Булоқларга “темир ғилоф” кийдирилиб, суви насос ёрдамида ариқ-каналларга бошқарилди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак номи билан боғлиқ, муаррих Ибн Арабшоҳ ўз китобида қайд этган “Шаҳри Кешдан 9 фарсанг наридаги Хўжа Илғор...” ҳам, айнан шу ҳудудда. Кўп асрлар давомида шифоталаблар дардига суви дармон бўлиб келган Хўжа Илғордаги ана шу машҳур “Чилла булоқ” ҳам ҳозирда қуриб қолган. Аммо кўнгилга таскин берадигани шуки, сўнгги йилларда бу жойларда ҳам ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

Менинг болалигим киши ҳавас қиларли рангбаранг кечмаган. Олти ёшимда отам – колхоз бош ҳисобчиси Очил Жуманазаров икки хотин (замон зайлига кўра уйланган бўлса керак-да) ва ўн нафар фарзандни мерос қолдириб вафот этган. Энди қолгани шоир Ғафур Ғулум айтганидек: “Етимлик нимадур, бизлардан сўра!”

Аммо халқ билиб гапиради. “Оналик етим гул етим” экан. Волидаи мушфиқимиз Жумагул Жумана-

зарова ҳамма ўзбек оналарига хос ўта матонат, сабрбардош билан “тоғ келса кемириб, сув келса симириб”, турмушнинг барча қийинчиликларига бардош бериб, бизни оқ ювиб, оқ тараганлар.

Етимлик ва унинг машаққатлари ҳақида кўп ва хўб ёзишган. Аммо мен етимликнинг бир “афзал” жиҳатини айтмоқчиман. Гап шундаки, кўча-куйда ҳамма сенга шафқат назари билан қарайди. Дейлик, кўчада ким биландир уришиб қолдинг, ким ҳақу ким ноҳақлигидан қатъий назар, ҳамма айб рақибининг зиммасига тушади. Чунки сен етимсан, сенга озор беришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Тўй-маъракаларда ҳам раҳмдил кишилар сенинг товоғинга илик қўйишади. Чунки сағирнинг савоби тегади!

Отам вафот этган йили қўшнимиз Бўри аканинг ўғли, мендан бир ёш катта Бекмурод оғайнимга тиркашиб мактабга бордим. Яна ўша “имтиёз”. Ёшим етмаса ҳам етимлигим инobatга олиниб, биринчи синфга қабул қилиндим. Бироқ ўқиш давомида “имтиёз”дан фойдаланишнинг имкони бўлмади.

Эсимда, “қарра” жадвалини ёдламаганим учун арифметика ўқитувчимиз болаларнинг олдида роса изза қилди. “Дод” солганча энамни орқа қилиб уйимизга югурдим. Онам супада пахта саваб ўтирган экан. Воқеани эшитгач, қўлидаги савағич билан ўзимни савалай кетди. “Ҳали сендан кутганим шумиди? Одам бўлиб мени боқасан десам...” дея койиганлари ҳамон эсимда.

Назаримда савағичнинг ушбу сабоғи кўзларимни мошдек очди. Шундан сўнг яхши ўқиб кетдим. Мактабни олтин медаль билан, университетни эса имтиёзли, яъни “қизил диплом” билан тамомладим.

Илк шеъримни тўртинчи синфда ёзганман. Нима ҳақда денг! Бир тарғил говмуш сигиримиз бўларди. Шу жонвор қисир юриб-юриб тўсатдан туғиб берса

Муҳаммад ОЧИЛ

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган. Тошкент Давлат университетида (ҳозирги ЎЗМУ) таҳсил олган. Таниқли ҳажвчи ёзувчи. “Нишонга теккан ўқ”, “Шайтон операцияси”, “Бермут учбурчаги”, “Ҳажв гулдастаси” каби ўнлаб китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар ушмаси аъзоси.



бўладими. Ҳамма хурсанд. Хуллас, оғиз оққа етганлиги шарафи билан “Бузоқча” деган шеър ёзганман. Ўқитувчим ўқиб кўриб, қувониб кетди. Шеър мактабимиз “деворий газетаси” да ҳам эълон қилинди. Ўшанда шодликдан ёрилай деганман. Ахир ўқувчилик давридаги энг зўр нашр бу – “деворий газета” да! Қанчадан қанча адиб ва шоирларимизнинг илк машқлари ана шу тўрт энлик “қоғоз” да босилган ва уларнинг кейинги ижодий изланишларига туртки бўлган.

Бироқ менинг бу “илк қадамим” биров бошқачароқ бўлди. Шеър эълон қилинган, синфдошларим каминага “бузоқча” деб лақаб қўйишди.

– Қаранглар, ана “бузоқча” келяпти!

– Ҳой, бузоқча, қачон “ҳўкиз” бўласан?!

Бундай “ёрлик” кимнинг ҳам таъбига хуш келарди. Шу-шу шоирлик шоҳсупасига чиқиш орзусидан воз кечдим. Аммо адабиёт олаmidан кетолмадим.

Талабалик йиллари биз яшайдиган “Талабалар шаҳарчаси” даги 2-сон ётоқхонанинг биринчи ва иккинчи қаватини бўлажак биологлар, учинчи қаватини журналистлар, сўнги тўртинчи қаватни эса геолог талабалар эгаллашганди. Номлари бугун адабиёт ихлосмандарига яхши таниш, таниқли шоир ва ёзувчилар – Икром Отамурод, Сирожиддин Сайид, Мирзо Кенжабек, Алишер Ибодинов, Фароғат Камолова, Замира Рўзиева, Одил Ҳотам, марҳум шоир Назар Шукр ва бошқалар айнан шу маскандан полопон бўлиб, ижод оламига парвоз қилишган.

Бундан ташқари Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфи, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст каби машҳурлар ётоғимизга кун-кунора келишиб, ижодий гурунглари ташкил қилишарди. Бундай муҳитдан баҳраманд бўлиш, албатта киши руҳиятига таъсир қилмасдан қолмайди. Хуллас, ана шу муҳит юрагимда ўчган ижод чўғини қайта аланга олдириди. Шеър ёзиб оғзим куйганлиги сабаб, бу сафар ҳар эҳтимолга қарши “ҳикоя” ёздим. Ҳикоя курсдошим – етим қизнинг аччиқ изтиробини ва бахтли интиҳоси ҳақида эди. Ёзганимни “очиқ дастурхон” устида журналист жўраларга ўқиб бердим.

– О-о! – дейишди улар жўровозда маъқуллашиб, – бу дурдонангни тезроқ бирор редакцияга...

– Қайси редакцияга?!

– Албатта “Гулистон” гада!

Ўша кезларда республикадаги энг нуфузли нашрлардан бири “Гулистон” саналарди. Айниқса, “Темур тузуклари” туфайли кўтарилган шов-шув ва Расул Ҳамзатовнинг “Доғистоним” идан сўнг журналнинг обрўси янада ошиб кетганди. Бу журнални қора тортиб боришимизга яна бир сабаб – биз тенги талабалар – Хайриддин Султонов ва Алишер Ибодиновларнинг мазкур журналда ҳикоялари пешма-пеш бўлиб тургани боис, уларнинг номлари машҳур-жаҳон бўлиб кетишганди.

Хуллас, “Гулистон” дан “гул ҳидлаш” умидида остонасини хатлаб, тўғри бўлим муҳаррири, ёзувчи Эркин Аъзамга рўбарў бўлдим. Эркин Аъзам мени кулиб қаршилаган бўлса-да, аммо “ҳикоя” ни ўқиган сари қовоғи солиниб, пешонаси тиришиб борарди. Ниҳоят, менга юзланди.

– Ҳикоя бундай ёзилмайди, земляк!

– Яхшилаб қаранг, – дедим унинг “земляк” дея ўзига яқин олганидан умидланиб. – Ҳикоя бўлмаса “новелла” дир! Балки этюд дир! (Ўзимнинг адабий жанрлардан хабардорлигимни билдириш учун шундай деган бўлсам керак)

– Йўк, – деди “земляк” бош чайқаб, – новелла ҳам, этюд ҳам эмас.

– Ахир, – бисотимдаги сўнги далилни пеш қилдим, – буни журналист жўраларим “зўр” деб мақташганди...

– Афсус, – Эркин Аъзамнинг юзи кулса-да, қаҳри қаттиқ экан. – Улар сизни алдашибди. “Зўр” эмас, “ғўр” нарса ёзибсиз. Бу шунчаки қоғоз қоралаш, холос.

Ўшанда бағритошлиги учун Эркин Аъзамдан қаттиқ хафа бўлгандим. Лекин ҳозир миннатдорман. Сабаби, ижод қонун-қоидасини пухта, мукамал эгалламасдан, шошма-шошарлик билан адабиёт даҳлизига қадам қўймоқчи бўлганларга талабни айнан шу тарздаги бошлаш керак, деб ўйлайман. Айниқса, “земляк” лик, таниш-билишчилик ижодда кетмайди. Тўғри, талантларга кўмак зарур. Истеъдодсизлари эса устоз Ўткир Ҳошимов айтмоқчи – ўзлари йўл топиб олишади!

Мен ихтисослигим бўйича биологман. Яна ҳам аниқроқ айтсам, тупроқшунос-агрохимикман! Аммо айтиб қўяй, адабиёт оламда “биолог” ёзувчилар ҳам анчагина. Ҳазрат Ибн Синодан тортиб, домла Чеховгача... Аллома адиб Чингиз Айтматов-чи?

Шундай қилиб денг, “Гулистон”дан кўнглим совиб қайтгач, ҳалиги “дурдона”ни журналист жўраларнинг юзига қараб итқитдим.

– Мана, мақтаган матоҳларинг ўтмади! Энди пишириб ейсизларми ёки қовуриб, ўзларинга ҳавола! – дедим.

Орадан олти ойча ўтгач, ғалати воқеа содир бўлди. Журналист жўралардан бири келиб мендан “суюнчи” олди.

– Ҳикоянг Нишон туманининг газетасида чиқибди! Табриклайман! – деди.

– Йўғ-е, – ҳайратга тушдим. – Мен уни ҳеч қаёққа юборганим йўқ-ку!

– Кўп суюнма, – илжайди журналист жўрам. – Ўзимнинг исм-шарифимни қўйиб жўнатгандим. Шу сабаб, ҳикоя менинг номимдан босилган!

Қизиқ, мол ўғрисини жазоласа бўлар экан, лекин “адабий жиноятчи”нинг адабини бериш қийин бўларкан. Ўйлаб-ўйлаб, мен бу дўстни ҳажв йўли билан жазолашга аҳд қилдим ва ҳозирга қадар қўлдан келганча шу йўналишда ижод қилмоқдаман.

Ўрни келганда, ҳажв сўқмоқларида менга елка тутган, меҳрини дариғ тутмаган устозлар ҳақида ҳам бирров гапириб ўтишга ижозат берасиз. Талабалик даврида бир вақтнинг ўзида ҳам “Муштум”, ҳам “Шарқ юлдузи” журналида иккита ҳажвиям чоп этилди. Ўзбекнинг ҳадди зўр ҳажвчиси Неъмат Аминов ўша кезларда “Муштум”да ишларди. “Муштум”да ҳикоянг босилса, ҳажвчи сифатида тан олинардинг. Неъмат Амин ёзганларингни чертиб-чертиб, сарагини-саракка, хашагини-хашакка ажратишга ўта моҳир эди. Ана шу “қаҳри-қаттол” ёзувчининг синовидан ўтиб, шогирд тутинишга муяссар бўлдим. Устоздан кўп меҳрибонликлар кўрганман. Умуман “йилл” этган, ҳажвда қалам тебратадиган ёшлар унинг меҳридан четда қолмасди.

Ўша йиллари пойтахтдан уй ололмай Қаршига кўчишга мажбур бўлдим. Турмуш ташвишлари билан бўлиб анчагача ҳеч нарса ёзмадим. Ўшанда Неъмат ака мени йўқлаб Қаршига келдилар. Вилоят раҳбарларига “Муштум”нинг бош муҳаррири сифатида: “Бу бола менинг шогирдим бўлади! Маҳаллий ижодкорларга алоҳида эътибор қаратинглар!” дея ясама пўписа билан “топшириқлар” берди. Узоқ йиллар нашриётда навбат кутиб, нашр этилмаётган китобимга “сўзбоши” ёзиб, чоп этилишини тезлаштириб кетди.

Ўша йилларда “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири Мирмуҳсин домладан ҳам кўп яхшиликлар кўрдим. У кишининг рағбатлари туфайли яхши-яхши асарларим юзага келди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг “Шум боланинг чойхонаси” маъмурлари томонидан энг сара ҳажвлар учун “Олтин чойнак” адабий соврини ташкил этилганди. Биринчи бўлиб бу мукофотни ҳақли тарзда Неъмат Аминов қўлга киритди. Иккинчи йили эса соврин масаласида анча баҳс бўлди. Ниҳоят, муаммони адолатли ҳал қилиш газета бош муҳаррири, таниқли адиб Одил Ёқубовга юкланади. Одил ака танловга келган ҳикояларни ўқиб, саралаб, энг сўнгида икки нафар номзодга тўхталибди. Ана шу номзодларнинг бири мен эдим. Хуллас, ўша йили устоз адибларнинг, хусусан, ҳажвчилар сардори Саид Аҳмад домланинг хулосасига кўра мен совриндор бўлдим.

Дарҳақиқат, ҳазрат Навоий айтадилар:

*Элни шод айламак керакдур,
Адлу дод айламак керакдур...*

Ҳажвчи сифатида мен ана шу икки мисрани ўзимга дастур қилиб олганман. Ҳа, кулгуда ҳам ўзи-га хос ҳикмат бор. Бу ҳикматнинг маъноси шуки, ҳар доим кулингу, аммо кулгуга қолманг.





Сен кириб келасан ҳар кеч туршилга



ҚИШЛОҚ

Хуснингга ҳайратим ошиб, қайтадан –
Расмингни юракка чизгим келади.
Қайноқ қучогингдан кетолмай, ватан –
Олис қишлоқларни кезгим келади.

Мўъжизага дўнар бунда ҳар фасл,
Кўзлар қамашади тароватидан.
Баҳори беқиёс, кузи серҳосил,
Қиш қўрқар ёзининг ҳароратидан.

Бепоен далалар, пурвиқор тоғлар
Дилимизга солар ватан расмини.
Сув ёқалаб бунёд бўлган қишлоқлар,
Ерга меҳр бермоқ – ҳаёт мазмуни.

Мудом эзгуликка очиқ эшиги,
Меҳр иси анқир қучоқларидан.
Дунёга таралар Ватан кўшиги –
Менинг озод юртим қишлоқларидан!

САБОҚ

Табиат – дарсхона экан биз учун,
Ҳаёт – ҳикмат экан, ўйлаб қарасам.
Кузатиб, дедим мен:



“Борича кучим –
Шу элнинг корига мен ҳам ярасам!”

Майса ниш ураркан тупроқни ёриб –
Шу маскан кўркига кўрк улашмоққа.
Ирмоқ ҳам ўзича йўл топиб олиб –
Қақраган ерларга қараб шошмоқда.

Неки мавжудот бор, курашар бетин,
Ҳаётин магзида эзгу бир зоя.
Дарахтлар мевалар тугмоқда олтин,
Мева бермагани берай, деб соя.

Тераклар саф тортиб турар аскардай,
Барқ урмоқ кўйида йўқ асло тинчи.
Мақсад – шу эл қурган иморатларга –
Ярамоқлик, бўлиб васса ё синчи!

Кузда учиб кетган шойи қалдирғоч –
Қайтиб топар экан эски ошённи.
Бу ҳолни кузатиб, кўнглимда қувонч,
Қушлар олқишлайди бундай маконни!..

Демак, биздан талаб – бундан-да юксак,
Шу юрт, шу Ватанни жондай асрамоқ.
Байрогини ўпиб, баландроқ тутсак,
Ва шавкатин кўриб, қадни ростламоқ!

Ориф ТҶХТАШ

1976 йилда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилган. “Ғунчалар табассуми”, “Қуёш йўли”, “Кўнглига ташриф” ва “Ватан атри” номли китоблари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Фақат севиш мумкин бундай чаманни,
Энди гафлатларга видолар керак.
“Булбул чаман севар, одам Ватанни”,
Фидойилар керак, фидолар керак!

Табиат – дарсхона экан биз учун,
Ҳаёт – ҳикмат экан, ўйлаб қарасам.
Қузатиб, дедим мен “қолар из учун –
Шу элнинг корига мен ҳам ярасам!”

* * *

Айни баҳор эди.
Мен сени кўриб,
Бегона бўлганим ақл-у ҳушимдан.
Кўнглим кўзгусида сочингни ўриб,
Тонгда чиқиб кетар эдинг тушимдан.

Мен эса... тушларим таъбирида маст,
(Ўзим – башоратчи, ўзим – мунажжим).
Юрардим, дунёлар товонимдан паст,
Ер узра етгудай ёзсам қулочим.

Осмонлар меники эди ўшанда,
Унга исминг ёзсам умидлар билан,
Ғаши келмасин деб, кўзи тушганда –
Ёпиб қўяр эдим булутлар билан.

Йиллар йилдиримдай ярқ этди – кетди,
Олов ёшлигимдан қолгани бир чўғ.
Васлингмас, ҳажрингга гарқ этди – кетди,
Аммо туш кўришидан чарчаганим йўқ.

Умрим тунлари – бахт, кунлар – малолдай,
(Келганга ўхшайман бироз ҳушимга).
Ишидан уйига қайтган аёлдай –
Сен кириб келсан ҳар кеч тушимга!

* * *

"Кел", десанг етарди.
Ёнингда ўзим,
Менинг шиддатимдан орқада Хаёл.
Лек барча илдизни келганман узиб –
"Кет" десанг пойингда ўламан, АЁЛ!

* * *

Дунёга иддао қилурман ҳар дам:
Қовурдинг-ку дея ўтрикларингда.
Мени эслаганда келса йиғлагинг –
Демак яшайман киприкларингда!



* * *

Бир ён – ақл, бир ёнда юрак,
Остонагни ўпар икки йўл.
Сен ақлингга дил уфқин кўрсат,
Юракка ҳам оқил ҳамроҳ бўл!

ГУЛБАДАН

Сенга бошқа таъриф йўқ –
Бош-оёқ гулбадансан.
Айни ўн саккиз ёшда
Чунонам гуллагансан.

Сочларинг сувнинг расми,
Қошларинг қуш эмасми?
Висолинг туш эмасми?
Ўзинг ҳам билмагансан!

Киприкларинг қайрилган,
Кўзинг хушдан айирган,
Юзинг нурга чайилган,
Сохта зеб бермагансан.

Лабингга инса қулғу,
Сочилар қирмиз ёғду,
Ҳар қалбга ташлаб орзу,
Ҳижронга йўллагансан.

Қучоғинг жаннат исли,
Кафтингда ҳаёт мисли,
Қўлларинг қанот мисли,
Тирноғи тилладансан.

Бир богга этсам қиёс,
Гулларинг яшнар қийғос,
Шохталаш олма, гилос –
Мевалари маъдансан.

Қоматларинг расодир –
Чўккан қалбга асодир,
Пойинг тўла асотир,
Тиз поинали қадамсан.

Сенга бошқа таъриф йўқ –
Бош-оёқ гулбадансан.
Айни ўн саккиз ёшда
Чунонам гуллагансан.

БЕШИҚДАГИ БОЛАЖОН

“... Билиб қўйки, сени Ватан қутади!”

Ғафур ҒУЛОМ

Айлансин-о ўзингдан,
Ўзбек элим – жонажон.
Порлаб турган кўзингдан!
Бешиқдаги болажон.

Бармоқларинг мушт қилиб,
Кўрсатасан хуш қилиқ,
Кўз тегмасин ишқилиб,
Бешиқдаги болажон.

Тингласам бирин-бирин,
Сўзинг сирли, яширин,
Исларинг бунча ширин?
Бешиқдаги болажон.

Кулгичинг юзга ботиб,
Қўймасин-ей уйғотиб!
Нафасларинг бир латиф,
Бешиқдаги болажон.

Жилмайишинг бирам хуш,
Билакларинг жуфт оқ қуш,
Тезроқ улғай, настга туш –
Бешиқдаги болажон.

Ҳатлагин остонадан,
Ва ташла ўктам қадам,
Сени қутмоқда Ватан –
Бешиқдаги болажон.

Кун келиб чўзарсан бўй,
Ватан нима, билиб қўй!
Ҳозирча оромга тўй,
Бешиқдаги болажон.

Бағрикенг ўзбек элим,
Ўзбек элим – болажон.



Куч-қувват қўшиб беринг,
Оқ сут берган онажон!

РАШК

“Азизим, бахтиёрим,
Кўнглимнинг тахти ёрим.
Юзингда кўз изи бор,
Сенга ким боқди, ёрим?!”

Халқ қўшиқларидан

Қалбда олов севгимнинг
Сўзимда тафти, ёрим.
Пойингдаги майсалар –
Муҳаббат кафти, ёрим.

Ошиқларинг бир дунё,
Сенинг ўзинг сир – дунё,
Шоир дунё, шеър дунё –
Пойингда оқди, ёрим.

Олам ётар гафлатда,
Ишқсиз дунё нафратда,
Бу ел эмас, албатта –
Кипригин қоқди ёрим.

Севгисиз яшаи... балки...
Чидолмас шоир халқи,
Жонимни ёқса ҳамки –
Азобинг ёқди, ёрим.

Ўзни ололма қўлга,
Ёқам айланар хўлга,
Кўзим сен ўтар йўлга –
Мунчоқлар тақди, ёрим.

Тилда севгим сўзи бор,
Рашиқимнинг ҳам кўзи бор.
“Юзингда кўз изи бор,
Сенга ким боқди, ёрим?”



КЎНГИЛ АСИРЛАРИ

Ҳикоялар

ОРИЯТ

Зоҳир мажлисхонага кираётиб соатига қараб қўйди. Ҳали учрашувига анча вақт бор. Мажлис нари борса икки-уч соат давом этиши мумкин. Бемалол улгуради. Аммо олдиндан аниқ бир нарса дейиш қийин. Мабодо мажлис чўзилиб кетса Зулҳумор кутиб турармикин? Кўзни шамғалат қилиб залдан чиқиб кетиш қийин. Бошқарманинг яқинда тайинланган янги бошлиғини жуда қаттиққўл, сўконғич дейишади. Ҳозирги одамларни урмасанг, сўкмасанг ишламайди дея тап тортмай, очиқ айтаверар экан. Зоҳир бунақа иш услубини ҳазм қилолмайди. Урсанг бети, сўксанг эти қотади. Бора-бора одамларга оддий гап ҳам таъсир қилмай қўяди. Яхши гап билан ҳам ишлаш, ишлатиш мумкин-ку. Мана, кичкина бир корхонага икки йилдан буён раҳбарлик қиляпти, ҳали биронта одамни сўкиш у ёқда турсин, сенлагани ҳам йўқ. Ҳарқалай, бировдан олдин, бировдан кейин дегандек, иши юришиб турибди.

Залда одамлар йиғила бошлади. Зоҳир одатига кўра орқа қаторга бориб ўтирди. Шуниси қулай, раҳбарнинг кўзидан пана. Қизиқ, бошқалар ҳам негадир орқа қаторни афзал кўришарди.

Ниҳоят, мажлис бошланадиган вақт ҳам бўлди, аммо янги бошлиқдан ҳамон дарак йўқ. Зоҳир шундай палла раҳбарлар ҳақида айтиладиган гапни эслади: «Раҳбар кеч қолмайди, ушланиб қолиши мумкин». Тўғри-да, раҳбар бўлиш ҳеч қачон осон бўлмаган, ҳар қадамда минг битта ташвиш-муаммо кўндаланг туради. Кейин, раҳбарнинг ҳам раҳбари бор. Ўзидан каттароқ раҳбар мудом тепасида қилич ўйнатиб туради: ундан кўрқади. Кўрқмай кўрсин-чи. Юрса-турса



Расмлар муаллифи Аслиддин Калонов.

Шодмон ОТАБЕК

Андижон вилоятининг Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган. Ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетни битирган. Адибнинг «Мирзакалон Исмоилий», «Япроқдаги нур», «Одамийлик синовлари», «Энг бахтли кун», «Қорбўрон», «Шахмат абадийдир», «Ширмонбулоқ оқшомлари», «Тўқилмаган латифалар ёхуд Дўрмон хангомалари», «Дўрмон хангомалари», «Мирзакалон Исмоилий сабоқлари» каби китоблар чоп этилган.

унга ёқишни, лоақал жаҳлини чиқармасликни ўйлайди. Бутун саъй-ҳаракат шунга қаратилади. Уйқусида ҳам ҳаловат бўлмайди. Ажабо, хом сут эмган банда шуларни кўра-била туриб яна нега раҳбарликка қизиқаркин?

Хўш, ўзи-чи? Ўзи ҳам энди кичик бўлса-да раҳбар-ку! У бу лавозимни бошқаларга ўхшаб от солиб, ўзини ўтга-чўққа уриб олгани йўқ. Ҳаётда истисно ҳолатлар ҳам бўларкан-да. Лаёқати, меҳнати маъқул тушгандирки шу ишни топширишди. Йўқ дея олмади. Мабодо бир кунмас бир кун амалдан кетса ҳам алам қилмайди, бошқаларга ўхшаб аччиқ қалампир чайнамайди.

Зоҳирнинг хаёли бўлинди. Йиғилганлар бирин-кетин ўрнидан тура бошлади. Залга катта раҳбар кириб келаётганди. Қўлида семизгина папка. У тўғри бориб ҳайъат столига ўтирди. Ёнидан бошқа мулозимлар жой эгаллашди. Улардан бири, бўйинбоғи қийшайиброқ қолган тепакал одам ўрнидан туриб қисқача нутқ ирод қилгач, марказдан келган ҳурматли раҳбарга сўз берди. Раҳбар маъруза матни солинган папкасини қўлига олиб, шонилмай минбарга чиқди ва қироат билан сўз бошлади. Йиллик иш натижалари ҳақида жуда узоқ гапирди, турли рақамларни тилга олди.

Зоҳир зерикиб, энсаси қотди. Секин ён-атрофига разм солди. Бошқалар ҳам аллақачон мудрай бошлаган эди.

“Ҳаммага маълум бу гапларни ҳозир, шу ерда айтиш шартмикан? Техника ривожланган, ахборот алмашиш осонлашган замонда одамларнинг вақтини беҳуда олмаслик учун маъруза матнини олдиндан тарқатиб, мажлисни музокарадан бошлаш ҳам мумкин эди-ку!”

“Унда раҳбар ўзини, ўз қудрати-устунлигини қандай намоён қилади?”

“Тамомила янгича иш усулига ўтиш керак”.

“Биз ҳали бунга тайёр эмасмиз. Ўзимизга хос, ўзимизга мос йўлимиз бор”

“Э дарвоқе...”

Раҳбар залда мудрай бошлаганларнинг кўзини очиб қўйишга чоғланди шекилли, умумий гапларни йиғиштириб, танқидга ўтди. Мудраётганлар ногоҳ сергак тортишди. Раҳбар шунчаки танқид, танбеҳ билан чекланмасди. Номии тилга олинган раҳбарчаларни “Фалончиев, тур ўрнингдан!” дея, жеркиб-силтаб ўрнидан турғизар, аёвсиз сўкар эди. Бечора раҳбарчанинг эса боши ҳам, ер сузганча миқ этмай тураверарди. Катта раҳбар ёши ўзидан анча каттароқ раҳбарларни ҳам аяб ўтирмасди.

Зоҳир янги раҳбар иштирокидаги мажлисда биринчи бор қатнашиши эди. У ҳақда эшитган гаплар яна бирма бир хаёлидан ўтди.

“Ё тавба! Нега бу одамлар шунча ҳақорат, сўкишларни эшитса ҳам чуққ этиб оғиз очмайди? Бақани ҳам босиб олсанг “вақ” дейди-ку! Наҳотки ҳаммасининг тили қисқ бўлса? Амал шунчалик ширинми? Ажабо, раҳбар урса, сўкса “хайрият” дейдиганлари ҳам бўларкан. Жайдари мантиққа кўра, раҳбар уриб, сўкиб турса ишдан бўшатмас экан, индамай қўйса ёмон эмиш...”

Зоҳир беихтиёр мактабда адабиёт муаллими билан бўлган савол-жавобини эслади.

“Нега Пушкин, Лермонтов каби шоирлар бевақт ўлиб кетишган? Улар нима учун дуэлга чиқишган?”

“Улар орият учун, ор-номус учун курашишган. Ҳа, орият учун курашадиган замонлар, одамлар ҳам бўлган. Биз суйиб ўқиган “Алпомиш” ҳам аслида орият ҳақидаги достондир.”

Шундан сўнг “орият” деган сўз онгу шуурининг бир четига ўрнашиб қолди. Пойтахтга келиб, институтга ўқишга кираётганда отаси қишлоқдан “Орият учун курашгин, ўғлим!” дея хат ёзарди. Ўз кучи билан ўқишга кирганида отасининг ана ўша далдаси-даъвати ҳам ёрдам берганига ишончи комил эди. Ўша йиллар ўқишга киролмай қолиш уят ҳисобланган, ўқишдан йиқилиб келганлар ойлаб кўчага чиқолмай қоларди.

– Маматов, тур ўрнингдан!

Хаёли бўлинган Зоҳир чўчиб ўрнидан турди. Раҳбар кўзига тик қараб, зуғум қилишга шайланиб турарди. У Зоҳирнинг ҳам бошқалар каби мулзам тортиб, ерга қарашини кутди чоғи, шайланиб-хезланиб, бир лаҳза жимиб қолди. Аммо бу йигит негадир кўзини олиб қочмади. “Хўш, нима дейсиз? Тилим қисқ жойи борми?” дегандек кўзини лўқ қилиб тураверди. Қўл остидагилардан фақат “хўп” дейишни кутиб ўрганган раҳбар кутилмаган журъатдан андак тараддудланиб қолди.

– Маматов! Сен...

– Шошманг! – Зоҳир раҳбарга тик қараб, шартта гапини бўлди.

– Нима дединг?

– Шошманг деяпман! – Зоҳир босиқ, аммо қатъий оҳангда гапирди. – Агар сўкадиган бўлсангиз, мен ҳам жавоб қайтараман! Билиб қўйинг!

Раҳбар ҳанг-манг бўлиб қолди.

Залда жонланиш, пичир-пичир бошланди. Бундай ҳолатнинг узоқ давом этиши мумкин эмасди. Раҳбар синалмаган отнинг сиртидан ўтиб, обрўсини туширгиси келмади, шекилли, шайтонга ҳай бериб, аламинини ичига ютди.

– Сен...ғалати экансан-ку, – деди раҳбар шашти пасайиб. – Майли, ўтир, ўтир, сен билан кейин... гаплашамиз...

Зоҳир енгил тин олиб, жойига қайта чўқди, “қил-кўприк”дан ўтиб олганига ишониб-ишонқирамади. Рў-молчасини олиб, пешонасидаги терларни артаркан, беихтиёр атрофга боқди. Шивир-шивирлар ҳамон давом этарди. Назарида, ҳамма унга худди қанотли туя кўргандек таажжубланиб, энди бу ёғи нима бўларкин дея қизиқсиниб қараётгандек туюлди.

“Мумкин экан-ку! Энди нима бўлса бўлар, осмон қўлида бўлса ташлаб юборсин. Олса ишини олар, жонимни олмайди-ку!..”

Раҳбарнинг кейинги гаплари қулоғига кирмади. Кейинги гапларнинг қизиғи-салмоғи ҳам қолмади. Мувоzanатини йўқотган раҳбар энди ҳеч кимни сўкмади, сўқолмади. Энди Зоҳирнинг ўша бир оғиз гапи оғиздан оғизга ўтиб, турли миш-миш, шов-шувларга сабаб бўлади. Зоҳирнинг ўзи салкам қаҳрамонга айланади. Айни чоғда ҳамкасблар унинг неча кундан кейин ишдан кетишини ўзаро қизғин муҳокама қилишади.

“Э қойил! Боплади! Ориятли, ғурурли экан”.

“Ҳозир ғурур билан бола-чақа боқиб бўлмайди. Ўзига ташвиш орттириб олди”.

“Энди ишдан кетади. Уйнашмагин арбоб билан...”

“Ишдан кетса нима бўпти? Ўлиб қолмас. Қайтанга ҳаммага сабоқ бўлди.”

Мажлисда танаффус эълон қилинди. Одамлар диққинафас залдан ташқарига ошиқишди. Зоҳир чекувчилар бурчагига бориб, сигарета тутата бошлади. Ёнига келган кашандалар негадир унга қарашмас, худди уни кўрмагандек секин ўгирилиб олишарди. Яна бошқа кашандалар ҳам келиб қўшила бошлагач, улар саф тортиб, алоҳида давра қуришди. Зоҳир бир четда қолиб кетди, уни сафдан чиқариб қўйишди, унга ҳеч ким эътибор қилмади. У энди бир зумда ола қарғага айланиб қолди.

Зоҳир соатига қаради. Учрашувга ярим соат қолган эди. Агар мажлиснинг давомига кирса улгуролмайди. Устига-устак кўксини эзғилаётган ғашлик тобора кучаяр, тезроқ бу ердан кетгиси келар эди. Уни бояги тўқнашув оқибатида миясига болғадек урилаётган “Энди бу ёғи нима бўларкин” деган ташвишгина безовта қилмаётганди. Ҳамкасбларнинг дарров тўнини тескари кийиб олганини ҳам бир амаллаб ҳазм қилиши мумкин эди. Уни хом сут эмган банда табиатидаги ўша кўҳна ноқислик ғуссали ўйга толдирганди. Нохушликни бир лаҳза бўлса-да хаёлдан четлатгиси келди, ҳозир бўладиган учрашувни, сўнг Зулхуморнинг кулиб турган ёқимли чеҳрасини кўз олдига келтирди. Юраги бир орзиқиб кетди. Адоғи йўқ кундалик ишлар билан андармон бўлиб, қизни анчадан буён кўролмаганини эслаб, афсусланди. Назарида, бугунги учрашув кўп нарсани ҳал қиладигандек эди. Зулхумор билан анчадан буён учрашиб юрса-да, негадир кўнглини очиб, ҳали муҳаббат изҳор қилмаган, назарида, бунга ҳожат ҳам йўқдек эди. Сўзсиз англашиладиган муҳаббатнинг кадри баланд бўлади деб ўйларди. Айни чоғда қиз ўша бир оғиз сўзни кутаётгандек туюлар, шуни айтмаса боёқишнинг кўнгли жойига тушмайдигандек эди. Бугун агар мавриди келса, кўзини чирт юмиб айтади. Бунинг учун ботирроқ бўлиши, ботир бўлиш учун эса озроқ ичиб олиши керак. Демак, қизни ресторанга таклиф этади. Бир марта шоҳона зиёфат қилса нима бўпти? Чўнтаги кўтаради – кеча маош олган.

Ҳамма мажлисга кириб кетган, узун, кенг йўлақда бир ўзи қолган эди. Залга бир қараб қўйгач, кескин қўл силтаб, ташқарига чиқди.

Баҳорнинг илк кунлари. Ҳаво салқин. Булутлар орасидан гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб бўлиб, хирагина шуъла таратаётган қуёшнинг тафти деярли сезилмайди. Дарахтларнинг кўкка бўй чўзган яланғоч новдалари ҳали куртаклардан маржон тақиб улгурмаган. Кузда узилиб тушмаган яккам-дуккам, қорайиб бужмайган япроқлар изғиринли шаббодада заифгина тебранади.

Зоҳир соатига қаради. Учрашувга ўн дақиқа вақт қолган эди. Шошилмаса бўлмайди. Катта йўл четига ўтиб, такси тутиш учун қўл кўтарди. Биринчи тўхтаган машинага шошилишга ўтирди.

Фаввора ёнида тушиб қолди. У ерда ҳеч ким йўқлигини кўриб, енгил тортиди. Мабодо қиз ундан олдин келганда хижолат бўлишини ўйлади. Қора мрамртош билан ўралган фаввора атрофида айланиб, кута бошлади. Ёзда бу ер дам олувчилар, айниқса, болакайлар билан гавжум бўлиши хаёлидан ўтди.

– Кўп ўйлайверманг, сочингиз оқариб кетади.

Зоҳир таниш овозни эшитиб, беихтиёр ортига ўгирилди. Қаршисида қора сумкачасини билагига ташлаган, бинафшаранг рўмоли четидан пешонасига ма-

йин сочлари тушиб турган Зулхумор кулимсираб қараб турарди. Қизнинг очиқ чеҳраси янада кўркам-чиройли кўринди. Зоҳирнинг юраги бир ҳаприқди. Шошиб қизнинг истиқболига ошиқди.

– Эркакларнинг сочини аёллар оқартиради, – Зоҳир қизнинг гапига ҳазиломуз жавоб қилган бўлди. – Дарвоқе, охирги имтиҳонни топширволдингизми?

– Ҳа, топширдим, – деди қиз оғир сўлиш олиб.

– Жуда яхши! – Зоҳир кўлларини бир-бирига ишқалади. – Унда ювиш керак.

– Бунақа одатингиз йўқ эди, шекилли.

– Бугун мен ҳам бир имтиҳондан ўтдим. Иккала воқеани қўшиб ювамиз. Одамларга ўхшаб биз ҳам бир мирикайлик.

– Тушунмадим, қанақа имтиҳон? Нима, каттароқ ишга кўтарилдингизми?

– Йўқ, бу ёғи... аксинча бўлишиям мумкин.

– Қизиқ, – деди қиз ҳайрон бўлиб, – гапларингиз сирли-жумбоқли. Ишқилиб, яна қовун тушириб қўймадингизми?

– Бу энди... қандай тушунишга боғлиқ, – Зоҳир қизга ўйчан тикилиб қолди. – Дунёда ҳеч нима яхши ёки ёмон бўлиши мумкин эмас, ҳаммаси биз бунга қандай қарашимизга боғлиқ. Машойихлар шундай деган.

– Кўп ўқиган, кўп билади. – Қиз йигитга меҳри ийиб қаради. – Сиз кўп ўқигансиз, кўп биласиз. Сизга ҳавасим келади.

– Афсуски, билим ҳамиша саодатга элтавермайди. Ақллилик балоси деган гаплар ҳам бор.

– Бунисини тушунмадим, – деди қиз нозик елкасини қисиб. – Қайтанга ақлли бўлиш яхши эмасми?

– Ақлли, доно одамларга ҳеч қачон осон бўлмаган.

– Сизга ҳам... осон бўлмаса керак.

– Мен ўзимни донолар қаторига қўшмоқчи эмасман. Аммо... – Зоҳир ортиқ бу мавзуда гапиргиси келмади. Ҳозир жиддий гапларнинг мавриди эмас. Энди фалсафа сўқишни бас қилиб, суҳбатни ресторанда давом эттирсак. Кўнглимда ҳали сизга айтадиган, айтиб қўйишим лозим бўлган анча-мунча гаплар бор. Айрим гапларим сизга ёқмаслиги ҳам мумкин.

– Мени чўчитяпсиз. – Қиз йигитга ҳадиксираб қаради.

– Қўрқманг, Зулхумор, мен ҳеч қачон сизни хафа қилмайман, хафа қилдириб ҳам қўймайман! Шоир айтганидек, “Мен сени инжитмайман ва лекин тинчитмайман”.

Зоҳир қизнинг тирсагидан авайлаб ушлади.

Улар серқатнов йўл четига кенг йўлақдан секин юриб кетдилар.

Шаҳар оқшомги ҳаёт оғушига чўка бошлади. Бирин-кетин ёнган сутранг чироқлар шуъласи теварак-атрофни хирагина ёритди. Қувлашмачоқ ўйнаётгандек тўхтовсиз, ғиз-ғиз ўтаётган машиналар қаёққадир шошаётганга ўхшарди.

Зоҳир кейинги чорраҳадан ўнг томонга эллик қадамча юрилгач, ихчам ва файзли ресторан борлигини биларди. Қизни тўғри шу ерга бошлади.

Ресторан эшикоғаси уларга енгил таъзим қилгач, тавозе билан ичкарига ишора қилди. Фойе ёнидаги кийимхонада ечинишгач, катта, асосий залга ўтишди. Қандайдир хорижий мусиқа худди олисдан таралаётгандек енгил акс-садо берарди. Махсус кийимдаги

хизматчилардан бири уларни четроқдаги бўш столга бошлади. Чўғдай қип-қизил гиламдан юриб кетишди.

Чап томондаги узун столда ўн-ўн беш чоғли йигитлар чақчақлашиб, хурсандчилик қилишарди. Чамаси, зиёфат авж нуқтасига кўтарилган, кайфи ошиброқ қолган улфатлар ёнидаги шеригининг елкасига қўл ташлаганча, “Мен сенга айтсам!..” деган ўша кўхна дийдиёни бошлаб юборган эди. Дастурхонда бўшатилган оқ, қизил ичимлик шисалари думалаб ётар, кулдонлар сигарет қолдиқлари билан тўлиб кетган эди.

Зоҳир уларга бирров қараб кўйгач, яна йўлида давом этди. Шу маҳал давранан кимдир маънодор томоқ қирди, сўнг Зулхуморга кўзини лўқ қилиб, гап отди:

– Ҳ-ҳў! Зўр нарса экан-ку! Бизга ҳам бўлармикин?

– Э-э, яхши гап бўлмади-ку! – Зоҳир бошига тепчиб чиққан ғазабини ичига ютиб, дарҳол жавоб қилди. Жавоби етарли эмаслигини англаб, баттар хит бўлди. У бу гапни шунчаки ўзича айтдимидеки ўша шилқим эшитсин дедими – ўзи ҳам билмас, аммо бу гапни овоз чиқариб, дадил айтди. Кейин кўрсатилган столга бориб ўтиришди. Юраги гурсиллаб урар, титроғи босилмаган эди.

– Юзингиз оқариб кетибди, – деди Зулхумор саросималаниб. – Кўйинг, ҳалиги гапга парво қилманг, ўлиб кетсин.

Зоҳир индамади. Алами ичида эди. Шилқимга муносиброқ зарба беролмаганидан афсусланар эди. Яна нимадир қилиши лозимдек туюларди.

Тўғри, улар кўпчилик, бир ўзи бас келиши қийин. Аммо калтак еса ҳам, ўлиб қолса ҳам, ўша шилқимнинг башарасига яхшилаб бир мушт тушириши керак эди. Бунақа нусхалар билан фақат уларнинг тилида гаплашиш керак. Эгри қоziққа эгри тўқмоқ. Афсуски, бизда дуэлга чиқиш мумкин эмас. Қайтанга илгари яхши бўлган экан...

Овқатланишаётганда ҳам Зоҳирдан садо чиқмади. Зулхумор унга ғалати қараб кўйди.

– Илтимос, энди сал қовоғингизни очинг, – деди қиз илтижо билан термулиб. – Бу ерга нега келдик ўзи?

– Нима учун келганимизни... айтаверайми? – Зоҳир кулимсираб гапирди.

– Айтаверинг! – Зулхумор йигитнинг чеҳраси очилганидан дадилланди.

– Бу гапни айтиш учун сал ботирроқ бўлиб олишим керак, – деди Зоҳир ва олдидаги ичимликка қўл узатди. – Рухсат берсангиз.

– Майли, – Зулхумор ноилож рози бўлди. – Фақат, кўп ичворманг. Маст бўлиб қолсангиз сизни кўтариб кетолмайман.

– Бунисидан кўнглингиз тўқ бўлсин.

– Кўп мақтанаверманг.

– Рост, мана кўрасиз. – Зоҳир қадаҳга тўлатиб ароқ кўйди. Қизнинг ичмаслигини билса ҳам бир оғиз манзират қилиб кўйди. – Сизга ҳам озгина...

– Йўқ-йўқ, сиз...бемалол, – қиз шошиб қадаҳнинг устини қўли билан тўсди. – Фақат маст бўлмаслигингизни бугун исботлашга уринманг.

– Хўп, хўп, сизнинг соғлигингиз учун! – Зоҳир қадаҳни бир кўтаришда бўшатди. Овқатдан озгина тотингач, яна ичди. Ичи қизиб, енгил тортди, боягина кўнглини ғаш қилаётган хижиллик ҳам қаёққадир ғойиб бўлди. Ногоҳ Зулхуморга гап отган ўша улфатлар ора-

сидан кимдир унга қаттиқ тикилиб турганини кўриб қолди. Беихтиёр сесканиб, ҳушёр тортди.

– Энди айтмайсизми ўша... гапингизни? – деди қиз эркаланиброқ. Чамаси, у йигитнинг нима дейишини фаҳмларди.

– Сизни қанчалик яхши кўришимни биласиз! – деди йигит эътирозга ўрин қолдирмай. Кўнгли изҳорини шу тарзда, гап орасида бемалол журъат қилиб айтганидан ўзи ҳам ҳайратланди.

– Йўқ, билмайман, айтмагансиз. – Қиз ўзига ярашган карашма билан қошларини чимирди.

– Айтганман, минг марта айтганман.

– Кайфчиликда айтганингиз ҳисоб эмас, – қиз нозланиб гапирди. Ёқимли гапни яна эшитгиси бор эди.

– Мастлик – ростлик. Айтсам яна айтавераман. Аммо бу галгиси аввалгиларга ўхшамайди.

– Майли, айтинг, айтаверинг.

– Гапнинг дангалини айтсам – тўйимизни кузда, пишиқчиликда қиламиз.

– Вой, ўқишим нима бўлади? Яна бир йил борку. – Қиз ўзи кўпдан орзиқиб кутган гапни эшитганидан қувониб кетди, аммо андиша қилиб, гапни чалғитди.

– Ҳечқиси йўқ. Худо хоҳласа, диплом ишингизни уч киши бўлиб ёқлаймиз, – деди Зоҳир қув табассум билан.

– Э боринг-э! – Зулхумор йигитнинг юзига енгилгина шапатилади.

Зоҳир қизнинг нозик бармоқларини кафтига олди, бошини энгаштираётди атрофга бир қур қараб кўйди. Беихтиёр яна ўша улфатларга кўзи тушди. Шунда бояги суқ назарнинг ҳали-ҳамон ўзига жиддий тикилиб турганини кўриб қолди. Шошиб кўлини тортди. Ўнғайсизланди. Жаҳли чиқди.

Ундан нима исташади? Мақсади нима ўзи? Бояги сурбетлик каммиди? Наҳотки жанжал чиқаришмоқчи бўлса? Кўринишдан ҳаммаси туппа-тузук, зиёлисифат одамлар. Ҳарқалай, кеча тухумдан чиққан жангари жўжаўрозларга ўхшамайди, ёши ҳам ўттизининг нари берисида бўлса керак. Ақл ёшда эмас, бошда. Ҳали ақли қуйилмаганга ўхшайди. Ароқнинг кучини кўрсатмаса туролмайдиганлар хилидан шекилли. Важоҳати хунук, жанжалга сабаб кидиряпти. “Яхши гап бўлмади” деган ўша бир оғиз гапини ҳазм қилолмапти. Аслида бундан ҳам нордонроқ гап айтиши, вазият тақозо қилса муштлашиши лозим эди.

Зоҳир худди сеҳрлангандек рақибидан кўз узолмай қолди. Ошга пашша тушди – суҳбат энг ширин жойида узилди.

Зулхумор йигитнинг хаёли бўлиниб, кайфияти бузилганини аллақачон пайқаган эди. Юзага келган нохушликни ўзича юмшатмоқчи бўлди.

– Кўйинг, у ёққа қараманг, – қиз йигитнинг кўзларига мўлтираб тикилди. – Яхшигина гаплашиб ўтирувдик. Суҳбатимизни совутмайлик. Мен гапингизнинг давомини эшитмоқчи эдим.

Зоҳир рақибидан кўзини олиб қочди. Тўй ҳақида гап очганини эслади.

Айтадиган гапи аслида фақат тўй ҳақидамиди? Тўйдан ҳам муҳимроқ бир гапни айтмоқчи эди, шекилли.

– Яна ўйланиб қолдингиз? Нима, менга айтадиган гапингиз тугадими?

– Муҳим бир гапни айтсам ҳафа бўлмайсизми?
– Йўқ, ичингизда қолиб кетгунча айтволганингиз яхши. Биламан, сиз мени ҳафа қиладиган гапни айтмайсиз. Ахир ўзингиз боягина “Мен сени инжитмайман” дедингиз-ку!

– Айтмоқчи бўлган гапим аслида янгилик эмас, – деди Зоҳир қизнинг кўзларига жиддий тикилиб. – Бир-биримизни анчадан буён синаб, билиб юрибмиз. Мен айримларга ўхшаб тўйгача ўзимни фаришта қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Ўжарман, инжиқман, чўрткесарман, хуллас, ҳаётга мослашишни билмайман. Булар камчиликми ёки фазилатми – билмадим. Мен билан яшаш, менга хотин бўлиш осон эмас. Ҳаётимиз ҳамisha фаровон, тўкин-сочин бўлади деёлмайман. Биламан, хотин зотининг бунақа туриш-турмушни ҳазм қилиши осон эмас.

Зоҳир назарида энг қийин туюлган гапни айтиб олганидан энгил тортди. Қизга синчков назар солди. Бошини қуйи солганча сукут сақлаб турган севгилиснинг авзойидан афсусланиш, иккиланиш аломатларини сезмади. Унга меҳри товланди. Уни қучиб, бағрига босгиси келди. Қизга интилди, шу лаҳза ҳалиги улфатлар ўтирган томондан шўх қийқириқ, қувноқ қаҳ-қаҳа эшитилди-ю шашти қайтиб, шошиб уларга қаради. Ажабо, ўша шилқим негадир даврадаги гуруннга эътибор қилмас, дастурхонга ярим ўгирилганча, худди ўчакишгандек ҳамон Зоҳирдан кўз узмай турарди. Орадаги масофа йигирма беш, ўттиз қадамча эди. Сурбетнинг қийиқ кўзлари, қалин қовоқлари, қиров боғлаган сочлари яққол кўриниб турарди. Қиёфаси алланечук жонсарак ва безовта эди. У зўр бериб Зоҳирнинг нигоҳини кўздан қочирмасликка ҳаракат қиларди. Ниҳоят, кўзлари яна тўқнашди.

Нима демоқчи ўзи? Ўша бир оғиз гапини ҳазм қилолмаяптими? Аслида ўзи айбдор-ку. Адолат туйғуси бўлмаган жойда мантиқ ўз аҳамиятини йўқотади. Хўш, нима қилиш керак? Шартта ўрнидан туриб, олдига бориши ва орани очиқ қилиб олиши керак. Бормаса бўлмайди. Кўрқяпти деб ўйлайди. Кўрқоқ деган иснодни кўтаролмайди. Борса калтакланиши мумкин. Улар кўпчилик, бир ўзи бас келолмайди. Айниқса, ичиб, маст бўлган, қутурган тўдага рўбарў бўлиш ҳавфли. Ёлғиз ўзи бўлганда ҳам бошқа гап эди. Оғзинг қон бўлса душманинг олдида тупурма. Қизнинг кўз олдида оёқости бўлиб таҳқирланиш жуда-жуда ёмон. Учинчи йўл – индамай сирғалиб чиқиб қочиб қолиш. Ўлса ҳам бундай қилолмайди. Иккинчи йўлни танлашга тўғри келади. Наҳотки бошқа – мақбулроқ чора топилмаса? Ҳар нима бўлганда ҳам шарманда бўлмаслиги, ориятини сақлаб қолиши керак. Дарвоқе, ишхонадаги мажлисда ориятини ҳимоя қилолди-ку! Ҳамма орият деган нарсани унутганда ёлғиз ўзи, ола қарға бўлиб ажралиб қолди. Демак, истаса, жаҳд қилса, инсонлигини унутмаса, чора топилади. Бугун аслида орият учун имтиҳон топширадиган кун экан. Мана бу имтиҳон қийинроқ кечадиган кўринади. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

Зоҳир ноилож ўрнидан оғир кўзғалди. Ўртадаги ўша даҳанаки сичқон-мушук ўйинини кузатиб ўтирган Зулхумор жон-жаҳди билан йигитнинг қўлларига ёпишди.

– Йўқ-йўқ, бормайсиз, борманг!

– Бормасам бўлмайди. – Зоҳир аста қўлларини бўшатишга уринди. Қиз баттар ёпишиб, тавалло қилди.

– Борманг, кўрқаман.

– Кўрқманг, менга ҳеч нима бўлмайди.

– Мен...мен...– қизнинг кўзлари ёшланди.

Зоҳир бир амаллаб қиздан узоқлашди. Секин юриб бориб, улфатларга яқинлашди. Ўзини хотиржам тутишга уринсада, ички титроғи ҳаяжонини ошқор қилиб қўяётганди. Мана, даврага уч-тўрт қадам қолди. У ерда базми жамшид авжида, фақат ўша қисикқўз шилқимгина ҳамон унга сергак тикилиб турарди. Зоҳир ўзича режа тузди. Мабодо муштлашув қисикқўз билан юзма-юз бўлгандаёқ бошланса, шериклари қараб турмайди, унга ташланишади, ўртага олиб аёвсиз тепкилашади. Шунда у ҳали йиқилиб улгурмай, калтакларга парво қилмай ўша қисикқўзнинг томоғидан омбирдай бўғиб, тинчитади, ҳеч бўлмаса биттасидан ўч олади. Ҳойнаҳой, Зулхуморга гап отган ҳам ўша.

Ниҳоят, рақиб билан юзма-юз бўлди. Бирдан ташланиб қолгудек бўлса, мувозанатини йўқотмаслик учун икки қадам ораликда тўхтади.

– Келинг, ўтиринг, – деди қисикқўз секин ўрнидан туриб, ёнидан жой кўрсатаркан. У мулойим, хижолатомуз оҳангда гапирди. Мутлақо бошқача муомалани кутган Зоҳир ҳайрон бўлди. Ноилож рақибининг ёнига ўтирди.

– Мен сиздан кечирим сўрамоқчийдим, кайфчиликда ўша...ножўя гап бехос оғзимдан чиқиб кетди. Сиз жуда ўринли, бир оғиз танбеҳ билан ҳаммамизга яхши сабоқ бердингиз. Мана бу ўртоқларим ҳам менга яхшигина дакки беришди. Бугун бир дўстимизнинг диссертация ёқлаганини нишонлаётгандик. Хурсандчилик ҳам татимади. Ҳарҳолда, яхши иш бўлмади. Сиздан... узр сўрайман.

Зоҳир тамомила лол қолди. Айни чоғда рўпарасида ўтирган рақибини боягина бўридай ғажишга тайёр тургани эсига тушиб, ҳайрон бўлди. Рақибининг узридан сўнг унга нисбатан кўнглида заррача ғубор қолмаганини, ҳатто унга нисбатан хайрихоҳликка ўхшаш бир туйғу уйғонганини сизди. Меҳр билан қаҳр ораси бунчалар яқинлигидан ҳайратланди.

– Майли, мен...кечирдим, – деди Зоҳир ва ўзи биринчи бўлиб рақибига қўл узатди.

– Раҳмат, энди сал хотиржам бўлдим, – деди рақибини мамнун бўлиб. – Бу биркам дунёда аслида таллашиб-тортишадиган нарсанинг ўзи йўқ! Ҳамма иш-кал – одамларнинг бир-бирини тушунмаслигида деб ўйлайман.

– Тўғри айтасиз, – деди Зоҳир бош ирғаб. Рақибининг мулоҳазаларидаги оддий мантиқ унга маъқул тушди.

– Дарвоқе, танишиб қўяйлик, биз энди...дўстмиз, шундайми?

– Шундай.

– Менинг исми – Боқибилло.

– Меники Зоҳир.

– Жуда яхши, шоир айтганидек, “Ўртада бегона йўқ”. Танишганимиз учун биттадан оламизда энди, Зоҳиржон!

Боқибилло қадаҳларга тўлатиб ароқ қуйди.

– Хўш, бир нима денг ўзингиз. Индамай ичиш алкашларга хос одат дейишади.

Зоҳир қадаҳни қўлига оларкан, Зулхумор ўтирган томонга қараб қўйди. Қизнинг хавотир билан ўзидан кўз узмай турганини кўрди, секин қўлини кўтариб, ҳаммаси жойида дегандек ишора қилди.

– Боя ўзингиз айтган яхши гап – одамларнинг бир-бирларини тўғри тушунишлари учун ичамиз!

Қадаҳларни уриштириб, ичдилар. Боқибилло қазни тўғралган ликопчани Зоҳир томонга суриб, яна ароққа қўл чўзди.

– Менга энди бас, – деди Зоҳир қадаҳнинг устини бакуват қўли билан ёпиб. – Бугунги режани бажариб бўлдим. Кейин, – Зулхумор ўтирган томонга ишора қилиб, қўшимча қилди, – кузатиб қўйишим керак.

– Майли, майли, тушунаман. – Боқибилло қистаб ўтирмади.

– Яхшилиқ билан кўришайлик, – деди Зоҳир қаддини ростлаб.

– Айтганингиз келсин! – Боқибилло ҳам ўрнидан турди.

Улар қўл бериб, самимий хайрлашдилар.

Зоҳир Зулхуморнинг ёнига бориб ўтирди. Қиз уни хавотирланиб, бетоқат кутаётганди.

– Намунча узоқ қолиб кетдингиз? – деб сўради қиз андак ранжиб. – У одам эски танишингизмиди?

– Йўқ, ҳозиргина танишдим.

– Йўғ-э, мени ҳам эсдан чиқарвориб, худди эски танишлардек узоқ қаймоқлашдингиз-ку?

– Шунақа бўлди. Мен бугун... икки марта имтиҳон топширдим.

– Тушунмадим, қанақа имтиҳон? – қизнинг чиройли қошлари чимирилди.

– Кейин, кейинроқ тушунтириб бераман, – деди Зоҳир сирли кулимсираб.

ТАНИШ НОТАНИШ

У машинасини гараждан олиб чиқаётганда моторнинг эски «дарди» қўзиб, ҳадеганда ўт олавермай биров қийнаганини ҳисобга олмаганда, ўша куни анча омади келди. Йўл четида кетма-кет, худди олдиндан келишилгандек қўл кўтариб турган йўловчиларнинг ҳожатини чиқариб, кичкина оиласининг бир кунлик харажатига етадиган пулни ишлаб олди. Навбатдаги йўловчини шохбекатга элтганида кутилмаган воқеа содир бўлди. Важоҳати хунук иккита барзанги машинанинг олдинги эшигини очиб, дағдаға қилишди:

– Бу ер бизга тегишли! Ҳақинг йўқ тумшуғингни суқишга!

Иккинчи шериги машина калитини суғуриб олиб, талаб қилди:

– Жаримасига бугун ишлаган пулингни берасан. Қани, тез бўл!

– Вой, нималар деяпсиз? – аёл кутилмаган таҳдидлардан кўрқиб кетди. Нажот қидириб атрофига аланглади. – Нима, сизлар бу ерни сотиб олганмисизлар?

– Ҳамма жойнинг хўжайини бор. Билмайсанми шуни? Сен осмондан тушганмисан? Билмасанг билиб қўй – бу ер бизга тегишли! Чўталани тўлаб турсанг ишлайверасан. Бўлди, сен билан ади-бади айтишга вақтимиз йўқ. Қани, пулдан чўз!

Барзанги шундай дея аёлнинг ёнида турган сумкачага қўл чўзди.

– Ёрдам беринглар! Ёрдам! – аёл жон-жаҳди билан сумкасига ёпишиб, чинқирди.

Шу маҳал аёлнинг ёнидаги йўловчи шоша-пиша машинадан тушди. Барзангини ёқасидан тортиб, машинадан четлатди-ю башарасига қулочкашлаб мушт туширди. Барзанги ерга қапишиб қолди. Йўловчи ерга тушган калитни олди-ю шошиб аёлнинг ёнига ўтирди:

– Қани, тезда ҳайданг! Тезроқ!

Аёл қалтироқ қўллар билан калитни зўрға жойига суқиб, машинани ўт олди. Орқадан милициянинг узун хуштаги эшитилди. Аёл тезликни оширди. Шохбекатдан анча узоқлашгач, «Хайрият!» дея енгил тортиб, ёнидаги халоскорига қаради. У қотмадан келган, кўринишдан эллик ёшни қоралаган, хушрўйгина эркак эди.

– Раҳмат сизга! – деди аёл ҳамроҳига биринчи марта синчков назар солиб. – Агар... агар сиз бўлмаганингизда билмадим, ҳолим нима кечарди. Айни



вақтида ёрдам қилдингиз. Сизни Худо етказди.

– Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда ҳам шундай қилган бўларди, – деди йўловчи ҳайдовчининг гапларидан сал ўнғайсизланиб. – Умуман олганда, аёл кишига зуғум қилиш номардлик.

– Сиздан бошқа одамлар орага тушмади-ку, томошабин бўлиб тураверишди-ку. Демак, виждони бутун одамлар кўп эмас.

– Бир жойда ўқигандим, «Виждоннинг борлиги муҳим эмас, унинг қийналиши муҳим!»

– Сиз...кўп ўқийсизми? – аёл чорраҳадаги қизил чироқ олдида машинасини тўхтатаркан, ҳамроҳига қизиқсиниб қараб қўйди.

– Агар кўп ўқийман десам нокамтаринликдай туюлиши мумкин. Энди, тўғриси айтидиган бўлсам, ўқимаган кунимни бекор ўтди деб ҳисоблайман. Шунга одатланганман.

– Бахтли одам экансиз. Афсуски, ҳозир одамлар китоб ўқимай қўйишди. Нега шундай – билмайман.

– Қорин орқали фикрлайдиганлар кўпайганда шундай бўлади, – йўловчи истехзо билан кулимсираб қўйди.

– «Қорин орқали фикрлаш» – қизиқ гап экан, – аёл завқланиб жилмайди.

– Чунки бу ҳақиқий фикрлаш эмас. Донолардан бири айтган экан: «Одамлар ўқишдан тўхтаганда фикрлашдан ҳам тўхтайдилар».

– Йўлимда ҳар хил одамларни учратаман, аммо сизга ўхшаган ўқимишли, маданиятлиси кўп учрайвермайди.

– Суҳбатимиз менга ҳам ёқпти, – деди йўловчи хижолатомуз, – аммо сизни...тирикчиликдан қолдиряпман. Шунинг учун мени ўзингизга қулайроқ бирон жойда қолдириб кетаверинг.

– Қаёққа бормоқчисиз ўзи? Тортинмай айтаверинг, обориб қўяман.

– Менга барибир. Кечқурун поездга чиқишим керак, мен бошқа шаҳардан келганман.

– Агар хоҳласангиз, сизга шаҳримизни томоша қилдиришим мумкин, – деди аёл самимий оҳангда. – Озгина мақтаниб қўяй: меъморий ёдгорликларни сизга ҳеч ким менчалик тушунтиролмади. Чунки менинг асл касбим – меъморлик, ўз соҳам бўйича фан номзоди бўлганман.

– О, ундай бўлса роса омадим чопибди-да, – деди йўловчи мамнун бўлиб. – Уйга борганда ўғлимга мақтанаман кўрганларимни айтиб. У қурувчиликка қизиқади.

– Онасига ҳам мақтанасизми? – ҳайдовчи аёлларга хос синчковлик билан сўради.

– Онаси ёшлигида ўлиб кетган, шундан буён сўққабошман. Ҳаётимнинг бор мазмуни, бор умидимилинжим – шу ёлғиз ўғлим!

– Ҳа, биз шунақа халқмиз, ўзимиз учун эмас, фарзандимиз учун яшаймиз, – деди аёл ўйчан хўрсиниб. – Фарзандларимиз ҳам, Худо хоҳласа, худди ўзимизга ўхшаган бўлади. Менинг ҳам бўйи етиб қолган ёлғиз қизим бор, отаси билан ўн йил олдин ажрашганмиз. Қизим институтда шартнома асосида ўқийди. Пулини тўлашга маошим етмайди, шунинг учун мана аёл бошим билан киракашлик қиляпман.

– Тирикчиликнинг айби йўқ, сиз одамларнинг ҳолатини чиқаряпсиз.

– Тўғрику-я, аммо барибир аёл кишига осон тутиб бўлмайди, айниқса, у ёлғиз бўлса...

Йўловчининг назари беихтиёр аёлнинг қўлидаги узукка тушди. Ҳаёлига келган саволдан ўзини тиёлмади:

– Кечирасиз, бу узук...ниманинг аломати?

– Э-ҳа, – деди аёл кулиб, – бу шилқимроқ йўловчиларни чалғитиш учун бир ниқоб.

– Шилқимроқ йўловчилар кўп учрайдими?

– Ҳа, учраб туради. Аёл киши нотаниш эркакка шунақа дейиши мумкинми?

Йўловчи аёлнинг машина ойнасидан жилмайиб турган юзига биринчи бор синчковроқ разм солди. Аёлнинг жонсарак боқувчи чеҳрасида сўз билан ифодалаш қийин бўлган, аллақандай синиқ, изтиробга йўғрилган ғаройиб бир жозоба, назокат бор эди.

Улар машинада шаҳарни обдон айланишди. Аёл шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини эринмай кўрсатди, меъморий обидалар ҳақида завқланиб ҳикоя

қилди. У фақат ўз соҳасини эмас, тарихни ҳам яхши биларди. Йўловчи хаёлан мозийга саёҳат қилгандек бўлди. Тасаввур уфқи ҳам кенгайиб қолгандек туюлди. Беихтиёр ҳамроҳига ихлоси ортди. Унга илиқроқ бир сўз айтгиси келди, аммо ийманди – аёлнинг суйкаляпти деб ўйлашини истамади.

Оқшом чўкиб, шаҳар тунги ҳаёт оғушига чўка бошлаганда шиғалаб ёмғир ёға бошлади. Намчил асфалт йўллар янада қорайиб, сутранг чироқлар шуъласида йилтиллаб қолди.

– Мен ёмғирни яхши кўраман, – деди аёл машина ойнасига урилаётган томчиларга тикилиб, – ёмғирда бутун дард-у армонларинг ариб, кўнгилдаги жамики ғуборлар ювилиб кетаётганга ўхшайди. Агар шоир бўлганимда ёмғир ҳақида зўр бир шеър ёзган бўлардим.

– Шундай шеър ёзилган, истасангиз ўқиб бераман, – деди йўловчи кулимсираб.

– Қани, қани, эшитайлик.

– Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,
Томчилар томчилар сочимга.

Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,

Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.

– Эсладим, бу шеърни раҳматли шоир Рауф Парфи ёзган эди, – деди аёл мамнун бўлиб. – Бу шеърни талабалик йилларимизда маза қилиб ўқирдик. Агар янглишмасам, у биринчи марта устоз адиб Асқад Мухторнинг оқ йўли-тавсияси билан «Шарқ юлдузи» журналинда чоп этилганди.

– Сиз фақат меъморчиликка эмас, адабиётга ҳам жиддий қизиқар экансиз, – деди йўловчи аёлга ҳайрат билан тикилиб.

– Ахир адабиётга қизиқмай бўладими? "Адабиёт яшаса миллат яшайди", – деган эди Чўлпон.

– Ҳа, у-бу гапини ўн етти ёшида айтган. Ҳозирги ўн етти ёшлиларнинг калласида ҳеч вақо йўқ.

– Ҳаммаси енгил ҳаётнинг пайида, ҳамма нарсага осонликча, ортиқча заҳмат чекмай эришсам дейди.

– Бунга аввало ўзимиз айбдоримиз, ўзимиз шунга ўргатиб қўйганмиз.

– Тўғри айтасиз.

Орага сукунат чўқди. Машина ёмғирли кўчалардан секин юриб борарди.

– Дарвоқе, биз қаёққа кетяпмиз ўзи? – ногоҳ сўраб қолди йўловчи.

– Сиз қаёққа десангиз – шу ёққа-да. Машина бугун сизнинг ихтиёрингизда! – деди аёл йўловчига очик чеҳра билан боқиб.

– Машинанинг... эгаси-чи? – йўловчи ҳазиломуз жилмайди.

– Эгаси...халоскорининг хоҳишини баҳоли қудрат инобатга олади, албатта, – аёл куйдирмажон табассум билан жавоб қилди.

– Ундай бўлса сизнинг хайрихоҳлигингизни ортиқча суистеъмол қилсам инсофдан бўлмас, – деди йўловчи аёлга миннатдор назар ташлаб. – Шунча вақтингизни сарфладингиз, сизга катта раҳмат. Бугунги кунни ҳеч қачон унутмайман. Энди мени вокзалга обориб қўйсангиз ҳам бўлади.

– Тўхтанг, тўхтанг, ҳали хайрлашишга эрта-ку, – дея аёл шошиб соатига қаради. – Поездингиз қачон жўнайди?

– Соат ўн бирда.

– Соат эндигина етти бўляпти. Яна тўрт соат вақтингиз бор. Шунча вақт вокзалда нима қиласиз?

– Хўш, унда...

– Унда бизни кига борамиз. Ўз қўлим билан сизга битта ош дамлайман. Кейин чой ичиб, яхши қўшиқлар эшитиб гурунглашамиз. Қизим билан ҳам таништириб қўяман.

– Менга сал...ноқулай-да, ҳарқалай...

– Ҳарқалай, боши очиқ аёлнинг сўққабош эркакни уйига таклиф этиши... менталитетимизга унчалик тўғри келмайди демоқчисиз-да?

– Йўқ-йўқ, мен...

– Ташвишланманг, глобаллашув даврида менталитетлар ҳам ўзгаряпти, таҳрир қилиняпти. Муҳими, кўнгул тўғри бўлса– бўлди.

– Тўғри айтасиз.

– Хўш, унда кетдикми?

– Майли, сиз нима десангиз – шу.

Аёл навбатдаги бурилиш жойида машинани қайириб олгач, уйи томон ҳайдаб кетди. Қоронғилик анча қуюқлашган бўлса-да, кўчаларда қатнов ҳали сийрақлашмаган эди.

– Машинангизни устага яхшилаб бир кўрсатишингиз керак экан, – деди йўловчи мотор овозига диққат билан қулоқ соларкан, – носоз машинада юриш ҳавфли.

– Тўғри, аммо яхши устани топиш осон эмас экан, кўпчилиги қўл учиди иш қилади, ҳаммасининг дарди битта – пул.

– Агар мендан астойдил илтимос қилсангиз, яхши устани ўзим топиб бераман.

– Бунинг учун сизнинг шаҳрингизга боришим керак-да?

– Йўқ, уста... шу ерда.

– Тушунмадим, шу ерда деганингиз... қаерда?

– Уста шу ерда – ёнингизда ўтирибди.

– Йўғ-э, сиз...автослесармисиз?

– Худди шундай, ўттиз йиллик иш стажига эга бўлган автослесарман.

– О-о, бугун роса омадим чопган кун экан-да.

– Худо деган одамсиз-да.

– Э-э, йўқ, машинани бугун барибир тузатолмайсиз.

– Нега энди?

– Биринчидан, улгуролмайсиз – поездингиз бор, иккинчидан, уйга борган меҳмонни дарров ишга сололмайман.

– Агар меҳмон ўз хоҳиш-ихтиёри билан ишлайман деса, бунинг айби йўқ. Қолаверса, бу иш менимча, кўп вақтни олмайди, сиз ошни дамлаб бўлгунингизча мен ҳам машинани тузатиб бўламан.

Гаражга етиб келдилар. Йўловчи шу ернинг ўзидаёқ иш бошламоқчи эди, мезбон кўнмади:

– Олдин уйга чиқиб, ўзбекчасига дуойи фотиҳа қиламиз. Иш бўлса, қочмас.

Беш қаватли уйнинг охириги қаватига чиқдилар. Икки хонали хонадондаги саранжом-саришталик ва озодаликни кўрган йўловчининг ҳаваси келди. Меҳмонхонадаги пар ёстиклар қўйилган юмшоқ диванга ўтириб дуо қилдилар. Йўловчи шундагина уззукун юриб қаттиқ чарчаганини ҳис этди. Бир лаҳза ёнидаги диванга ёнбошлаб мизғиб олгиси келди. Аммо қиладиган иши эсига тушиб, ноилож жойидан кўзгалди.

– Шошманг, мен сизга керакли нарсаларни олиб берай.

Аёл айвонга чиқиб, эскироқ коржом ва асбоб-ускуналар солинган сумкани кўтариб чиқиб, йўловчининг қўлига тутқазди.

– Гаражнинг қаердалигини эслаб қолдингиз-а? Ё бирга чиқайми?

– Йўқ, ташвишланманг, ўзим топаман, – деди йўловчи ташқарига чиқаётиб.

Аёл ёлғиз қолгач, ошхонага чиқиб овқатга уннаб кетди. Қизининг институтдан қайтадиган вақти бўлса ҳам келмаётганидан ғашланиб, девордаги соатга бир қараб қўйди. «Балки йигити билан учрашиб қолгандир» деб ўйлади. Отасиз ўсган ёлғиз қизини ўксимасин дея анча эркалатиб юборгани, энди уни қайириб олиш осон бўлмаслиги хаёлидан ўтди.

Даҳлиздаги телефон жиринглаб қолди. Аёл пиёздан ачишган кўзларини енгига артиб, ўрнидан турди. Гўшақдан эски дугонаси Ферузанинг шаддод овози жараңлади:

– Тезда олдимга етиб кел. Сенга зўр томоша кўрсатаман. Фақат тезроқ бўл.

– Ҳозир боролмайман.

– Нега келолмайсан?

– Уйда меҳмон бор, уни ташлаб кетолмайман.

– Ие, қанақа меҳмон?

– Сен уни танимайсан.

– Меҳмонинг эркакми ёки урғо...

– Эркак киши.

– Ие, бунақа одатинг йўқ эди-ку. Қизиқ, жудаям қизиқ, ўзинг билмаган ҳолда бир-у бир қилибсан-да!

– Тушунмадим – бу нима деганинг?

– Келсанг биласан – қўясан. Дарвоқе, сени худди шунинг учун чақиряпман.

– Иложим йўқ ҳозир, меҳмон отангдан улуғ.

– Майли, аммо кейин пушаймон қиласан. Бу сенинг тақдирингга боғлиқ масала.

– Агар боришим шу қадар шарт бўлса, майли, бир иложини қиларман.

– Тезроқ кела қол, ўша ҳар гал ўзимиз кўришадиган жойда кутаман.

Аёл ош масаллиқларини тўғраб, тайёр қилиб қўйганди. Ошхонада бир зум ўйга толди-ю кийимларини яна алмаштириб, ташқарига чиқди. Гаражга борганда йўловчи ишини битириб, машина капотини энди ёпаётган эди.

– Мана, ишни қабул қилиб олинг, – деди у аёлга юзланиб. – Худо хоҳласа, энди ишкали чиқмайди.

– Сизга катта раҳмат, – деди аёл йўловчига мамнун жилмайиб, – агар айбга буюрмасангиз, мумкин бўлса, яна битта илтимос чиқиб қолди.

– Қандай илтимос экан? Тортинмай айтаверинг.

– Мен ҳозир шошилинч иш билан бир жойга бориб келишим зарур бўлиб қолди, шунга сиз...

– Сиз сира хижолат бўлманг, мен вокзалга бора қоламан, жўнайдиган вақтим ҳам яқинлашиб қолгандир.

– Йўқ, йўқ, сиз мени тушунмадингиз. Аввало, ҳали кетадиган вақтингиз бўлгани йўқ, иккинчидан, сизни паловсиз жўнатмайман. Ошнинг ҳамма масаллиғини тайёрлаб қўйганман, сиз мен келгунча уйга чиқиб, ошни дамлаб туролмайсизми демоқчи эдим. Эркаклар ошга уста бўлади дейишади-ку.

– Э-э, шундай демайсизми. Бир оғиз сўзингиз. Пазандалик менинг «ҳоббим» – иккинчи хунарим. Қолаверса, паловдай жиддий нарсани аёл кишига ишониб топшириб бўлмайди!

– Ундай бўлса жуда соз. – деди аёл хурсанд бўлиб. – Кечирасиз, мен жуда шошиб турибман, мана уйнинг калити, ўзингиз бемалол чиқиб хунарингизни кўрсатаверасиз.

– Сиз ҳали мени... яхши билмайсиз-ку, – деди йўловчи калитга иккиланиброқ қўл чўзаркан. – Мутлақо танимаган-билмаган одамга ишонаясиз...

– Мен ички сезгимга ишонаман, ички сезгим эса шу одамга ишонса бўлади деяпти.

– Ишончингиз учун раҳмат, уни оқлашга ҳаракат қиламан, – деди йўловчи аёлнинг гапларидан алланечук таъсирланиб. Беихтиёр кўзларига ёш қалқиб чиқди. У кўнгилчан одам эди. Кўзларини яширганча аёлга қарамай тез юриб кетди. Боягина бирров кириб чиққан уйнинг эшигини очиб, ичкарига кирди.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, газ плитада ошнинг зирваги мил-мил қайнар, обдон чарчаган йўловчи эса диванда донг қотиб ухлаб қолган эди. Худди шу маҳал аёлнинг қизи йигити билан уйга кириб келишди. Ногоҳ меҳмонхонада ухлаб ётган нотаниш кимсани кўрган қиз кўрққанидан қичқириб юборди.

– Қизиқ, бу ким бўлди экан? – деди қиз йигитнинг пинжигга тикилиб.

– Балки онангнинг биронта танишидир? – тахминлади йигит.

– Онаминг бунақа бегона эркакни уйга бошлаб келадиган одати йўқ. – деди қиз аччиқланиб.

– Ахир бу одам ўз-ўзидан, осмондан тушмагандир.

Гангир-гунгур шовқиндан йўловчи аста уйғониб, кўзини очди. Атрофга аланглаб, йигит билан қизни кўрди-ю саросимага тушиб, хижолатдан боши қотди.

– Сиз кимсиз ўзи? Бу ерга қандай келиб қолдингиз? – деб сўради қиз нотаниш одамга ҳадиксираб, таажуб билан тикиларкан.

– Мен...шу хонадон бекаси билан келувдим. Шохбекатда танишиб қолувдик.

– Танишган бўлсангиз, исми нима экан хонадон бекасининг, – деди йигит иддао билан ва йўловчига синчков тикилди.

– Исмини...сўрамабман, – йўловчи худди айб иш устида қўлга тушган болакайдек қизаринди.

– Ҳўвв, менга қаранг, – деди йигит таҳдид билан йўловчи томон бир қадам ташлаб. – Бунақа чўп-чагингизни пишириб енг, кимни лақиллатмоқчисиз? Сиз бировнинг уйига бостириб кирган ўғри, босқинчисиз. Ҳозироқ мелиса чақираман.

Йигит йўлакка чиқиб, телефон гўшагини кўтарган эди, қиз қўлидан тутиб қолди.

– Балки ҳожати йўқдир. Ортиқча даҳмазанинг нима кераги бор? Яхшилиқча ўзи кетгани маъқул.

Йўловчи ичкарида бу гапларни эшитиб турган эди. Индамай ўрнидан турди-ю даҳлиздаги сумкасини кўтариб, уйдан чиқиб кетди.

– Менимча, барибир яхши иш бўлмади, – деди қиз афсусланиб, – онаминг келишини кутишимиз керак эди.

– Калламга зўр бир фикр келди, – деди йигит қизнинг гапларига эътибор бермай, қўлларини бир-бирига ишқаб, – фурсатдан фойдаланиб қолишимиз керак.

– Нима қилмоқчисиз? – қиз йигитга хавотирланиб қаради.

– Онангнинг пулларини қаерга яширганини биласан-а?

– Биламан, – деди қиз бўшашибгина, – лекин...

– Лекин-пекини йўқ. Онанг машина олишимга қарз бергиси келмай юрувди. Мана энди бемалол ўша пулни олиб, айбни ҳалиги нотаниш одамга тўнкаб қўяверсак бўлади. Зўр ўйлабманми?

– Зўр эмас, гўр ўйлабсиз. Ахир қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам билинади-ку.

– Ўзинг оғзингдан гуллаб қўймасанг бўлди-да. Ким билиб ўтирибди.

– Барибир кўнглим чопмаяпти шу ишга.

– Машинада сени ҳар куни маза қилиб сайр қилдираман. Айтган жойингга олиб бораман. Ҳар куни институтда дарсдан чиқишингни кутиб тураман машинада. Энг муҳими, тўйни ҳам тезлатамиз. Нима, менга...ишонмаяпсанми?

Йигит аврай-аврай қизни қалтис режасига кўндирди. Қиз меҳмонхонадаги жавоннинг пастки тортмасидан оқ хатжилдга солинган уч минг доллар пулни йигитнинг қўлига тутқазди. Онаси бу пулга қизи учун алоҳида уй олиб бермоқчи бўлган, аммо уйларнинг нархи кутилмаганда кўтарилиб кетгани боис режа кейинга қолдирилган эди.

Йигит пулни олгандан кейин уйда кўп ўтиролмади. Автомобил салонидан ишлайдиган дўсти билан маслаҳатлашиши лозимлигини айтиб, тезда жўнаб кетди.

Она бу орада жамики эркак зотидан нафратланган ҳолда, дунё кўзига қоронғи кўриниб уйга қайтаётган эди. Унга уйланаман деб ваъда берган эркакнинг анчадан буён бошқа аёл билан ҳам дон олишиб юрганини Феруза бир неча бор кузатган, бу гал уни «жиноят устида» кўрсатиш учун дугонасини шошилиш чакирган эди. Аёл ўзи ишонган, ўзи ёқтириб юрган одамнинг хиёнатини ўз кўзи билан кўрди, кўзи мошдек очилди. Кўрганлари тушида эмас, ҳушида бўлганига ҳали ҳануз ишонгиси келмас, энди яшашнинг маъноси ҳам, қизиғи ҳам қолмаган эди.

Уйга келиб қизидан эшитгани дард устига чипқон бўлди. Нотаниш йўловчининг пулни ўғирлаб кетганига оппа-осон ишонди. Ахир эркак зотининг ҳаммаси бир гўр эканига ўзи ҳозиргина гувоҳ бўлиб келган эди-да. Яна қандай далил-исбот керак. Фақат энди қандай яшайди? Қалбида одамларга ишонч бўлмаса қандай яшаш мумкин?

Аёл шу кеча мижжа қоқмай чиқди. Тун ярмига борганда иссиғи кўтарилиб, алаҳсирай бошлади. Қиз уйдаги дори-дармонлар кор қилмаслигини сезиб, тез ёрдамга телефон қилди. Врач аёлни касалхонага олиб кетди.

Онасининг ўша куни дугонаси билан учрашганидан, бошидан кечган кўнгилсизликлардан хабарсиз қиз бу кўргуликларга ёлғиз ўзим сабабчидан деб ўйлар, аммо айбини қандай ювишни билмас эди. Мабодо бор гапни айтса, онасининг дарди баттар оғирлашиб қоладигандек туюларди. Айтмаса... айтмай юраверса юрагини мемираётган виждон азобидан кутулолмаслигини англаб етди. Ахир, бир куни пайт топиб онасига ёрилди. Бор гапни айтди. Негадир онаси пул воқеасига ортиқча парво қилмади, у гуноҳсиз йўловчининг беҳурмат қилиниб, уйдан ҳайдаб чиқарилганидан кўпроқ куйинди. Ҳаловати йўқолди, кўнглига ҳеч нарса сиғмай қолди. Нимадир қилиши лозимдек туюлди. Касалхонадан уйига қайтган куни қизига қатъий оҳангда шундай деди:

– Мен барибир у одамни қидириб топишим керак. Унинг олдида гуноҳкормиз. Бориб кечирим сўрайман. У бағри кенг, тушунган одам. Кечирса керак.

– Ахир унинг исмини ҳам билмайсиз-ку. Қандай топасиз уни?

– Яшайдиган шаҳри маълум, касби-корини билламан. Кичкина шаҳарда ҳамманинг иши тушадиган одамни топиш қийин эмас.

Аёл эртаси куниёқ таниш нотаниш йўловчини қидириб жўнаб кетди.

АРОСАТ



Кечки таомдан кейин Маъсума қайнонасининг гапириш учун оғиз жуфтлаганини сезиб, сергакланди. Ўғли Фаррух телевизордан кўз узмас эди.

– Болам, шу данғир-дунғурингни бирпас ўчириб тургин, маслаҳатлашиладиган гап бор, – деди кампир неварасига қараб.

Фаррух истар-истамас туриб телевизорни ўчирди. Сўнг «Нима дейсиз?» дегандек кампирга кўзини лўқ қилди.

– Сен ҳам энди кичкина бола эмассан, Худо хоҳласа ёзга чиқиб ўн тўртга кирасан, – кампир гапни узоқдан бошлади. – Отангнинг уйдан чиқиб кетганига мана олти йил бўляпти. На хат бор, на хабар. Онангнинг гулдай умри ўтиб боряпти. Унинг ҳам яшашдан умиди бор. Сен бола буни тушунишинг керак.

– Хўш, мен нима қилишим керак? Фаррух зарда билан гапирди.

– Онанг билан касалхонада бирга ишлайдиган Фарҳод амакинг онангга уйланиб, сенга оталик қилмоқчи. Шунга сен нима дейсан?

– Менга бошқа ота керак эмас. Менинг ўз отам бор. Фаррух жазавага тушиб бақирди.

– Лекин отанг бизни унутди. Онанг боёқиш кутавериб ранги сомон бўлди. Сабр-тоқатнинг ҳам чеки-чегараси бор, болам. Эскичасига олгандаям, эр хотиндан маълум муддатгача хабар олмай қўйса, никоҳ бекор қилинади.

– Отам бошқа юртга ўйнагани кетгани йўқ, ишлаб пул топиш учун кетган. У барибир қайтиб келади, мен бунга ишонаман. Балки...

– Мен кўзим тириклигида оиламиз тўқис-тугал бўлганини кўрсам, келажакларингдан кўнглим тўқ бўлиб кетсам дейман-да, болам. Кампир ёшли кўзларини

рўмолининг учи билан артди. – Эркак оиланинг устунлиги. Аёлнинг бошида бир паноҳи-суянчиғи бўлиши керак.

– Агар бу ишни менсиз ҳал қилиб қўйган бўлсанглар – ўзинглар биласизлар. Аммо мен рози эмасман! Фаррух зарда билан эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Маъсума қайнонасига хижолатомуз қараб қолди.

– Барибир ҳалиям бола экан-да, кампир афсус билан бош чайқади. – Мен уни эс тортиб қолган бўлса керак, деб ўйловдим.

– Ҳозир у ўтиш даврида, ойи, – Маъсума қайнонасига далда берди. – Бунақа вақтда ҳамма ўсмирлар ўжар, инжиқ бўлиб қолади.

– Илгари йигитлар жуда тез етиларди. Бобур ўн икки ёшида тахтга ўтирган.

– Илгари замон бошқа эди, ҳозир бошқа, ойи.

– Лекин хом сут эмган бандасининг феъл-атвори ҳалиям ўша-ўша, ҳеч нарса ўзгармаган! Майли, энди ортиқча сафсатаининг ҳожати йўқ, бўладиган ишдан гаплашайлик. Нима қилмоқчисан энди? Мен сенга розилик берганман, яна ўзинг биласан.

– Фаррух бунақа қилиқ чиқариб турса, менга ҳеч нарса татимади, ойи.

– Бир кунмас бир кун тушуниб қолар. Яхши гап билан йўлга солиб оласизлар. Барибир кўникади, кўникмай қаерга борарди.

– Билмасам, ойи. Бошим қотиб қолди. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Фарҳод мендан жавоб кутяпти, эртага унга нима дейман? Бошқасига уйланаверинг десам «Менга сиздан бошқаси керак эмас» деяпти.

– Сенга астойдил кўнгил қўйган бўлса, ўзи ишончли, имон-эътиқодли бўлса, бунақа эркакни қўлдан чиқарма, болам.

Маъсума индамай бошини қуйи солди. Қайнонаси ўқимишли, тушунган аёл. Эллик йил муаллимлик қилиб нафақага чиққан. Эрининг умри қисқа экан, омонатини жуда эрта топширган. Келинини ўз фарзандидай яхши кўради, шу боис у билан ҳар қандай мавзуда очиқ-ойдин гаплашади. Ёлғиз ўглининг оиласига бефарқлигидан сиқилиб юради. Бедарак кетганининг олтинчи йилида ўзи келинини муносиброқ жойдан тенги чиқса узатишни кўнглига тугиб қўйди. Ниятини яшириб ҳам ўтирмади. Келини олдинга бу гапга раъй қилмай юрди. Лекин ҳаётнинг ёзилмаган қонуниятлари, йўриқлари бўлар экан. Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмас экан. Ҳаёт давом этар экан.

Фарҳод Маъсума ишлайдиган вилоят шифохонасида кўзга кўринган жарроҳ. Унинг қўли энгиллиги, айрим инсофсиз ҳамкасблари каби таъмагир эмаслиги ҳақидаги гап-сўзлар эл-юртга овоза бўлган. Биркам дунё деганларидек, шундай моҳир дўхтирнинг оилавий ҳаёти кемтик. Хотини икки йил муқаддам жигар хасталигидан вафот этган. Пешонасига зуриёт ҳам битмаган. Фарҳод касалхонада не-не онаси ўпмаган ёш қизлар туриб Маъсумани ёқтириб қолди. Уларнинг касалхонадаги тунги навбатчилиги тасодифми

ёки бошқа сабабданми, кўпинча айна бир вақтга тўғри келиб қоларди. Бу кунни ҳар иккиси орзиқиб кутишарди. Тундаги тонготар суҳбатлар беиз кетмади. Маъсума кун сайин Фарҳодга боғланиб, ахйри унга кўнгил қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Айна чоғда бу муносабатларнинг нима билан тугагани тасаввур қилолмас, кўз олдига бедарак кетган бетайин эри, ўжар ўғли келар эди. Шу боис Фарҳоднинг турмуш қуриш ҳақидаги таклифига дабдурустан қандай жавоб қилишни билмай талмовсираб қолди.

– Агар ўғлингизни ўйлаётган бўлсангиз, буёғидан хотиржам бўлинг, – деганди ўшанда Фарҳод. – Уни ўз ўғлимдек кўраман, биз билан яшайверади.

– Гап фақат... ўғлимда эмас, Маъсума кўнглидаги иштибоҳни айтгиси келмай иккиланди.

– Хўш, гап нимада экан бўлмаса? – Фарҳод Маъсуманинг кафтини бақувват қўлларига олиб, юзига меҳр билан тикилди. – Очирокроқ айтаверинг. Мен... тушунишга ҳаракат қиламан.

– Ҳали у ёқда отаси... – Маъсума «Тирикми-ўликми?» деган гапни айтишга истиҳола қилди.

– Э-ҳа, тушунарли, – Фарҳоднинг қуюқ, туташ қошлари беихтиёр асабий чимирилди. – Яна қанча кутмоқчисиз? Бир умрми? Инсоннинг умри ўлчовлику. Айниқса ёшлик. Агар эрингиздан бирон хат-хабар бўлганда эди, кутишингиздан маъно бўларди. Ахир сизнинг ҳам яшашга, бахтли бўлишга ҳақингиз бор-ку.

– Мен... яна бир ўйлаб кўрай. Бу умр савдоси, шошмайлик.

– Ўйланг, яхшилаб ўйланг. – Фарҳод жаҳл устида андак кесатиброқ гапирди.

– Майли, қайнонам билан маслаҳатлашиб кўраман. Тушунган аёл, бирон йўлини кўрсатар...

Келинининг Фарҳод билан муносабатларидан хабардор бўлган қайнона ўша куни ўзи бу ҳақда гап очиб қолди. Аммо ўғли Фаррухнинг кутилмаганда иддао қилиб, тўнини тескари кийиб олганини кўрган Маъсума иккиланиб қолди. Бир неча кунгача Фарҳодга нима деб жавоб қилишни билмай, ундан ўзини олиб қочиб юрди. Фарҳод эса Маъсуманининг хатти-ҳаракатини тушунолмай хуноб бўларди. Улар ёзги таътилда тўй қилишмоқчи эди.

Бир куни Маъсума ишдан келса, ўғли... отаси билан чақчақлашиб ўтирибди. Маъсуманинг юраги ҳаяжонданми, ҳайратданми, бир ҳаприқиб кетди, ўзини аранг қўлга олиб, секингина, тил учида «Келинг» деди-ю ичкаридаги хонасига кириб кетди. Нима гаплигини кейин қайнонасидан эшитди. Маълум бўлишича, эри туҳмат билан қамалиб қолган эмиш. Хат-пат ёзишнинг иложи бўлмаганмиш. Анча-мунча пул ишлаб келибди. Ўғлининг улғайиб қолганини кўриб суюнибди. Унга машина олиб берармиш. Энди ҳаётини янгидан бошлармиш...

Маъсума ўйланиб қолди. Қизиқ, эри ҳаётини... ким билан бошлар экан? Наҳотки ярашмоқчи бўлса? Дарвоқе, улар уриш-жанжал қилиб, қўйди-чиқди бўлишгани йўқ-ку! Домлани чақириб қайта никоҳ ўқитишса тамом-вассалом, яна ҳеч нима бўлмагандек эру хотин-қўш ҳўкиз бўлиб яшайверишади. Шошма, ўзи шуни хоҳлайдими? Домла қироат билан «Фалончи фалончи қизи, сиз фалончи фалончи ўғлини тан махрамлиққа қабул қиласизми “дея сўроқласа, дадил «Ҳа» дея оладими?»

У бўлиши мумкин бўлган шундай манзарани кўз олдига келтираркан, беихтиёр сесканиб кетди. Кўнглида эрига нисбатан ҳеч қандай яқинлик, илиқлик туймади. «Меҳр кўзда» деганлари шу экан-да» деб ўйлади.

Орадан кунлар ўтди. Мансур ўзини уйда эмин-эркин тутар, ўғли билан тобора апоқ-чапоқ бўлиб, иноқлашиб борарди. Ота-бола гоҳ кинога, гоҳ футболга тушишар, баъзан қаёққадир ғойиб бўлиб қолишар эди. Ота меҳрига ташна бўлиб юрган Фаррух ўқишидан чалғиб, вақтида дарсини қилолмас, баъзан мактабга ҳам бормас эди.

Маъсума ташвишланиб қайнонасига шикоят қилди. У ҳамон эри билан очирокроқ гаплашишдан ўзини олиб қочиб юрарди.

– Энди кўнглингни кенгроқ қилавер, болам, – деди қайнона салмоқ билан. – Ота-бола соғиниб қолишган экан, майли, меҳри қониб, бир-бирига тўйиб олишсин. Нима бўлгандаям ўз отаси. Дарвоқе, эринг ҳам анча ўзгариб, мулла мушукдай мулойим тортиб қолибди. Бурнига сув киргандан кейин ўзгармай қаёққа борарди. Кеча у билан очирокроқ гаплашдим. «Энди мақсадинг нима?» десам, «Агар Маъсума мени кечирса, кечиролса ярашардим. Иссиқ жойимни совутиб нима қиламан?» деяпти. Шунга... сен нима дейсан?

Маъсума фалакнинг гардиши энди бунақасига айланиб кетишини етти ухлаб тушида кўрмаган эди. Ҳаётининг хуш-нохуш кунларида асосий суюнчиғи бўлиб қолган қайнонасидан маслаҳат сўради:

– Ўзингиз... нима дейсиз, ойижон?

– Эҳ, болам-а, мен нима ҳам дердим. Ҳаётда рўшнолик кўришингни, кеч бўлса ҳам, бахтинг очилишини истаيمان-да. Бу ёғини энди ўзинг ҳал қилишинг керак.

Маъсума шу лаҳза ўзини ўзи тушунолмай ҳайрон бўлди. Наҳотки иккиланаётган бўлса? Ахир бундай бўлиши мумкин эмас-ку. Фарҳод билан гапни бир жойга қўйишган-ку. Хўш, унда нега тўйни тезлатгиси келмаяпти? Нега? Ҳа, энди тушунгандек бўлди. У ўғли Фаррухни, унинг келажагини ўйляпти. Илгари, ҳали отаси келмасдан турмушга чиқишига рози бўлмаган бола энди дайди отасини топиб олгандан кейин рози бўлармиди? Асло рози бўлмаса керак. Шундай экан, болани норози қилиб бахтли бўла олармикин? Қолаверса, Фарҳод ҳар қанча ишончли, яхши инсон бўлмасин, бегона болага ўз отасидек оталик қила олармикин? Аммо-лекин ваъдалари катта. Ишонса бўлармикин? Бу биркам дунёда ҳар лаҳза кўриб турибди, муҳими – тўйгача эмас, тўйдан кейингиси муҳим. Кейин нима бўлади, бунисини Худо билади. Умр савдосида таваккалчилик кетмайди. Демак, ҳозирча шошмай тургани, кўнглига қулоқ тутгани маъқул. Балки ростдан ҳам эрини кечириб, ярашиб қўя қолгани дурустмикин? Нима бўлганда ҳам кўз очиб кўргани. Ойиси айтганидек, бурнига сув киргани рост бўлса, балки яхши яшаб кетишар. Эридан кўнгли қолган бўлса нима бўпти, кўнгил нималарни кўмсамайди. Бир шоир айтган экан: «Талпинма кўп, девона кўнгил». Қолаверса, аёл киши кўникувчан бўлади. Бу ёғига энди ўзи учун эмас, ёлғиз боласи учун яшайди. Болага ёмон бўлса ҳам ўз отаси керак.

Навбатчиликда Фарҳод билан бўлган суҳбатдан кўнгли тўлмади. Тўйнинг муддати ҳақида гап очилганда Маъсума «Яна бироз шошмай турайлик» деди-ю

балога қолди. Фарҳод тўлиб-тошиб турган чоғи, бирдан тутақиб кетди:

– Хўш, яна нимани кутамиз? Нимани? Нега кутамиз? Яна қачонгача кутамиз? Мен ҳам одамларга ўхшаб, одамдек яшашни истайман. Аммо сиз нимани истайсиз – тушунмайман. Агар ниятингиз бошқа бўлса, уни айтинг.

– Илтимос, менга бунақа...бақирманг. Ҳали...хотинингиз эмасман!

– Кечирасиз, сал қизишдим. Аммо сиз ҳам мени тушунишингиз керак-да. Умримиз ўтиб боряпти, яшашга улгуриш керак.

– Шошган йигит...хотинга ёлчимамайди. – Маъсума ҳазил билан вазиятни юмшатмоқчи бўлди. Аммо Фарҳоднинг кўнглига шу тобда ҳазил сизмасди.

– Дарвоқе, хўжайинингиз кепти деб эшитдим, табриклайман. Балки... ўзгариш сабаби...

– Биринчидан, киноянгиз ўринсиз, иккинчидан, мен ўзгарганим йўқ, ўзгармайман ҳам.

– Ростданми?

– Мен ёлғон гапиролмайман.

Фарҳод Маъсуманинг елкасидан авайлаб тутиб, оҳиста бағрига босди. Улар шу кўйи анча туриб қолишди...

Эртаси куни оқшом чўкканда Маъсума уйда ўғлининг отаси билан улфатчилик қилиб ўтирганини кўриб, кўрқиб кетди. Биринчи марта эрига бақирди:

– Бу нимаси? Болани ҳам ўзингизга ўхшаган алкаш қилмоқчимисиз?

– Кўп ваҳима қилаверма. Фаррух ...хиққ... ф-фақат п-пиво ичяпти. – Ширакайф Мансурнинг тили зўрға айланарди.

– Барибир эмасми? Тезда йўқотинг бу савилни!

– Б-буни ўғил бола ичади. Сен...ниманиям билардинг?!

Шовқин-суронни эшитган қайнона ичкаридан ҳалослаб чиқиб келди.

– Нима тўполон? Тинчликми ўзи?

– Буни қаранг, ойи! – Маъсума хонтахта тагида қалашиб ётган шишаларга жирканиб қаради. – Куппакундуз куни болани йўлдан уряпти. Нима учун ота-бола тез-тез йўқолиб қолишади десам, гап бу ёқда экан-да...

– Мансур! – кампир ўғлига жаҳл билан хитоб қилди. – Ақлинг жойидами ўзи? Бу нима қилганинг?

– Э-э, сиз унга қ-қулоқ солманг, хотин киши ж-жаврайверади. Ҳаммаси бир гўр, у ёқдагиси ҳам ш-шунақа...озгина ичиб кўйсам, жазавага тушарди, бунисиям...

Бу гапни эшитган Маъсума ялт этиб қайнонасига қаради.

– Гапни эшитдингизми, ойи?! Эшитдингизми деяпман!

– Бу маст одамнинг гапи, болам. Ўзича валдирайверади-да. Сен парво қилма.

– Мастлик – ростлик, ойи. Мана энди ҳамма нарса маълум бўлди...

Тунда Маъсума узоқ вақтгача уйқуси келмай шипга тикилиб ётди. Гарчи эридан кўнгли қолган бўлса-да, унинг бошқа оиласи борлиги тўсатдан ошкор бўлгач, ўзини ҳақоратланган, таҳқирланган каби ҳис этди. Энди Фарҳоднинг таклифини пайсалга солиш ўринсизлигини ўйлади. Бир маҳал, кўзи энди илинай деганда хонанинг эшиги секин ғийқиллаб очилганини пайқади. Ғира-ширада кўз қирини ташлаб, эрининг оёқ учида кириб келаётганини пайқади. Шоша-пиша ўзини ухлаётганга солиб, кўзларини чирт юмиб олди.

Эри каравоти ёнига келиб, туриб қолганини пишиллаб нафас олаётганидан сезиб турарди. «Ажабо, мақсади нима экан? Ёнимга кириб ётмоқчими ёки кундузи қилмиши учун кечирим сўрамоқчими?»

Орадан бир пиёла чой ичгулик фурсат ўтгач, Мансур қандай кириб келган бўлса, яна шундай сўзсиз-сассиз чиқиб кетди.

Маъсума ишхонасида Фарҳод билан жиддийроқ гаплашиб олиш учун қулай фурсат кутиб юрди. Аммо бир неча бор хонасига борганда унинг Маҳфуза исмли гўзал ҳамшира билан хо-холашиб турганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, йигитни биринчи бор рашк қилди, кўнгли ғаш тортди.

Уйда у яна бир кутилмаган, ғаройиб янгиликдан огоҳ бўлди. Эшиқдан кириши ҳамон Фаррух бўйнига осилиб йиғлади:

– Ойижон, мени кечиринг. Мен сизни тушунмай, кўп вақтдан буён хафа қилиб юрдим. Энди ҳаммаси бошқача бўлади. Ҳаётимиз ҳам бошқача бўлади. Биз энди бошқача яшаймиз. Ахир одамлар бир-бирини алдамай, ёлғон гапирмай, тўғри, ҳалол яшаса ҳам бўлади-ку. Тўғримми?

– Ахир нима гап ўзи? Мундоқ тушунтириброк гапирсанг-чи?

– Мана, кўриб қўйинг, отамнинг ростдан ҳам ўша ёқларда бошқа оиласи, бошқа болалари бор экан. – Фаррух столда ётган конвертни очиб кўрсатди. Унда Мансурнинг икки қўлида иккита гўдакни кўтарган ҳолда, сочлари сап-сарик ёш хотин билан тушган сурати бор эди.

Сиринг узил-кесил, ашёвий далиллар билан ошкор бўлгач, Мансур уйда кўп туролмади. Эртасигаёқ жомадонини кўтариб, жўнаб кетди.

Маъсумани ишхонада уйдагидан ҳам кўра кутилмаган, антиқа «хушхабар» кутиб турарди. Қабулхонада ишлайдиган, кўпдан буён Фарҳодни тузоғига илин-тиролмай доғда қолиб юрган Руқия исмли бева аёл йўлакда Маъсумани кўриши ҳамон ёнига имлаб чақириб, қулоғига шивирлади:

– Эшитдингизми? Фарҳод Маҳфузага уйланаркан. Тўй куни ҳам белгиланибди.

Маъсуманинг кўз олди қоронғулашиб кетди, йиқилиб кетмаслик учун беихтиёр деворга суяниб қолди...





Абдул РАҲМОН



Қилиқи ошиқдир анинг бир пари рухсори бор

ОҚИБАТ

Ул ситамкаи жабридин чекдим афгон оқибат,
Ииқидин тонди тамом, қолдим ҳайрон оқибат.

Ол юзин деманг уятдан ул ранг олмиш қонимдан,
Оқди кўзимдан гулоб, бўлди уммон оқибат.

Лаби мисли гунчадур мен учун очилмаган,
Юз тараҳҳум қилдим, аммо, йўқ бир эҳсон оқибат.

Аҳдидан кечди, унутди, илк бўса нашъасин,
Хаста дилга ўт туташди, куйди чандон оқибат.

Қайси ошиқ кўрди ёрдан мен каби жабру жафо,
Мен каби йўқ ишқ элида телба, сарсон оқибат.

БУЛ СИЁҲДОН ЎЗГАЧА

Келди қулбамга қулиб, анбарафшон ўзгача,
Олдим белидин қучиб, қадди ларзон ўзгача.

Зим-зиё эрди уйим, қалб эди парча буюм,
Нур таратди бир уюм, шуълаафшон ўзгача.

Кўз қамашиди шуъласидан, дил ёришиди жилвасидан,
Шул қаро кўз ишвасидан, бўлдим ҳайрон ўзгача.

Мен дедим: “Эй, офатижон, бу ишинг беҳад ёмон!”,
Ул деди: “Сен қилсанг эҳсон, роҳати жон ўзгача”.

Қўлима ушлаб қаламни сурмадонга шайласам,
Ноз қилиб дер ул пари: “Бул сиёҳдон ўзгача”.

Шодланиб марҳаматидан тинмадим то тонггача,
Тонг чоғи кетди ёнимдан қулиб хандон ўзгача.

ЎЛТУРУР

Ҳажрида мени қилиб зор кўзи жайрон ўлтурур,
Бўйнима сочин қилиб дор зулфи маржон ўлтурур.

Кеча-кундуз йўл қарарман, келмагай бир ҳол сўраб,
Кулбасин зулфини бойлаб банди зиндон ўлтурур.

Итига бердим бағирни муддаийни қўйма деб,
Муддаийни чорлаб аҳён, айши пинҳон ўлтурур.

Қон ютиб бордим ёнига ўлтурур зеболаниб,
Мен томон боқмай назар ул паришон ўлтурур.

Мен дедим: “Эй маҳлиқо! Бўлма мунча пуржафо”,
Ул деди: “Кет, бевафо!” сўзи нолон ўлтурур.

Шўр бу қисмат захридан Абдул Раҳмон тоқ ўтар,
Бир уриб пешонасига, қалби вайрон ўлтурур.

БОР

Қимқи ошиқдир анинг бир пари рухсори бор,
Қимқи маъшукдир анинг ишваю озори бор.

Кўрдим Фарҳоду Ширин, Вомиқу Узро қисматин,
Қим алар бўйнида ишқдин марварид зуннори бор.

Богима кирма дея манъ этма, эй богбон,
Сарвдир ул бог аро на бел, на рафтори бор.

Абдул РАҲМОН

(Абдураҳмон Пиримқулов) – 1969 йилда туғилган. Ангрен педагогика институтини тамамлаган. “Моҳият ва маҳорат”, “Изтироб инкишофи”, “Навоийни севган нозанин” сингари китоблар муаллифи. Филология фанлари номзоди.

*Менга хуш ёққай санам гар кетурса турфа гул,
Чунки ёрим узган гулнинг ўзгача ифори бор.*

*Абдул Раҳмон сўз мулкида топди шуҳрат, саодат,
Ким анинг илкида қора қаламдин дастори бор.*

УМИДВОР ЭТДИ МЕНИ

*Бир хабар олмай нигор интизор этди мени,
Учрашиб ағёр билан дилафгор этди мени.*

*Ноумид бўлмай ҳануз кутдим ул ой васлини,
Унутиб ошиқ кўнгилни умидвор этди мени.*

*Жабр этмак чун гўзаллар расмими ишиқ элида,
Кўз ёшим шому саҳар шаиқатор этди мени.*

*Ўтди қирқ йил келмади, соч оқарди, тушиди тиши,
Кетди белдан куч ва қувват, бемадор этди мени.*

*Бир умр боқдим йўлига, уззукун айлаб дуо,
Мен томон боқмай назар шармисор этди мени.*

ҚАНИ

*Кулбам аро ёлғизман ул нигор келса қани,
Мен била бўлса бу кеч, тонггача қолса қани.*

*Қоши, кўзи, юзининг таърифин битиб юракдан,
Оқ варақнинг бетидан шул қалам толса қани.*

*Базмимиз авжга чиқиб бир-бир босиб этса хиром,
Сўнг тиёла зўрига зўр шароб қуйса қани.*

*Ул дилоро ўйидан гар ўзгага ўтса ўйим,
Майли сочим толасини битталаб юлса қани.*

*Истарам бул кеч тамом ўзга бўлса ўзгадин,
Розиман тонг чоғи ёр жонимни олса қани.*

АТРОФИМДА ЧОР ДЕВОР

*Мени телба деган зотнинг ўзи бир гўлмасмикин?!
Ўлдириб номим, шаънимни, ўзи ҳеч ўлмасмикин?!
Ўзини ботир санар қуёнюрардан асраким,
Гўлга сажда қилган эл соврилиб, сўлмасмикин?!
Тоқатим тоқ бўлди барча феъли говлар дастидан,
Барча дўстни айро қилган манфаат, пулмасмикин?!
Атрофимда чор девор, юз ўгирди дўсту ёр,
Ҳолима йиғлар онам, бир куни қулмасмикин?!
Йўрғалайди қаламим, гоҳ тўкилар аламим,
Буни билар дўст-ганим, мунаққид билмасмикин?!
Шеър ёзар булбулу зог, шеър ёзарми ҳеч нўноз?
Бунда бор дарвешу шоҳ, Абилжон қулмасмикин?!
ДЕРЛАР
(Маширабона)
Сени жонон, мени нодон, ишиқда нораво дерлар,
Сени султон, мени гилмон, кўйингда бир гадо дерлар.
Кўзинг нури зиёсидан бу олам эрса чарогон,
Кўзинг юмсанг, кенг бу олам мисли мотамсаро дерлар.
Васлинг истаб кеча-кундуз ишиқ саҳросида кезсам,
Сени ақли расо, мени ажаб, телбанамо дерлар.
Ишиқ шаробин сипқориб бир он ўздин кетар бўлсам,
Ишиқ хайли қулиб хандон: бу шоир бенаво дерлар.
Кўриб ойдаи жамолини танимдин жон равон эрса,
Қиё боқмаски маҳваши, чун гўзаллар бевафо дерлар.*

ДЕРЛАР

(Маширабона)

*Сени жонон, мени нодон, ишиқда нораво дерлар,
Сени султон, мени гилмон, кўйингда бир гадо дерлар.*

*Кўзинг нури зиёсидан бу олам эрса чарогон,
Кўзинг юмсанг, кенг бу олам мисли мотамсаро дерлар.*

*Васлинг истаб кеча-кундуз ишиқ саҳросида кезсам,
Сени ақли расо, мени ажаб, телбанамо дерлар.*

*Ишиқ шаробин сипқориб бир он ўздин кетар бўлсам,
Ишиқ хайли қулиб хандон: бу шоир бенаво дерлар.*

*Кўриб ойдаи жамолини танимдин жон равон эрса,
Қиё боқмаски маҳваши, чун гўзаллар бевафо дерлар.*





МАТБУОТНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

Кейинги пайтларда турли миш-мишлардан “уламасоч” ясаб, қуроқ қилиб, саҳифаларга “тикиб”, сўнгра маҳсулотини киприк қоқмай ўзимники деб олмага тақдим этаётган матбуот нашрларининг сони ортиб бормоқда. Бундай нашрлар умумтаркибда айрича аталади: сариқ матбуот.

Афсуски, матбуот сотиш шохобчаларида уларга растанинг олди бериб қўйилгач, бозори чаққон бу турдаги газеталар тафаккуримизга тобора сингиб боряпти. Гўё матбуот деганда ана шулар тушунилиб қолмоқда. Бир қарашда, бунинг ҳеч бир зиёни йўқдай. Ахир газета ўқиган одам билан ўқимагanning фарқи бор-ку. Қолаверса, газета мутолаа қилиб туриш салоҳиятни ўстиради, дунёқарашни кенгайтиради, фикрни шакллантиради. Шундай эмасми? Демак, газеталарда кўтарилаётган мавзулар ўқувчи онгига жойлашиб, унинг фикр-мулоҳазасига таъсир этади.

Ана шундай харидоргир нашрлардан бирининг рекламаси диққатимни тортди. Газета узоқдан учиб келиб, телеэкран пешонасида бирдан варақлана бошлади. Кадр ортидан “Фалончи хоним учинчи бор турмушга чикди”, “Шопмўйлов ва Таннозхонлар (исмлар ўзгартирилди) нега ажрашишмоқчи?”, “Қиёмат яқинми?”, “Қабрдан қайтган аёл” ва бошқа мақолалар обдон реклама қилинди. Реклама таъсирида ўша газетани сотиб олдим. Унда машҳур аёл хонандаларимиздан бирининг навбатдаги турмуши ва никоҳ кечасида бу сафар қандай либосда чиққани ҳақида “атрофлича” ёзишибди. Келин либосининг фасони, унга қадалган қимматбаҳо тошлар, қомат бўйлаб ёпишиб турган мато ва шунга ўхшаш изоҳлар роса сероб. Журналист томонидан ора-сира “кулади”, “кулиб қўяди”, “ўйланиб” сингари ремар-

калар муштарийни газетанинг кейинги саҳифасини очишга даъват этади.

Навбатдаги саҳифа олдингисидан ўтса-ўтадики, асло кам эмас. Бутун бошли икки саҳифанинг тенг ярми “photoshop” имкониятини намоён этувчи суратлар билан банд. Қолган қисмида эл ардоғидаги таниқли бир оиланинг ҳаёти ёритилган. Сарлавҳадан маълум бўлишича, уларнинг муносабати ажрашишгача етиб келган. Материални қайта-қайта ўқидим. Кимнинг ким билан ажрашмоқчи эканини фаҳмлаёлмай қолганимдан бирор аниқлик топарман, деган ўй билан “журналист” томонидан берилган саволларга синчиклаб разм солдим. Сўхбат орасида “Сиз ҳақингизда турмуш ўртоғи билан ажрашмоқчи деган миш-миш юрибди” қабилда савол қистириб ўтилган. Жавоби ҳам шунга яраша: “Бу миш-миш, холос. Биз бахтли ҳаёт кечирмоқдамиз...”

Мақола муаллифи муштарийларга гўё таскин улашган бўлиб, сўхбатдошига яна юзланади: “Умр йўлдошингиз билан жанжаллашганмисиз?” Саволга бамайлихотир жавоб берилади: “Баъзан тортишиб тураммиз...”

Шубҳалана бошладим: реклама қилинган газета бу эмасди чоғи, бошқа сонини сотиб олдим, шекилли? Газетани ўқиб кўрмаган, бор-йўғи телевизион ташвиқотнинг ўзига таянганлар “...фалон қўшиқчининг оиласи бузилибди” деган тўхтамга келиши ҳеч гап эмас.

Биргина саволдан сарлавҳа ҳосил қилиб, мавзуни бу тахлит овозайи жаҳон қилиш тўғримиқан? Нашрнинг тез фурсатда сотилиши ва бундан кўзланадиган моддий манфаатдорлик ҳисобга олинса, бу эҳтимол, мақсадга мувофиқдир. Аммо сўхбат тамоман бошқа мавзуда экан-ку?!

Мукаррам ОТАМУРОВОДА

1993-йилда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида таваллуд топган. Ҳозирда Бухоро Давлат университети филология факультети талабаси.

Матбуот оламига бозор қонуниятлари суқилиб кираётган бир пайтда ижод ва тижорат беллашуви кескинлашаётганини кўриб-кузатиб турибмиз. Ҳатто “сарик матбуот”ни хуш кўрмайдиган Францияда чоп этилаётган энг нуфузли газета – “Фигаро” рақобатда мағлуб бўлмаслик учун ўзининг асрлар давомида шаклланган қиёфасини ўзгартирди. Мазкур жараён Парижнинг кўҳна газетасини-да ўзгаришга мажбур қилган экан, “туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр” деганларидек, бундоқроқ нашрларнинг аҳволини тасаввур қилаверинг.

Матбуот нашрларининг аксарияти рақобат майдонида ўз ўрнини сақлаб қолиш, муштариолар кўнгилга йўл топиш мақсадида минг бир йўлни ўйлаб топишмоқда. Таъкидлаш лозим, улар ичида “зарқоғозга ўралган” сарлавҳалар ўша газета таҳририятга ижобий натижа бераётгандир. Оддий хабар ёки янгилик ҳам ўқувчи эътиборини тортадиган сарлавҳа остида чоп этилса, унинг қиймати ошади. Лекин бу газетхонни “лақиллатиш”га асос бўлмаслиги керак. Жимжимадор ном остида тутуруқсиз материалларни эълон қилиш ўқувчининг вақтини ўғирлашдан бўлак нарса эмас. Энг ёмони, онгу шуурини ҳам.

Швециянинг жаҳонга машҳур “Метро” газетаси президенти Пелле Томберг ўз компаниясининг стратегиясини “fast-food” ларга ўхшатганида сира адашмаганди. Чунки “сарик матбуот”даги ахборий “fast-food” тиғиз пайтда кўчада истеъмол қилинадиган егуликлардан ҳам тезроқ ёйилади. Демак, одамларга қандайдир маълумотларни етказишда босма нашрларнинг аҳамияти анча юқори. Улар ўқувчиларни аниқ, ишончли ва

тезкор равишда янгиликдан хабардор қилади. Масалага шу жиҳатдан ёндашилса, оммавий ахборот воситаларининг ҳар бир турида, айниқса, матбуот нашрларида материалнинг маълум концепсия устига қурилишини олдиндан чамалаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Сарлавҳа танлаш маҳоратини шакллантириш, уни мавзу доирасидан келиб чиқиб қўллаш, сарлавҳани худди тарвуз танлагандек “чертиб-чертиб” кўришда гап кўп. Аммо юқоридаги сингари ҳолатларга эгизак саналган “қозондаги ошмиди ё мошмиди” қабилидаги сарлавҳалардан бироз истиҳола қилинса, нур устига нур бўларди.

Деярли барчамиз газета ўқиймиз. Айтайлик, юқоридаги тартибда иш кўраётган матбуот нашри 30 минг нусхада чоп этилади. Демак, газета ўрта ҳисобда шунча ўқувчисига эга. Табиийки, ҳар битта газетхон “Фалончи хоним учинчи бор турмушга чикди!”, “Шопмўйлов ва Таннозхонлар нега ажрашишмоқчи?” сингари хабарларга жиллакурса бир марта кўз қирини ташлайди. Уларни тафаккурига сиғдиришга уринади. Бироқ “дўппосланган МИШ”, “ажрашганМИШ”, “кетиб қолганМИШ” формуласидаги материаллар миямизда зиғирча билим ҳосил қилса, қанийди.

Афсуски, мазкур алфозда фаолият юритаётган нашрлар ягона эмас. Улар ўнлаб, юзлаб... Муаммо шундаки, мамлакатимизда


оммавий ахборот воситаларига кенг имкониятлар яратиб берилаётган айна пайтда сарик матбуот нашрлари ҳаётимизда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мазмун касб этувчи газеталардан илгарироқ бориб ўқувчининг онгини тўлдириб қўймоқда. Бу ҳолга эса панжа орасидан қараб бўлмайди.





КИБОР

Қисса



Кўзимизга митти ва хира кўринаётган юлдуз аслида бутун Ер шарини босиб қолиши мумкин.

УЙҒОНИШ

Муқаддима ўрнида

У жуда майда одам эди. “Майда” деган сўзни пасткаш, ялоқи эмас, шунчаки миллионлаб туғилиб-ўлаётганлар қатори номсиз, рутбасиз, қадр-қимматсиз

ва пулсиз одам деб тушунинг. Бахтсиз дейиш ҳам мумкин, аммо бахтни жуда жўн нарса, масалан, бирор инсоннинг унга яхши гапиришини ёки нон дўконидagi тирбандликда ҳаммадан биринчи туриб қолганини ҳам катта илтифот деб қабул қиладиган бечорага нисбатан бу сўзни ишлатиш адолатсизлик бўлади. Ҳатто, ғишт қуйиб йиққан пулига янги, лекин аллақачон урфдан қолган пиджак олганида уни кўчага кийиб чиқишга ҳам тортинарди. Чунки атрофдагилар унинг янги либосига атайин айрича аҳамият бераётгандек, ажабланаётгандек ўнғайсизланарди. Шунақа пайтларда худди бировнинг кийимини кийиб юргандек юзи қизариб, манглайи терлаб кетаверарди, тезроқ уйга қайтгиси, ўзининг одми уйчисини елкага илгиси келарди.

Бир гал муюлишда кимдир тўхтатиб, “Баланд боғ” маҳалласини сўраганида ҳам юзи шунақа қизариб-бўзариб кетганди. Аслида, улар ўша маҳаллага кирадиган кўчанинг нақ бошида туришганди, бармоғи билан шунчаки ишора қилиб бепарвогина кетса ҳам бўларди. Лекин тасодифий йўловчининг уввало одам ўтиб-қайтиб турганда айнан шу боладан йўл сўрагани уни ҳовлиқтирди, тўғрироғи, гангитиб қўйди. Оддийгина йўл сўраш улкан эътибордек туюлди, гўё ҳамма унга тикилиб тургандек юзида, манглайида, елкаларида минглаб нигоҳларни ҳис қилди. Уни одам деб сўрашгани ҳаяжонга солганди.

У табиатан чиройли, бўй-басти, бичими келишган йигит эди. Овози дағал бўлишига қарамай, қандайдир ширин, титроқли эди. Тиниқ чехраси, туб-тубида кучли яшаш иштиёқи яширинган кўзлари, шижоатсиз, аммо аниқ ҳаракатларига разм солган одам уни асли оқсуяқлардан бўлган, тақдир тақозоси билан саройдан қувғин қилинган шахзода деб ўйлаши мумкин эди. Қизиғи, буни ўзи ҳам шундай тасаввур қиларди: гўё Худоданми, бандасиданми бўлиб туғруқхонада чақалоқлар алмашиб қолгану қайсидир манглайи тор оила алал-оқибат унинг ота-онасига айланиб қолган.

У ўн олти ёшгача мана шунақа кайфиятда улғайди. Улғайгани сари имконсизлиги, ожизлиги, ич-ичидаги

тўлғанишлари ҳам катталашиб, оғирлашиб борди. Айниқса, югурик қониди йигитлик белгилари оқа бошлаганидан кейин у ўзини худди дўппи остига беркитилган олтин тухумдек сеза бошлади. Назарида, дунёдаги жамики одамларга бахт улашадиган ўша занғар тухумни ҳамма ахтараяптию, аммо дўппини кўтариб кўриш, борингки, ўша лаънати бош кийимига эътибор бериш ҳеч кимнинг хаёлига келмаётгандек кечалари юраги сиқиларди. Шунақа пайтларда ҳали юлдузлари ўчиб-ўчмаган осмонга қараб паст, қалтироқ овозда шеър ўқирди:

*Гоҳ кезарман кўк юзида, сайр этарман оламни,
Гоҳ энарман ер юзига, сайр этар олам мани.*

Отаси дуо бериб, онаси ғамгин бўлиб уни пойтахтга кузатишларидан бир кун олдин туни билан дадаси иккови суҳбатлашиб чиқишди. Тўғриси, шу кунгача мундай хотиржам ўтириб икковлон тузукроқ гаплашишмаган ҳам экан. Йигит тушундики, дадаси у ўйлагандан кўра анча закий, ҳаётнинг паст-баландини теран шарҳлай оладиган инсон экан. Эртаси куни суви қайнайверганидан ўриндиқларининг таги қизиб, тер ҳиди босиб кетган шалоқ автобусда шаҳарга кетар экан, кечаги суҳбатнинг айрим жойларини қайтадан эслади.

– Ҳаётда қўли узун, диди паст кишилар кўп бўлади, – деди дадаси ўғлининг чайир тортган келбатига ғурур билан қараб. – Одам зоти умри давомида ҳамма нарсага эришиши мумкин. Билимга ҳам, давлатга ҳам, обрў-эътибору мартабала ҳам. Аммо битта нарсани, агар у табиятан зуваласига қўшилмаган бўлса, минг чирансин тополмайди. Буни фаросат дейишади. Кун келиб, бўйнингга бўйинбоғ осарсан, қўлингдан чарм портфел тушмас. Бироқ бу даҳмазалар бефаросатликни яширолмайди.

Умри омадсизликлар ичида ўтган бўлса ҳам, нега одамлар унинг дадасини бу қадар ҳурмат қилишларини йигит эндигина тушунгандай бўлди.

– Яна бир гап, ўғлим. Ҳар қандай катта дарёнинг ҳам қаеридадир кўприк бўлади. Озгина мўлроқ йўл боссанг ҳам, доимо кўприқдан ўтишга ҳаракат қил. Шу ёшга киргунча дарёдан сакраб ўтаман деб чатаноғи йиртилиб кетганларни кўп кўрдим. Қўлингдан келган ишни қил демоқчиман. Ахир сартарош соч-соқол олишни қўйиб жарроҳликни даъво қилса, бошнинг қиймати икки пул бўп қолади.

У дадасининг салмоқ билан, аммо шу билан бирга томоғида аччиқ йиғи аралаш сўзлашига қулоқ солиб, эҳтимол ҳаётида илк бора шу одамнинг ўғли эканидан фахрланди. “Оғир тош ҳадеганда думаламайди, аммо бир кўзғалса ҳаммаёқни титратиб юборади”, деганди бир пайтлар девор-дармиён қўшни турадиган маҳалла оқсоқоли. Бу гапни унинг дадаси ҳақида айтганди ўшанда. Йигит эса оқсоқолнинг бу таърифини энди-энди англади.

– Болам, чўтир юзда хол кўринмайди, – деди дадаси суҳбат якунида, – сен қанчалик чиройли хол бўлсанг ҳам ғадир-будур юзда йўқ бўлиб кетасан. Шундан эҳтиёт бўл. Энди ёт, эрта туришинг керак.

Йигит офтоб тушавериб қизиб-терлагандан сонига ёпишиб қолган шимининг чокидан чимдиб-чимдиб кўтариб, баданига ҳаво киргизаркан, дадаси билан

бўлган бу суҳбат унинг келгуси ҳаёти учун қисқа ва мазмунли дарс вазифасини ўтаганини ҳис этди.

Шундан бери неча бор куртаклар кўз ёриб, неча бор япроқлар сарғайди. Йигитнинг кўнглидаги орзулар ҳам бирда ниш уриб, бирда қовжираб анча йиллар ўтди. У ўз ҳаёти илдизларини матонат билан ерга тобора чуқурроқ ботириб бораркан, вақти келиб на шамол, на хазонрезги, на қор-қиров унга азият етказмаслигига, кундан-кун бақувват тортиб бораётган шохларини биров қайиролмаслигига ишонарди.

Нигоҳида ғалати ёлқин пайдо бўла бошлади. Илгари қорачиқларининг туб-тубида кўринар-кўринмас бўлиб ётган шижоат, журъати энди нақ кўзларининг пардасигача сурилиб келганди. Қарашидаги бу кескинлик аста-аста юзига ёйила бошлади, хокисор чехрасини қатъият ва аниқ ифодалар эгаллади. Агар у биров билан бирон масалада гаплашадиган бўлса, ҳар қандай суҳбатдош ҳеч қанча муддат ўтмай йигитнинг нигоҳига, ғурурига таслим бўларди. Бу ўзига ҳам ёқарди, ахир қиёфасидаги бундай ўзгариш савлатидан от ҳуркадиган унча-мунча одамларни ҳам у билан ҳурмат чегарасида гаплашишга, уни тинглашга, фикрига қўшилишга мажбур қилаётганди. Табиийки, унинг шу кунгача ичида қайнаб ётган туғёнлари атрофидагиларни жодулашга қодир қудратга айланиб ташқарига чиқаётганди.

У ҳеч кимни аямасди. Одамлар қамчи тушавериб итоаткор бўлиб қолган цирк отидек унинг олдида ортиқча ҳаракат, ортиқча гап қилмайдиган бўлишди. Сабаби, у кўлига илинган биринчи баҳона биланоқ уларни шу қадар аёвсиз жазолардики, натижада бир марта кулгига қолган, изза бўлган одам кейинги бор масофа сақлашга тиришарди. Чиндан ҳам тили заҳар билан сўғорилгандек эди.

Бир сафар унга илмий раҳбарликка тайинланган доцентни шундай чақди. Домла мўмайроқ пул ундириш мақсадида, унга сийқаси чиқиб кетган, камида уч-тўрт марта одамлар кўлида айланган бир тадқиқотни тутқазиб, “Мана шуни у ёқ-бу ёғини сал-пал алмашласанг бўлди. Ҳозир бу ҳеч кимнинг эсида йўқ. Шу билан кандидат бўласан-қўясан”, деди.

Йигит ишни шапиллатиб муаллимнинг ёнига ташлади. “Мавзуни ўрганиш ўзимнинг кўлимдан келади, – деди сўнг тап тортмай. Кейин эса заҳар аралаш давом этди:

– Сувни булоқдан ҳам, ариқдан ҳам, қудуқдан ҳам ичиб чанқоқни қондирса бўлади. Аммо булоқдан ичганлар бахтлироқ, чунки унга оёқ ювилмаган, челақ ботирилмаган”.

Ўқитувчи ўшанда шу қадар ғазаб, шу қадар ожизлик билан қарадики, йигит ҳозир ҳам эсласа, “Нима бало, қудуғига биров челақ ботириб қўйган эканми?”, деб қўяди.

Чақин-чақмоқлар орасида ўтган бир неча йилларидан сўнг у ўз мақсадига етди – ҳаёт дарахтининг энг баланд шохига ўрнашиб олиб, энди пастда ғимирлаб юрганларни кузатиш фурсати етганди.

ЙЎЛ

Одамзот ўз ҳаракатларини тийишга, жиловлашга, аниқроғи, ўзини сипо қилиб кўрсатишга урингани сари аслида баттарроқ қуюшқондан чиқиб кета бошлайди. Ахир йўрға от ҳам тўғри йўлда равон, бемалол юради, лекин қачонки баландликка чиқаётиб зўриққандагина

куюшқони сурилиб, ҳамма ёқни булғаб ташлайди. Не-не жамиятлар, не-не зиёли ва зиёли бўлмаган доиралар минг йиллардан бери амал қилиб келаётган, инсонлар кўнглида қандайдир сирли-ваҳимали тушунчалар пайдо қилган, баъзида эса паққос ҳаёт қонунига айланиб кетган қолиплар одамни бузади. Ҳа, ҳа, йўлдан оздиради, издан чиқаради. Аммо агар булар шунчаки ўйлаб топилган ҳар хил шакли, бироқ ҳаммаси ҳам қалбни маҳдудликка олиб борадиган ихоталар эканини айтадиган бўлсанг, кишилар сенга худди шаккокка қарагандек ижирғаниб нигоҳ ташлайдилар. Гўёки сен сопол санамни ерга уриб чилпарчин қилгандек, темир хочни бўйнингдан юлқиб балчиққа отгандек ёки масжид меҳробига кир оёқ билан чиққандек юзинга даҳшатли ва бераҳм кўзларини қадайдилар. Бироқ ўша бургутнинг тумшуғи ёки бўрининг тирноғидек ўткир нигоҳли кимсалар кўнглинда, уларга кўришиб турган яланг ва тўқдор кўксинг ортида қанақа туғёнлар, қанақа оғриқлар, қанақа беаёв санчиқлар борлигини ҳеч қачон илғай олмайдилар. Кўрган-билганлари – сен ўзингдан кетиб қолдинг, ҳаддингдан ошдинг, улар учун турғун ва муқаддас меъёрларни буздинг, “рамка”ларига бўй бермадинг. Улар эса бу беписандлигини, шаддошлигини минбаъд кечирмайдилар. Узундан-узоқ илмий маърузалар қилаётиб ҳам кўзларининг бир учи сенга таъна тоши отиб туради, сафар-саёҳатларида, таътилларида ҳам, жазманлари билан учрашувда ҳам уларнинг хаёлини буткул сен банд этасан, кечалари танасини сўриб ётган гижжалардан эмас, кўпроқ сенинг қилмишингдан тишлари ғижирлаб чиқади. Аммо, таассуфки, улар бу хатти-ҳаракатларинг замирида нима ётгани эмас, бундай қилишга қандай журъат топганинг, топа олганинг ҳақида ўйлашади.

Ёшлигида унинг ҳам онаси ҳамма оналар каби “супургини тик қўйма”, “шомда супурма”, “овқатланаётганда қўлингга таяниб ўтирма”, “тирноғингни тишлама” деганга ўхшаш танбеҳ-тақиқларни кўп такрорларди. Унинг болалик шуурига, тўғрироғи, унга кичкиналигида совға қилинган бошида танга ташлайдиган тешикчаси бор гипс мушукчанинг қорнидек ҳали бўм-бўш юрагига бу эслатмалар худди бузиб бўлмас қонундек, амал қилмаса уни гуноҳкорга айлантирадиган фарздек қўйилиб-қотиб қолганди. Ақли тўлишгач тушундики, бу тахлит чек-чеклар болани маъсум қолипда, эҳтимол катталар назаридаги одоб доирасида улғайтириш учунгина ишлатиладиган воситалар экан. Мантиқан ўйлаб кўрилганда, супургини деворга тираб қўйса нима бўлади, палакат босадими? Йўқ, бор-йўғи матоҳнинг тезроқ бели синиб ишдан чиқади, холос. Ёки тирноқни тишлаш ҳам гуноҳ эмас, фақат ҳамма микроб деган бало ўшанда бўлади, касалнинг уясига дучор бўласан-қўясан. Ҳадеб таяниб ўтираверсанг, умуртқанг қийшайиб қолади. Шу холос. Фақат бечора оналар агар шу гапларни шундайлигича тўппа-тўғри айтишса, болаларининг икки қулоғидан елвизак бўлиб чиқиб кетишини ўйлаган бўлсалар керак. Аммо бир тоифа оналар борки, бундай антиқа тўқималар тагидаги оддий ва майда ҳақиқатларни туш ҳам кўришмайди. Амал қилишади, вассалом. Бўйсунмаганлар эса гуноҳкор.

...У кириб келган хона ҳаддан ортиқ дабдабаларга тўлиб-тошган эди. Бу ердаги нарсалар шу қадар расамади билан жойлаштирилгандики, бирор буюмининг ўрнини алмаштириб бўлмайди, масалан, йиғма дарпарданинг шокилалари ипини тортсанг, бутун хона

бирваракай йиқилиб тушадигандек туюлади. Ҳатто жавондаги китоблар ҳам одам кўли билан терилмаган, балки гўё деворга жавон-павони билан ўхшатиб чизилган расмдек кўринарди. “Одамзот ўзини қанчалик яхши кўради-я, – дея ўйлади у оёғи тагидаги гиламга туфлиси ботиб кетаётганини сезиб, – бир кунда бу хонада икки соат бўладими-йўқми, шунга шунча даҳмаза. Балки одамлар ўзининг қанчалик майдалигини, ожизлигини, урвоқлигини яшириш учун бунақа улуғворликка маҳкам тирмашиб олишар. Ёки юмуш билан ҳузурига кирган одамларнинг ҳали бир сўз демаёқ оғзини ёпишга, тиззасини қалтиратиб, гапини йўқотиб қўйишига мўлжаллангандир бу салобат”.

– Манави атиргул шу гулдоннинг ўзидан ўсиб чиққанми... – деди у ростмана заҳарлик билан орқасида ғалати қийшайиб турган котиба аталмишга.

Кўққис берилган саволдан худди тиргак чўпи синиб кетган қари шафтоли дарахтидек мункиб кетди котиба. Кейин лаб-даханини учбурчак-тўртбурчак қилиб очиб, саннашга тутинди:

– Биласизми, хурматли...

У шартта ортагга ўгирилиб, котибага қатъият билан боқди, гап таққа тўхтади. Тушундики, ҳозир қўйиб берса шу биргина гулдастани аллақайси машҳур гулчининг қалин сувқоғоз билан ёпилган иссиқхонасидаги гулзордан узилиб то хонага келгунча бўлган эзма тарихини айтиб бермоқчи, эҳтимол мавзуну яна ҳам узоқроқдан бошлар, гулнинг уруғиданми ё қимматфуруш гулчининг туғилишиданми... Бу “тарихий ҳикоя” ичида албатта анча-мунча қўшимча қаҳрамонлари ҳам бўлади. Дейлик, уни ким дасталади, ким келтирди, ким ҳафсала билан гулдонга жойлади, ким сув қўйиб турибди. Энг урғу бериладигани – гул совға қилиш кимнинг ташаббуси. Вақтида тўхтатмаганда, мана шуларнинг барчасини эшитиши керак эди, устига-устак ора-сирада маданиятли одамлар сингари гоҳ зўраки жилмайиб қўйиши, аҳён-аҳён эса “раҳмат” деб туриши лозим эди.

– Эрингиз яхши одамми?

Ҳали бақрайганича қолган котиба бу саволни чинакамига тушунмади.

– Нима дедингиз? Узр, эшитолмай қолдим.

– Эшитдингиз, фақат тушунмадингиз. Эрингиз яхши одамми, деяпман.

Котиба бу сафар шубҳаланиб қаради. Афтидан у кўзлари билан янги бошлиғини сантиметрлаб ўлчаб чиқишга аҳд қилгандек эди.

– Нолимайман, эр деса дегудек... – деди негадир ҳорғин ва беҳафсала овоз билан. Кейин эса “Тинчликми? Келасолиб мени тергов қилаяптими?” деган хавотирда тағин иштибоҳга берилди.

– Мен аёл кишининг юзига бир қарашдаёқ унинг оилавий аҳволига ташхис қўя олардим. Ахир айтишадик, хотиннинг юзи – эрнинг феъли, деб. Сиз аёллар истайсизми-йўқми, эрингизнинг ҳар бир ширин гапи ёки калтаги, меҳри ёки бефарқлиги, муҳаббати ёки хиёнати юзингизга муҳрланиб қолади. Бироқ кўпчилик буни яширишга уринади. Аммо қизиқки, бугун сизнинг туришингизга қараб на у ёқлик, на бу ёқлик фикрга келолдим.

У “қиёфангиз жуда чучмал экан”, дейишдан ўзини тийди. Котиба қаршисидаги одам унинг фаросатини синаятганини энди сал-пал тушунди.

– Очиғи, икки марта турмуш кўрганман, бироқ ёлчимадим.

– Демак, менинг ташхис қўйишга қийналганим бежиз эмас экан, иккита эрдан қолган турмуш лавҳалари

юзингизда қоришиб кетибди, – деди у аёлнинг устидан ростмана кулиб. Кейин эса жиддий тус олди:

– Бораверинг, зарур бўлсангиз чақираман.

Котиба чиқиб кетаркан, бу янги ва тамоман нота-ниш, ёш ва такаббур, аччиқтил ва беписанд раҳбар иш-хонани ағдар-тўнтар қилишига, отам замонидан бери офтобда товланавериб, семириб-ялтиллаб кетган ар-занда мушукларини “пишт” дейишига ақли етди.

У ҳозир икки, балки кўпроқдир, йўл бошида эди. Бири – уни бу курсига михлаган, ҳа, худди де-вор ёки эшик орқасига тақвим қадагандек михлаган юқоридагиларга бир оғиз хабар бериб, кетиш-қўйиш. Бу анча осонроқ. Ҳарқалай, сиртмоқ бўйнига бир мар-та келади, ҳар куни минг марта арқонга бош тикиб, ке-йин эса “Сизга раҳм-шафқат қилинди, сиз эртага осил-ладиган бўлдингиз”, деган совуқ истехзони эшитгач, шалпайиб йиқилмайди. Энг ёмони, кунда-куноша бир-биридан кулгили, тийиқсиз ҳукмларни ва бир-биридан риёкор, таҳқирли шафқат сўзларини тинглашга мажбур бўлмайди.

Иккинчиси... мана шу биринчи дордан кейинги ҳаммаси “иккинчиси”га киради. Бошқа турли йўллари ҳам кўп. Аммо у бу йўллардан ор қилади. Чунки унда анави гулдонга ўхшаб қолади. Қўйнига нима солиш-са, шуни кўрсатиб тураверади. Ҳозирча бу бежирим ялтироқ идиш каттакон раҳбарнинг хонасида, унга ҳар куни анвойи, қимматбаҳо гуллар солиб турилади, чанг-чунги, доғ-поғи тоза дока билан артиб қўйилади, суви-ку ҳеч қачон сарғайиб ҳам, ҳидланиб ҳам кетмай-ди. Аммо дейлик, ўртачароқ ходимнинг хонасига ўтиб қолса, қай аҳволга тушади? Ходимнинг хуши келса гул солар, бўлмаса оддий буюмдек дераза раҳидами, жа-вон ичидами тураверади-да. Ё уйига қўлтиқлармикан? Энди тасаввур қилинг, мана шу биллур матоҳ биронта уста, масалан, машина тузатадиган устанинг қўлига ту-шиб қолди. У икки дунёда гул ҳам солмайди, чангини артиб асраб-авайламайди ҳам. Қайтанга, болт-гайкага ўхшаган майда-чуйдаларини сақлашга ишлатади, аҳён-аҳёнда мойга беланган қўлларини ботириб туради. Дарвоқе, унга эҳтимол мой қўйиб қўяр. Ҳар не бўлганда ҳам, у бу ишларни мутлақо табиий равишда қилади, идиш шишаданми, биллурданми, тунукаданми, бунинг умуман қизиғи йўқ устага.

У шулар ҳақда ўйлаб, худди жанггоҳнинг ўртасида ўқи тугаб қолган аскардек ҳис қилди ўзини. Ҳа, энди ростдан ҳам қийин бўладиганга ўхшайди. Бир томони қайноқ ва шафқатсиз ҳаёт, бир тарафи эса осмондек му-саффо ва кенг, сон-саноксиз кабутарлар ўйнаб учаётган кўнгил. Кўнгилнинг бир четида эса, ғала-ғовур бозорда дадасини йўқотиб қўйиб, иззиллаб йиғлаб ўтирган бо-ладек нотавон муҳаббат.

У энли, тўқ жигаранг, ҳар битта оёғи ўймакорлик санъати намунасидек нақшланган бежирим иш столи-га ўтаркан, қачондир журналда ўқиган ва хотирасида қолган сатрларни пичирлади: “Ахир кун ўтказиш дарди-дан бошқа, бор-ку мардларча яшамоқ деган тушунча!”*

* * *

Шом аралаш уйига келиб, қўл учида овқат тайёр-лай бошлади. Ошхонада куймаланиш асносида у хо-надан бу хонага пайдар-пай ўтаркан, беихтиёр бояги ҳашаматли кабинети билан уйини таққослаб қолди. Хаёлига келган фикридан мийиғида кулиб қўйди. Ўша котибаси бир келиб яшашини кўрсамми, кўзларига ишон-

май ёнбошини чимчилаб қўйган бўларди. Ахир унинг хаёлида раҳбари ҳиндча кинолардаги сарой-уйларга тақлидан қурилган кошонада яшайди, ҳеч бўлмаганда ошпаз ва боғбонга ўхшаган хизматкорлари ҳам бўлса керак деб ўйлар эҳтимол. Балки биронта дугонасигами, қўшнисигами “Итбоқари ҳам бор!”, деб ошириб-тоши-риб юборар.

Овқатини наридан-бери еди-да, тақсимчани суриб қўйди. “Уй анча совуқ, айнимаса керак”, деган хаёлда таом устига сочиқни омонат ташлади. Китоблари айқаш уйқаш бўлиб ётган хонасига ўтаркан, полдаги манзара худди дунёнинг табиий харитасидек бўлиб кўринди.

“Харита”ни оз-моз йиғиштирган бўлди. Кеча тунда ерга узала тушиб, Ремаркни ўқиганди. Стол лампаси ҳам шундоқ полда ёқиқ ҳолича қолиб кетибди, устига-устак ағанаб тушган. Лампанинг чўчка думидек эшилиб кетган симини бураб-тўғрилаб столга оларкан, бундан уч-тўрт йил аввалги кулгили суҳбатни эслади. Ўшанда “тарғибот гуруҳи” дея аталувчи каттагина жамоа билан қайси бир меҳмонхонага қўнишган эди. Ҳамма, табиий-ки, ўзига ёқадиган хоналарни олишни истарди, айниқса, бир-икки олифталар “Алоҳида номер берасан”, деб мезбонларни анча сарсон қилиб, энсасини қотирганди. У оломон лаш-лушини судраб-тортқилаб хона-хонасига кириб кетишини кутиб турди, кейин меҳмонларнинг қош-қовоғига қарашга мажбур қилинган мутасаддининг ёни-га бориб, биринчи узатилган калитни олди. Хона икки кишилик эди. У эслаган воқеа эса эртасига кечқурун, ёнига машхури замон бир шоир жойлашганида бўлди. Шоир ҳам аввалига хонасида шерик кўриб, айниқса, унинг она сути оғзидан кетмаган бола деб фаҳмлаб, жо-мадонини диван четида омонат қўйдию мутасаддининг олдига бир-икки бор чиқиб келди. Афтидан, бошқа хона “ташқиллаштириб” берилмади шекилли, ноилож қайтиб кирди.

– Қўрғур, кийим илгичлари кам, бунинг устига ним-жон экан-да, – деди норозилигини шеригига билдириш учун.

У миқ этмади.

– Мен ҳам кеча сизлар билан келишим керак эди, рўйхатда фамилиямга кўзингиз тушгандир... – гапи-да давом этди шоир уни кўриб жойидан қимирлаб ҳам қўймаган йигитга ғашлик билан. – Биласиз-ку шоирчи-лик, бир нозин шоига учрашувга қақширганди. Йўқ десам ҳам қўярда-қўймай олиб кетишди. Ўзиям гулда-сталарга кўмишди. Учрашувдан кейинги зиёфатнинг куюқлигини айтмайсизми.

Янги ҳамхона гап шу ерга етганда тўхтаб, орти-га ўгирилди. Боядан бери шимни илгичга илолмай шундоғам хуноб бўлиб турганди, у ўгирилганда илгич орасига зўрға ўтказилган шим шиғиллаб чиқиб кетди. Шоирнинг ортга ўгирилгани – у ҳадеб гапираяптию ше-ригидан садо чиқмаяпти, шунга эди.

– Бугунги тадбирлар яхши ўтдимми? – у энди тўппа-тўғри йигитга савол ташлади.

– ...

– Совға-повғалар ҳам бўлгандир?..

Йигит яна индамади. Аммо шартта ўрнидан турди-да, телевизор устидаги тугмачали дастакни олди. Дуч келган каналнинг овозини баландлатиб кўра бошлади.

Ҳамхона гапиришдан тўхтадию, бироқ ивир-сиб юришни бас қилмади. Дам дераза ёнига боради, дам ювиниш хонасини кўздан кечиради, дам девор-ни чертиб кўради. Хуллас, тинчимади. Ҳатто деворга

маҳкамланган телефон гўшагини ҳам қулоғига тутиб кўрди. Йигит бу ҳовлиқманинг хатти-ҳаракатларини кўз қирида кузатиб ётар экан, “Шоирликни гулдур-гулдур учрашувлару гулдасталардан иборат деб билади бу одам”, дея ҳаёл қилди.

Бир маҳал ювиниш хонасидан супрадек лунгига ўраниб чиққан янги шерик гиламни шилта қилиб ўрнига ўтди-да, япалоқ бурнига кўзойнак кўндириб қоғозларини титкилай бошлади. “Ишқилиб, шеър ўқийман деб қолмасин-да”, дея юрагини ҳовучлади йигит, башарти шундай деган тақдирда телевизор овозини яна ҳам кўтариш учун шайланиб.

Аммо улгурмади.

– “Тунги ҳамроҳ”. Бу стол лампаси ҳақида, – эълон қилди шоир. Кейин ижозат кутмаёқ ўзича қироат билан ўқий бошлади. Йигит, ҳартугул, Лоркани, Пушкинни, Блокни, Ориповни ўқиган. Шеърнинг маза-матрасига тушунади. Унча-мунча ёд олганлари бор. Аммо бу бақироқ тизмалар қанақа шеър, идроки етмади. Саккизми-ўнми сатрдан иборат бу айтимда, ўлсин агар, ҳеч вақони илғаммади. Таассуфки, “шеър” тугагач, муаллиф бояги саккизми-ўнми қаторни бошқатдан изоҳлай бошлади. Эмишки, бу сатрида бундай демоқчи бўлганмиш, у жумласида ундай демоқчи бўлганмиш. Туф-е, ўша изоҳпизоҳинга. Агар ҳамма шеър шунақа изоҳталаб бўлса, бечора Навоий олти юз йилдан бери ўлолмади юриб, ҳозиргача йўлда учраган занжию ҳиндга, турку арабга ғазалларини шарҳлаб бериши керакмиди?

Бироқ бу гапларини айтса, шоир жўшиб кетиб, алёрларининг кетини кетига улаб юборишидан ҳадиксираб индамай қўя қолди. Аммо нимадир ҳам дейиши керак эди.

– Бир файласуф айтиб кетган экан, – ниҳоят жодуланган шахзодадек ўтирган йигит тилга кирди. Ҳамхонаси эса ёш йигитдаги бу қадар қатъиятли овозни кўриб, пича ҳайрон қараб қолди. – Бировларнинг ҳаётида стол лампаси эмас, қуёш бўл. Чунки лампани заруратга қараб ёқиб-ўчирадилар. Қуёш эса ҳаммани ўз измига юргизади – унга қараб кундузу тунни, ёзу қишни белгилайдилар.

– Офарин! Тасанно! Бай-бай, маънони қаранг. Менимча, юнонлардан бири айтган-а? – деди шоир ҳайратига донолигини қўшиб кўрсатиб.

– Аниқ эсимда йўғ-у, лекин эрадан олдинги хитойлардан эди, шекилли, – деди йигит масхараомуз кулиб.

– Нима дейсиз, шу ҳикматни бояги шеъримга эпиграф қилиб олсаммикин?

– Ўзи ўн қатор нарсага яна ўн қатор гапни эпиграф қилмоқчимисиз. Ҳеч бўлмаганда стол лампасига бағишланган роман-поман бўлгандаям бошқа гап эди.

Йигит шеригини ростакамига калака қилаётганди. Шоирнинг лаққа тушиб, ҳануз ҳаяжонланиб ётишини кўриб, овоз чиқариб кулиб юбормаслик учун оғзига кўрпани тортди. Аслида эса, бу “ҳикмат” ёнидаги полвоноғизни тийиб қўйиш учун ҳозирнинг ўзида ўйлаб чиқарилган тасодиф тўқима эди. “Думбул экан-да, – деб ҳаёл қилди у шипга қараб пичирлаб ётган шоирга разм солиб, – бўлмаса сен айтган файласуфларинг замонида стол лампаси тушиб қоптими, ҳеч қурса шам-пам дегин, дея маломат қилган бўларди”.

У ҳозир лампага термилиб, майин табассум билан ўша шўхлигини эсларкан, чироқ қалпоғини худди укасининг бошидек шапатилаб қўйди:

– Эҳтимол, сен ҳақингда роман-поман ёзилаётгандир, а?

* * *

Лавозимга ўтганининг эртасимиди, индинимиди, қабулига биринчи муовини кириб келди. Найнов ва ориқлигидан юрганда гоҳ боши, гоҳ бели, гоҳида эса чилчўп оёқлари олдинга илгарилаб кетарди. Айниқса, қўллари ажойиб экан, билаги узун, аммо кафти жуда калта, бармоқлари рамақижон. Эшиқдан то раҳбари олдиғача бўлган етти-саккиз қадамдаёқ ва, айниқса, қўшқафтлаб сўрашаётгандаёқ ўзининг қандай одам эканини аён қилди. Аммо йигит хулоса ясашга ошиқмади – эҳтимол у ўйлаганчалик айёр, туллак эмасдир. Болта ўз дастасини ўзи кесмайди, деган учирма бор экан қайсидир халқ мақолида. У ҳам шошмасин-чи...

Одатий салом-алигу ҳол-аҳвол сўралгач, муовин ўзгариш бўлган куни сафарда эканини, бугун тонги рейс билан қайтганини, уйига ҳам бирров бориб кийим алмаштирганию янги бошлигини қўтлай деб идорага югурганини жуда усталик билан қистириб ўтди. Аммо гапни мутлақо кутилмаган мавзу билан якунлади. Ҳатто шу пайтгача хотиржам ўтирган раҳбар ҳам бироз тийрак тортди.

– Шу дейман, кўнглингизга олмасангиз, бир таклифим бор эди-да, – деди ўринбосар сўзларини тупуги билан чайнаб чиқариб, – собиқ раҳбарга ҳам айтувдим, бугун-эрта деб пайсалга солиб юраверди, мана энди ўзининг “бугун-эрта”си чиқиб қолди. Шу десангиз, телефонда сиз ҳақингизда сўраганимда “бўйи баланд” дейишди. Бир қувондим, бир қувондим. Ниҳоят, таклифимни қўллаб-қувватлайдиган, тушунадиган одамга ёлчидим, деб хурсанд бўлдим...

У муовинининг мижғовлигига ортиқ чидолмади.

– Тезроқ ҳасратингизни тугатинг, ҳозир сизни йиғилишга юбораман, – деди шу сўзларига қолган ҳамма муносабатини ҳам қўшиб.

– Да, да, конечно, мана ҳозир... – муовин негадир ортига ўгирилиб, эшикка қараб қўйди. – Мана шу эшикка андак эътирозим бор-да, – деди хатти-ҳаракатига изоҳ бериб, – ўша пайтда усталарнинг айби билан пастроқ эшик ўрнатилган экан. Ишонмасангиз, ўзингиз бир кўрнинг, сал бўйи тикроқ одамни эгиб қўяди...

– Найнов одамни деяверинг, – деди йигит очикча мазах билан.

Муовин гапни ўзига теккизмай, бепарво давом этди:

– Ана, бошқа ҳамма хонанинг эшиги бип-биноий. Негадир шуниси... шуни, ижозат берсангиз, алмаштира-сакми?

Йигит бу таклиф ҳақиқий ҳийла эканини дарҳол фаҳмлади. Ва шуни ҳам англадики, бу “таклиф” ўздан олдин келган кўпгина раҳбарларга ҳам худди шу тарзда айтилган. Улар, ким билсин, нимкосани англаганими ё шунчаки беҳафсала қараганими, нима бўлганда ҳам муовиннинг “таклиф”и инобатга қараганми ва ҳали-ҳануз давом этайти. Бундай қараганда, унинг фикрини қувватласанг нима бўлади, эшик соз, бўйинг ғоз бўладими? Йўқ, бари бало ўшанда бошланади. Атрофда “Янги шефимиз кела солиб ҳамма ёқнинг ағдар-тўнтарини чиқарди. Бир чиройли турган эшикда нима айб, шунча йилдан бери турувди-да... Энди пастлик қилиб қоптими? Бу билан пақаналарни ёмон кўраман демоқчими ёки ўзининг калондимоғлигини кўрсатяптими? Ўзгариш қилмоқчи бўлсанг, ана, иш де-

гани оқсаб-чўлоқланиб ётибди, ўшани ўзгартир. Манти кўрмаган гадоё қосқонга мук тушди, дегандек тагинга чўчка терили ўриндиқ тегиб унча-мунча нарса ёқмай қолдими? деганга ўхшаш шивир-шивир, баъзан эса ошкора писандалар урчиди. Жаноб муовиннинг мақсади ҳам шу.

У салмоқ билан креслодан кўзғалди, столини айланиб ўтаркан, “Гапингизда анча жон бор, кечадан бери менга шу хонада нимадир етмаётгандек, нимадир камдек туюлаётганди. Дилим хуфтон эди. Мана, сабабини сиз айтдингиз”, деди таклиф эгасининг ёш боладек қилиқларини назардан қочирмай. Бу пайтда ўринбосар чиндан ҳам талтайиб кетганди, гапини маъқуллаган раҳбарига ишшайиб, “да, да” дейишдан нарига ўтолмасди.

Улар эшик ёнигача етаклашиб боришди. Муовин тутқични шахд билан тортиб ташқарига чиқди, кейин яна ичкарига суқилди. Қизиқ, ростдан ҳам у эшикдан кираётганда худди сув тор қувурдан қийналиб оқиб ўтаётганга ўхшаб тасаввур қолдираркан. Шу пайти таллалиқдаги бир дўстини эслади, у ҳам шунақа худоберганлардан эди, ҳамма “полтора” деб чақирарди.

– Мана, кўрдингизми, – деди иккинчи бор ўтиб қайтаркан муовин кўзларини пирпиратиб.

– Ҳа, ҳа, масала жиддий, анча жиддий, – киноясини яширмади раҳбар.

Аммо бу кесатиқларнинг таъмини муовин сезмаётган эди. Йигит масалага шу жойда, ҳозирнинг ўзидаёқ нуқта қўймаса, уни ҳам пайсалга солишда айблаши мумкин бу дароз. У эшик учун куюниб турган манави одамга аввалига “Қадимий мадрасаю обидаларга, бирон пири комилнинг хоки туроби қўйилган мақбарага борганмисиз. Ўшанақа жойларнинг эшиклари атайлаб ҳам жуда пастак ишланган. Пулдорми, зодагонми, ким бўлса ҳам ёғ босган гарданини озгина эгиб кирсин, деган маънода шундай қилинган”, демоқчи бўлдию, аммо сўзининг охириги қисмини айтиб қўя қолди:

– Бўйчан бўлган яхши, – гап бошлади ҳукмини кутаётган ходимига. “Мен ҳам шуни айтаман-да” дея луқма ташлади муовин ҳам гал олиб. Бироқ раҳбар айтган гапининг давоми ўта қатъий янгради.

– Бўйчан бўлган яхши, албатта! Лекин пастак эшиклар бундан азият чекмаслиги керак ...

Муовин ростдан ҳам гап мағзини тушундими, ё бошлигининг авзойи жиддийлашганигами, ҳар нечук, “ҳақ айтасиз, ҳақ айтасиз” дея такрорлаб, узр сўраб чиқди-қочди.

У креслога қайта чўқаркан, стол ёнидаги тугмани босди.

“Лаббай!”

Эшикдан котибанинг боши кўринди.

– Муовинимга айтинг, мажлисга ўзим бораман...

“Хўп” деган сўздан сўнг эшик ёпиларкан, “У ерда ҳам эшикларни қаричлаб юрмасин, ҳарқалай йиғин эшиклар ҳақида эмас”, дея хаёл қилди ва юзига табасум югурди.

Оқшомда ҳорғин қиёфада хизмат машинасига ўтираркан, куни билан уни обдон ҳолдан тойдирган кўнғироқлари йиғилишларни, кирди-чиқди хатлару аризаларни эмас, айнан битта қабулни яна бир бор ёдига олди.

Ўта хокисорлик ва ийманиш билан қаршисига келиб ўтирган онахон аввалига сир босиб, пича каловланиб турди. Аммо дардининг зўри билан тилга кир-

ди. Ва кейинчалик, масала жиддийлашгани сари шунақа ўқтам қиёфа касб этдики, йигит беихтиёр ўткир нигоҳини ундан олиб қочди. Онанинг арзи бир қарашда содда эди – ногирон қизи бор, ўқишга қийналяпти экан. Жисмоний жиҳатдан эмас, она агар шундай бўлганда ёрдам сўрамаган бўлардим деди, моддий танглик жонидан ўтиб кетибди. Тўғри, бир оғиз жумла билан айтилган ҳозирги ҳолатни онахон ярим соатча гапирди. Очиғи, раҳбар унинг кўпроқ сўзлашига атайин йўл қўйиб берди. Чунки бу муштипар аёл киргандаёқ, бир-икки жумла гапиргандаёқ у сеҳрланиб қолганди. Хаёлида ўзининг онаси қачонлардир кимларнингдир ҳузурига шу аҳволда кирганини, шунақа қимтини ўтирганини эслади. Аллақайси корчалонларнинг ишга келишини кутиб, уларнинг эшигига кўз тикиб шом қорайтирган онахонни кўргандек бўлди.

У ҳам кимнингдир битта имзосигами, бир луқма гапигами интизор бўлиб онаси ёнида ўтираркан, нари ёққа-бери ёққа чиқиб кетаверарди, сабр қаёқда дейсиз ўспиринда. Бироқ онаси на ул-бул еб олгани, на оёғининг увишиғини ёзгани чиқарди. Худди сап чалғиса, ўша анқонинг уруғидек одам келадию кетиб қоладигандек хавотирланарди. У ташқарини айланиб келса кўрардики, волидаси бир нуқтага тикилганча ҳамон ёғоч курсига қапишиб ўтирибди. Ичлари ачишиб кетарди, аммо билардики кутишдан ўзга чоралари йўқ. Энди-энди ўйласа, онаси жуда мардона аёл экан. Лекин шўрва-қатиқ ҳаётнинг излари тўқис ҳаётниқидан кўра чуқурроқ ботар экан одам кўксига. Мана, онаси олтмишга етиб-етмай “қон босими” бўлди-қолди.

У қабулида ўтирган онанинг юзларига қараб ўша йилларини эсларкан, тўсатдан бу ҳашаматли, аммо совуқ тусли хонасига нима етишмаётганини тушуниб қолди. Файз! У мана шу сўз калласига келганидан бениҳоя хурсанд бўлиб кетди.

Аслини олганда, бу идора моддий ишлар билан шуғулланмасди. Йўриғи бошқача. Лекин ҳозир бу гапни айтадиган бўлса, аёл бир вақтлар худди онаси аллақандай тирранча қизнинг “Фалончи акам бугун келмас эканлар. Эртага келарсизлар...” деган таънасини эшитганда қандай мунғайиб қолган бўлса, шу аҳволга тушади. Бу манзарани қайта кўришга эса йигитнинг юраги дош бермайди.

– Эртага шу вақтда келоласизми? – деди у онахонга майинлик билан.

– Майли, болам, майли... Бирор иш чиқса бўлди.

– Чиқади, хавотир олманг. Эртага келинг деганининг сабаби, бир-иккита ҳужжатни тайёрлаб қўйишади. Тушунасиз, пул бор жойда қоғоз-поғоз тўлдирмаса бўлмайди.

Аёлнинг хотиржам тортган чеҳрасига, кўз ёш милтиллаб турган мижжасига боқаркан, ҳозир бориб бу хушxabарни эшик тиқ этса қулоқ солиб ўтирган ногирон қизига қандай етказишини, муҳими, бу кеча она-бола қанчалик тинч ухлашларини тасаввур қилиб, завқланди. Аслида, йигитнинг режаси бошқача эди. Ростдан ҳам, бу ер ижтимоий ёрдам бера оладиган жой эмас. Лекин у бугун уйга бориб, конвертга унча-мунча пул солиб, компьютерида икки нусхада ҳисоб-китоб дейдими, олдимбердим дейдими, шунга ўхшаш варақа тайёрлайди. Ва шу иши билан эртага яна бир бор муштипар онанинг хурсанд кўзларини, дуога очилган қўлларини кўради.

Ҳайдовчи узун, маҳобатли машинани марказий йўлдан олиб ўтаркан, йигит “Баъзан бир тегирмон

сув бир томчи кўзёшнинг ишини қилолмайди”, деб кўнглидан ўтказди ва қишлоққа – ота-онасига телефон қилди.

* * *

Уй ютаман дейди. Йигит дарвозахона ва айвон чироқларини бирин-кетин ёқиб, даҳлизга кирди. Ҳовли шинам, уй озода, ҳамма нарса ботартиб. Бироқ якка-ёлғизлик буларнинг барини рангсиз суратга, овозсиз филмга ўхшатиб қўйганди. У ота-онасига неча бор ялинди, шаҳарга келинлар, сизлар у ёқда, мен бу ёқда қийналиб юрмайлик, деб. Лекин ҳар сафар онаси бир оғиз қатъиятли жавоби билан суҳбатни якунлайди.

– Ҳафта ўтиб келадиган сингилларинг етимчага ўхшаб қолади. Биз кетиб қолсак, ҳувиллаган уйга келармиди улар. Сенинг йўригинг бошқа. Ҳар куни одамларнинг ичидасан.

Онаси ҳақ. Қайсидир йили қутилмаганда бир иш билан қишлоққа келиб қолди. Ўша куни нариги маҳаллада тўйми-маъраками экан. Ота-онаси ўша ёқда, дарвоза ҳалқасига чилвир боғланган. Шу қадар юраги сиқилиб кетгандики, то онаси эшикдан кўрингунча дунё кўзига қоронғи туюлганди.

Тўғри, у ҳар куни одамлар ичида, шовқин-суронли, ур-йиқитли ҳаёт оқимида. Шаҳарда қишлоқдагидек бир маромда, сокин оқувчи куннинг ўзи бўлмайди. Ҳатто қош қорайгунча кишининг силласи қуриб кетади ҳам. Лекин оқшомда ҳамма ўзининг кўрғонига ўрмалайди. Уй-жой, бола-чақа, оддий турмуш тарзи. Йигит эса...

Иш бўлмасига ўтиб, кофесини дераза раҳига қўйди. Ҳали дарвоза қутисидан олиб кирган газета-журналларни, хат-патларни титкилай бошлади. У хат ёзиш-хат олишни аввалдан яхши кўрарди. Ҳозир ҳам агар бирикки ой биров хат ёзмай қўйса, ўзи бирор баҳона топиб мактуб ёзади-да, кейин жавоб кутиб ўтиради.

“Темир хат”ларнинг ўрни бошқа. У интернетдаги, қўл телефонлардаги хабарларни шунақа атайди. Бунақа ёзишмаларда на кўнгли ҳарорати, на самимият, на нома битаётган қўлнинг титроғи бўлади, деб ўйларди. Икки энлик хатни юз ўйлаб, ўчириб-чизиб, қайта кўчириб ёзишнинг, айниқса, уни конвертга жойлаб жўнатишнинг ғалати ёқимли гашти бор. Бундан ҳам кизиғи, кечки пайт ишдан қайтсанг, шундоқ бўсағада ёки почта қутисига конверт турган бўлса, уни то очиб ўқиғунча бўлган ҳаяжон ҳам тамоман бўлакча. Майлида, жўнгина хабар, икки оғиз ҳол-аҳвол сўраш бўлсин, ўшанинг ҳам завқи бўлади.

У конверт елимини эҳтиёткорлик билан кўчиради, у қизнинг икки йиллардан бери хат ёзмай кетганини эслади. Аввал тинимсиз ёзарди, ҳафта сайин мактуб алмашишарди. Нима ҳақда бўлса ҳам, ўтган-кетган гапларми, баҳор келганими, қор ёққаними, ёзаверишарди. Улар бир-бирларининг хатини ўқишга бора-бора шунчалик ўрганиб қолишдики, агар икковидан бири сал кеч қолса, наригиси аразлай бошларди. Аслида, иккиси ҳам нотаниш эди. Йигит талабалик йилларида нимадир сабаб билан телевизорга чиққан эди. Қиз эса, унинг исми-шарифини, қаерда ўқишини эслаб қолган ва таваккал мактуб ёзган. Шу холос. Шундан бери қадрдонлашиб кетишганди.

Лекин нимадир бўлдию, қизнинг хати узилиб қолди.

“Мен сизнинг олдингизда узрлиман. Ҳа, чин дилдан кечирим сўрайман, – деб бошланганди нома, – ўша менинг сўнги хатим етиб борган пайтларда билинг-

ки, турмушга чиққан эдим. Аввалига буни тақдирнинг буйруғи, ҳаётнинг қонуни деб ўйладим. Бироқ ушбу гаплар одамни шунчаки овутиш учун ўйлаб топилган иборалар экан. На тақдир буйруғи, на ҳаёт қонуни кўнглини тўлдирмас қийин экан. Ўйламанг, турмушга чиққунча бошқани севган экан-да, деб. Йўқ. Ҳеч кимни севмаганман. Мен шунчаки қисмат не деса шунга кўниқмоқчийдим, умр йўлдошимнинг ким бўлишидан қатъи назар раъйига юрмоқчийдим. Бироқ ҳаёт деганлари ҳатто шу ожизлигинда ҳам ўз ҳолингга қўймас экан.

Турмушимиз совуқ бошланди. Нима десам экан, биз икки хил дунёдан эканмиз. Агар тушунарлироқ айтадиган бўлсам, мен ҳинд киносига ишқибоз бўлсам, у ҳали ҳам мултфилмларни томоша қиларкан. Энди англадингизми, ёши ўттизга қараб кетаётган бўлса ҳам, ҳаётни ўн ёшли болачалик ҳам идрок қилолмайдиган нотавон экан.

Бунисига чидаса бўлар эҳтимол. Лекин шу ҳолига кўча исига ўрганди. Кимгадир илакишди, алал-оқибат эса, бошимга бир шаллақининг жанжалию бир ҳароми гўдақнинг чинқириғини олиб келди.

Нима деб ўйлайсиз? Кетиб қолдимми? Асло, кетганим йўқ, қайтанга ўша норасидани ўзимнинг боламга қўшиб боқаяпман. Бу дадамнинг амри бўлди.

Мана шунақа гаплар...”

Қиз хатнинг қолган қисмида йигитдан ҳол-аҳвол сўраган, яна нимадир гаплар. У эса ҳозир ўқиган фожиаси таъсиридан чиқиб кетолмай қолди. Икки йилда шунча машааша, шунча ғавғо. Қанақа гўзал орзулари бор эди унинг. Ана, китоб жавонининг бир бўлмаси мана шу қизнинг мактублари билан тўлиб-тошган. Қандай нафис ўйларди ҳаёт ҳақида, қанчалик романтик эди. У ўқиган китоблар, у жўнатган шеърий парчалар нақадар яшаш иштиёқи билан суғорилганди. Йигит ҳар гал қиз жўнатган хатжилдни очаркан, “Мактубларидан ҳам атиргул ҳиди келади”, деб ўйларди ва хат эгасини қизил, сариқ, оқ атиргуллар орасида юрган боғбон қиз тимсолида тасаввур қиларди. Мана энди гулзор ҳам, муаттар ҳидлар ҳам барҳам топиш арафасида.

Кофесини пешма-пеш ҳўплаб, хатни керакли бўлмага жойлади. Кейин ўзи ҳам қоғоз-қаламини олди.

“Тақдир билан олишув – сув юзасига имзо чеккандек гап. Одамзот эса, бу уринишлари бесамар кетаётганини пайқашни қийин. Мен сизга ҳар не дейишга ожизман. Чунки бугун сизнинг ярим варақ мактубингизни ўқиб, танг қолдим. Сиз эса икки йилдан бери ярим варақдагидан минг марта кўпроқ бўлган дарду ҳасрат ичида яшабсиз.

Сизнинг икки йиллик оғриқларингиз ва сабр-тоқатингиз акс этган мактубингизни ўқиб нимани тасаввур қилганимни айтмайми – худди кетмоннинг сопига зарҳал ҳарфлар билан “гўзаллик” деб ёзиб қўйилган номутаносиб манзарани. Агар шу ҳолни ҳатто жинни кўрса ҳам, энасини қотириб, лабини буриши аниқ. Аммо инсон матонати ҳар недан устун келади. Сизнинг шу қадар босиқлик билан яшаётганингиз мени лол қолдирди.

Сизга ёрдами тегар деган умидда, қачонлардир ҳаётим учун шиор қилиб олган бир гапни айтмоқчиман. Ахир одам умр деб аталмиш йўлнинг ўнқир-чўнқирларида йўқ бўлиб кетмаслиги учун ҳам ўзини ишонтирган қандайдир тамойилларга суяниши керак-ку! “Ҳаётда шохмот донаси бўлишдан эмас, ўйин тахта-сида “пиёда” бўлиб ўйнашдан кўпроқ чўчийман”. Мана

шу бир чизик гап хаёт уммонига ғарқ бўлиб кетаётган на қайиғи, на эшкаги бор омадсизни кема дарғасига, оёқлар остида топталиб кетиши мумкин бўлган ниҳолни забардаст дарахтга, дуч келган йиртқич ютиб юбориши ҳеч гап бўлмаган полапонни куч-қудратли бургутга айлантирди. Биласизми, агар мен хаётим давомида кимдандир қарздор бўлсам, мана шу сўзлар олдида бурчлиман.

“Номуносиб эрни хотиннинг фазилатлари ҳам асраб қололмайди” деган нақл бор. Яна бир гап: ахлоқсиз эркак қарғага ўхшайди, дуч келган жойга ёнғоқ кўмадида, унутади. Бундайларга жазо муқаррар. Аммо бир осий банда гуноҳи учун дорга осилаётганда уни томоша қилиб турганларнинг умри узайиб қолмайди-ку. Демокчиманки, эрингиз тавбасига таянган ҳолда ҳам сизнинг чашмадек тиниқ орзуларингиз ва кимнингдир шодлиги учун шартта кесилган атиргулдек ёшлигингизни ким қайтариб бера олади.

Бу гапларни ёзишдан бошқа қўлимдан ҳеч бир иш келмайди. Бироқ яхши гапдан яхши хотира қолади, деганларидек кўнглингизга бироз таскин бермоқчиман ва эҳтимол сиз соғинган суҳбатга муносиб жавоб беришга урингандирман...”

У хат шу ерга келганида ортиқ ёзолмаслигини билди ва мактубни қайта ўқиб кўриш ҳам кўнглига оғирлик қилиб конвертга жойлади.

Кечаси уйқусини туш босди. Ишхонага онаси келган эмиш, қўлида бежирим, чарм ғилофга солинган кўзойнак. “Болам, ҳали кўзинг ўткир, лекин олиб қўй, кун келиб керак бўлиб қолади”, деди. У ҳайрон ҳолида матоҳни аввалига обдон қўлида айлантириб кўрди, гардиши кумушранг, ойналари ихчам-ихчам, гард кўнмаган, чизилмаган. Кейин авайлаб қаншарига олиб борди. “Қалай, ярашдимми?” дея онасига юзланди. Во ажабки, онаси ғойиб бўлганди. Ҳайратланиб аланглади, олдинига паст овозда, сўнг эса баланд, ҳадикли товуш билан чақирди. Шунда мўъжиза юз бера бошлади. Хона бирдан кенгайиб, шиплари кўз илғамас юқорилаб кетди. Энди у кабинетда эмас, ўхшатиб декорация ишланган маҳобатли театр саҳнасида тургандек ҳис қилди ўзини. Лекин ҳаммаси ҳали олдинда экан... Не кўз билан кўрсинки, иш столи нақ ўйдек катталашиб кетган, устидаги қалам-ручкалар деворга тираб қўйилган белкуракдек тиккайиб турибди. Ё қудратингдан!!!

Шу пайти эсига бир қитмирлик келиб, нигоҳини китоб жавонига бурди. Китоблар сандиқдек-сандиқдек, айниқса “Хамса” худди кўрпадек энига ҳам, бўйига ҳам чўзилиб кетган. Шу тариқа ҳамма нарсани катталаштириб идрок қила бошлади – гулдон тузлама тайёрлайдиган бочкадек, гуллар жўхориюядек, қоғозлар супрадек, телефон аппаратлари музлаткичдек семириб-шишиб кетган.

У бирор нарсага урилиб кетишдан кўрқиб ўзи ўрганган хонада эҳтиёткорона қадам босганча дераза ёнига борди. Ана мўъжиза! Қуёш улканлашганидан шу қадар яқин келиб қолгандики, гўё Ер шарининг юзаси қуёшга тегиб айланаётгандек туюларди. “Юлдузлар ҳам ҳеч бўлмаса патирдек-патирдек кўринар экан-да” хаёл қилди у. Онасининг антиқа совғасидан жуда хурсанд бўлиб кетди. Қандай яхши! Энди ҳамма нарсани — кулгуни, қувончини, ҳатто яхшилиқни ҳам катталаштирса бўлади. Қойил!

Аммо шу пайт нақ қаршисида уни мўлжаллаб учиб келаётган қора махлуққа кўзи тушиб, шошиб орқага ти-

сарилди. Махлуқ эса худди ҳайбатли кема айсбергга урилгандек қарсиллаб ўн қулочли дераза ойнасига урилди. Яхшилаб разм солса, оддий пашша. “Лаънати, юрагимни чиқариб юбординг, – деди у кўзойнаги ҳали бурнининг устида турганини эслаб. – Илонваччалар аждаҳога айланар экан-да энди. Ҳа, шуниси чакки экан. Бир ёқда товусдек келадиган чиройли капалакнинг рақсини завқ билан кузатиб турсанг, бу ёқда динозаврдек катталашиб кетган қурбақа бир ҳамла билан уни ямлаб турса”.

У энди бу янглиқдан ортиқ қувонмай қўйди. Гарчи эзулик, одамийлик, ҳавас, муҳаббат, меҳр, дўстлик, ҳақиқат қанчалик йириклашган тақдирда ёвузлик, фитнес, ҳасад, нафрат, қаҳр, ғанимлик ва ноҳақлик ҳам шунча семирар экан, бундай гигантликнинг нима кераги бор? Худди бир дўнглиқда бўлаётган жанг бутун дунёга қирғинбарот бўлиб ёйилгандек гапда бу. Ахир сичқон филга айланса, буғдой донининг қопдек катталашганидан нима наф?

Шуларни хаёлдан ўткази туриб кечаги эшик воқеаси эсига тушиб қолди. “Мана, сизга оппа-осон ечим, жаноб муовин, – деди гўё ёнида ростдан ҳам ўринбосари тургандек, – мана сизга автобусдек келадиган эшик. Аммо, кўрқаманки, сиз бунга ҳам сиғмайсиз. Чунки, бўйингизга қаранг, худди қари эмандек чўзилиб кетибсиз”.

У муовини билан хаёлан суҳбатлашар экан, туйқус бир ҳақиқатнинг тагига етди. Ахир бу кўзойнак онаси берган оддий сабоқ-ку. Ахир халқда ҳам “Кўзингни каттароқ оч”, деган ибора бор. Мана, сизга катта очилган кўз...

Кўзойнагини оҳиста ечаркан, боя юк машинасидек тарвақайлаб кетган, энди яна бир бурчакка қисилиб олган сейфига калит солди. Худо кўрсатмасин, биронтасининг қўлига тушиб қолса, ким билади, пашшадан фил ясаши мумкин.

Тонгда уйғонаркан, туши хайрли эканига имони комил эди. Қайфияти чоғ бўлиб, машинаси сигнални кутиб ўтириб нонушта қилди.

Идора эшигидан кираётиб котибасига дуч келди, аёл ҳам бошлиғини холи учратганидан фойдаланиб, бир ходим устидан арз қила кетди. Олдинма-кетин лифтга чиқишаркан, раҳбар сўради:

– Яхши ухлаб турдингизми?

“Мен боғдан келсам, бу тоғдан келади-я”, дея ичидан норозиланди гапи эътиборсиз қолаётган котиба. Аммо жавоб бермаса ҳам бўлмасди.

– Раҳмат, яхши.

– Менга бирор нима демоқчи бўлсангиз, аввал пухта ўйлаб олинг. Жудаям нуқта-вергулсиз гапирар экансиз. Мана, ўн минутдан бери нималардир деяпсизу, сизни тузукроқ тушунолмадим.

Йигит шундай дедию хонаси томон йўналди. Эшик ёнига етганда ортига бурилиб, “Дарвоқе, тун узун бўлса туш кўпаяр, деган мақолни эшитганмисиз?” дея сўради котибасидан тушини яна бир бор завқланиб эслаб. Кейин эса, жавоб ҳам кутмай, “Кундалигингизга ёзиб қўйинг”, деганича ичкарига кириб кетди.

Унинг энди ҳамма ерга қўли етади. Ҳаётида ташвиш, муаммо дейдиган нуқта қолмади ҳисоб. Болалигидан елкасини аёвсиз эзиб келган қашшоқлик аллақачон барҳам топди, сув деса шарбат, нон деса ҳолва тутишади одамлар ҳозир. Бир маҳаллар қадр-қиммати икки пулга олинмайдиган, бормисан-йўқмисан бўлиб

юрган бола вақтнинг ҳукми билан чексиз қудратга эга бўлди. Бу қудратни агар унинг бугун эгаллаб турган лавозим-мартабаси билан боғлаб тушунилса, албатта хато бўлади. Бу даража унинг режасидаги бир бўлимча эди, холос. Унинг асл мақсади – қачонлардир қўл етмас бўлиб кўринган, эришилиши даргумон бўлган орзу-хаёлларини энди худди юлдузлар ер юзидаги мити жонзотларни қандай кузатса, шундай томоша қилиб ҳузурланиш эди. Ҳозирги одамлар етти ухлаб тушида кўролмаётган имконларни у энди ўйинчоқдек хоҳласа ўйнайди, хоҳламаса бир четга суриб қўяди. Аммо ўзи ҳам тушунадики, айна вақтда қўлида турганлардан кўра атрофига сочилиб ётган ўйинчоқлари кўпроқ. Ҳамма нарсага эришгани сайин ўша ҳамма нарсага қадри тасодифан йўқолиб бормоқда унинг учун.

Одамлар юртма-юрт изгиб, кимларнингдир қора меҳнатини қилиб, кейин эса шоҳона уй солишга уриняпти. Худди қасрда яшасанг, бошқалар сенга чандонроқ ҳурмат-эҳтиром кўрсатадигандек, пойдеворингнинг баландлигига қараб мартаба бериладигандек. У эса мана шу каталақдек ҳовлисидан нарисини хоҳлаш туғул, хаёлига ҳам келтиргани йўқ, ахир одамнинг пули кўпайиб кетса янги, каттароқ ошқозон қўйдириб, бир косанинг ўрнига икки коса таом ея олмайди-ку. Ёки яна бир тоифа кимсалар пулнинг сассиғидан кекирганча, машиналарни коллекция қилишга ишқибоз. Унинг учун эса, рулга қапишиб ўтиргандан кўра, ҳайдовчига “Эртага фалон вақтда кел”, дейиш кўпроқ завқ бағишлайди. Ахир у ҳаёт билан муросасиз курашда бой берилган ўн йилдан ортиқ умрини бекорга сарфладими? Кимларнингдир ҳовлисидан гўнг ташишга, экин сўғоришга, ҳалиги бир нарса учун ўра қазишга кўникиб яшашга бўлган сабрни, қаноатни қаердан топганди. Шунча йил нега тишини тишига қаттиқ босиб келди. Бир куни унинг тақдирида ҳам мана шундай ҳукмфармолик, ҳаётнинг ҳамма имконларига эгалик қилишдек ажиб гаштли дамлар келишига чин дилдан ишонгани учун эмасми? Бир замонлар тенг-тўшлари билан паркка айланишга қурб тополмасдан эзилган ўспириннинг орадан ўн йил ўтиб юзта истироҳат боғи қуришга чоғи келади. Бир вақтлар ундан чақа пулини қизғонган хасислар устидан у бугун тилло тангалар сочиши мумкин. Аммо унинг мақсади на пул сочиш, на ўзини кўз-кўзлаш эмасди, бор-йўғи барча нарсаларга эришганидан сўнг бунинг ортидан келадиган ҳиссиётнинг таъминини билмоқчи эди, қудратнинг шакли қанақа бўлишини ўз кўзи билан кўрмоқчи эди, холос. Шунинг учун ҳам унга бундан ортиғини кераги ҳам, қизиғи ҳам йўқ.

У нимада бўлмасин, шерикликни ёқтирмай келди. Сабаби, ўйлардики, гарчи одам боласи яримта нонга бемалол тўйса ҳам, бироқ бутун нонни икки кишига бўлиб берилса, иккови ҳам тўймай қолади. Нима учун, мундоқ олиб қараганда моҳият ўзгармади-ку. Яримта нонни бир киши еди нимаю, битта нон икки кишига берилди нима? Гап шундаки, инсон кўнглидаги хоҳиш хоҳланаётган нарсанинг ҳажмига қараб пайдо бўлади. Эътибор берсангиз, ёш болалар кўчадан қайтаётган дадасининг чўнтагидан чиққан битта қурутгами-конфетгами бениҳоя хурсанд бўлишади. Лекин уйга меҳмон келганда, битта-иккитага қаноат қиладиган болани топиш қийин. Бояги яримта нон масаласи ҳам шундай, қўлидаги нондан ташқари яна борлигини билган одам, гарчи у бошқа қўлда турган бўлса-да, ўшандан ҳам умидвор бўлади.

Ёшлигида болалар уни кўп ўртага олишган. Калтак устига калтак, тепки устига тепки. Аммо шунақа ва-

зиятларда ҳам унга жони ачиган бирон болани ёнига яқинлаштирмасди, у ҳамма нарсанинг мазасини ёлғиз тотиб кўришни истарди. Аёвсиз калтакланган кунлари, қошу кўзига муз босиб ётаркан, “Ер юзида тулпорлар бор экан, қамчи ҳам бўлади”, дерди ўзига ўзи. Ҳаёт кейинчалик ҳам уни кўп қамчилади. Лекин бора-бора худди жони ҳалқумига келган қўл ўз хожасини ўлдириб қўйгандек, у ҳам елкасига визиллаб тушаётган бу қамчини ҳаётнинг қўлидан қандай тортиб олиб қўйишни ўрганиди.

Йиллар мобайнида титроқли қўллари чангакка, мадорсиз оёқлари пойдеворга, хокисор ва маъсум чеҳраси такаббур қиёфага, журъатсиз кўзлари бемисл жодуга айланди. У ҳаммолликка одатланган елкаларини енгил ва олифта костюм илиб юришга, мушт бўлиб тугилишга ҳамиша тайёр бармоқларини қоғоз-қалам ушлашга, мулойим тилини кескин ва ачиқ сўзлар ишлатишга ўргатди. Қиличбоз устоз нўноқ шогирдини қанчалик қийнаб жангга тайёрласа, у ҳам жонига ундан кам азоб бергани йўқ. Алал-оқибат эса, чинакам кибор қиёфасини яратишга муваффақ бўлди. Бу қиёфа кейинчалик, худди пластик жарроҳлик яхши натижа берган каби, унга ҳам шу қадар табиийлик билан сингиб кетди. Ҳозир бировга, бу йигит авваллари қанчалик маъсум эди, десангиз сизни тентакка чиқариши турган гап.

Мана, ўзи истагандек дунёдаги давлатмандлару корчалонларнинг калласида нима хаёллар бўлиши мумкинлигини деярли билиб бўлди. Уларнинг тийиқсиз ва бемаза хоҳишлари, тор доираларда ўтадиган зерикарли умрлари, соядан ҳам шубҳаланиб яшайдиган беҳаловат кунлари, илдизсиз гап-сўзлари – ҳамма-ҳаммаси ҳақида энди унда етарлича хулосалар бор. У энди ҳаётнинг икки кутбини – қашшоқликнинг энг чуқур жарлигию бадавлатликнинг энг юксак чўққисини тўла забт этган ҳақиқий тадқиқотчи бўлди. Мана шу қизиқарли йўл давомида бир нарсага амин бўлдики, бу икки чегара ўртасидаги масофа аслида у қадар узоқ эмас экан. Фақат одамларнинг ўзи бу масофани борса келмасга айлантириб юборишган. Дунёдаги жамики бойлар ўзларининг ясама, сохта кўринишлари билан қолганларни шу қадар сир бостиришар эканки, натижада бечора камхаржлар бу масофани босиб ўтиш учун йўлга чиқшдан беихтиёр чўчиб қолар эканлар. Давлатмандларнинг бу қилиғи гўё бир қарич илоннинг даҳшатли вишиллашига ўхшайди – одамлар уни кўрмай турибоқ орқага тисариладилар.

Ўша куни муштипар она ногирон қизига ёрдам пули олиб кетгани келганда бир ажойиб нақлни айтиб кетди. Кечирасиз, бу нақл эмас, онахоннинг ҳожатбарор йигитга билдирган миннатдорлиги эди. “Болам, – деди у, онахоннинг кўзига қарамай ўзи қўлбола ясалган ҳисобкитоб қоғозига имзо чектираётган йигитга, – биламан, ҳозир сиз пулни ана шу сейфингиздан оласиз, ҳеч қанақа ҳисобчингиз ё ёрдамчингиз олиб кириб бермайди, буни яхши биламан. Аммо барибир сиз яхшилиқнинг ҳеч ким йўққа чиқара олмайдиган йўлини топдингиз. Эҳтимол, қачонлардир бошингизга тушган кўргуликларнинг меvasидир бу, балки ота-онангизнинг тарбиясидир. Нима бўлганда ҳам, сизга раҳмат. Мана шу сейфингизнинг фақат битта дона калити бор, агар унинг калити иккита бўлиб қолса, сейфнинг сейфлиги қолмайди. Кўнгил ҳам сейфга ўхшайди, уни яхши аъмолдан бошқа калит билан очиб бўлмайди. Ҳа, одамлар фақат яхшилиқ деган тушунча билангина бир-бирларининг қалбларига йўл топишади”.

Онахон кейин ҳам нималардир деди, у ҳозир эс-лолмайди. Аммо аёлнинг шу гапларидан кейин йигит юзидаги ҳар қанча кибор пардасини суриб ташлаб, онага чинакам ўғил нигоҳи билан боқди. Бу ўктам аёлнинг меҳрибон кўзларига қараб, тиниқ ва самимий овозига қулоқ солиб тураркан, волидасини ҳажга олиб кетаётган йигитдек вужудида туганмас куч туйди.

ИНҚИРОЗ Хотима ўрнида

Унга бунча пул, молу дунё қаердан келишига атрофидагилар ҳеч ҳам тушунишмасди, аниқроғи, бу жумбоқнинг тагига етишолмасди. Унга ўхшаган раҳбар зоти кўп, аммо уларнинг орасида бири икки бўлмаётганлари қанча ахир... Ёки маоши ҳам ҳамманинг кўз ўнгида, ошиб-тошган жойи йўқ. Лекин, таажжубли жиҳати, у ҳеч қачон маошини ўзига ишлатмасди, кимнингдир тўйига, кимнингдир маъракасига бердириб юборарди. У бу идорада ишлаган йилларида қанча одамнинг ўғли уйланиб, қизи узатилди, ҳатто қурилишга деб пул сўраганлар ҳам кўп бўлди. У ҳаммага бир хил жавоб берарди – ҳисобчини айтиб чиқинг. Бўлди, шу билан имзо чекиларди, мушкул осон бўларди.

Бироқ барибир қизиқ эди. Ҳали ўттизга тўлмаган, оила қурмаган йигит бундай тўкинликка, шоҳона ҳаётга қандай эришган? Бирон қўли узун, бўйни йўғон, қўр-қутли одамнинг эркатойи, арзандаси бўлганда ҳам бошқа гап эди. Аммо ўқишни тамомлаётган йили содир бўлган воқеа унинг ҳаётини худди Искандарнинг сартароши қорним ёрилиб кетмасин деб сир айтган қудуққа айлан-тирганини эса ҳеч ким, ҳатто ота-онаси ҳам билишмасди. Нима бўлганди? Сулаймоннинг хазинасини топганмиди? Бе, қаёқда... Ер шарининг илма-тешик бўлмаган жойи қолмаган ҳозирги замонда хом тупроқнинг тагида хумча қоптими... Аммо одамлар унинг фавқулодда давлатмандлиги ҳақида ўйлашганида кўпроқ шунақа ақл ишонмайдиган тахминдан келишарди.

У касалхонанинг крахмалли оппоқ пардалар билан зичлаб тўсилган, ичкараси эса ҳаддан ташқари ёруғ бўлмасига кирганида, бош шифокор охириги марта сўради:

– Бу ишининг оқибатига ақлинг етиб турганига ишонаман. Мана, сен билан уч кундан бери кўришаётган бўлсам, оғзингдан чиқаётган ҳар битта гапинг мени лол қолдирапти. Аммо умр сен ўйлаганчалик арзимас нарса эмас, бугунги қаҳрамонлик эртага анча қимматга тушади.

Йигит бу гапларни, тўғрироғи, шифокорнинг ҳамдардлик билдиришини, ўз бурчини шунга ўхшаган огоҳлантиришлар билан оқлашини биларди.

– Муҳаббат севган инсонининг ҳамма-ҳамма нарсасига – азобу уқубатларига, висолу ҳижронига, енгиллиги оғирликларига жимгина рози бўлишдир, – деди врачнинг кўзларига нигоҳини тик қадаб. – Мен бу ишим билан ортиқча нарса йўқотмайман, лекин у ҳаёт деган, тириклик деган мўъжизани қайтадан кашф қилади.

Мана шу қисқа, аммо ўта нозик суҳбатдан сўнг жарроҳлик столи устидаги чироқлар ёнди. Унинг чап буйрагини олишди.

Севган қизи чиндан ҳам омон қолди. Аммо унга турмуш қуришни қатъиян ман этишди. Орадан йиллар

ўтган сари эҳтимол бу воқеа унутилиши мумкин эди. Бироқ ҳар ойда йигитнинг номига келадиган сирли қоғоз қутичадаги пуллар унинг ҳаётини ўзи бир маҳаллар ич-ичидан интилган, кун келиб нимадир сабаб билан рўёбга ошишига қаттиқ ишонган киборлик дунёсига айлантирди.

У узлуксиз равишда моддий жиҳатдан бекаму кўстликка эришар экан, бир вақтнинг ўзида ҳаёт деб аталмиш иморатнинг ҳар бир зинасини, қат-қат деворларию моғорлаган йўлакларини чуқур нигоҳ билан ўрганиб борди. Бахтиёрлиги бахтсизлик, донишмандлиги нодонлик, дўстлиги душманликка ўхшаган минг-минглаб тушунчалар бир-бирига нақадар яқин туришини, ҳатто бирининг исботи учун бири албатта бўлиши шартлигини англаб етди. Унга салом учун узатилган кафтнинг бармоқлари орасида митти игналар бор-йўқлигини дарров пайқайдиган бўлди. Ва энг муҳими, у ҳаммага бир хил – аёвсиз ва мағрур нигоҳ ташлаш санъатини эгаллади. Буларнинг бари бир бўлиб йигитни енгилмас руҳ ва чексиз қудрат соҳибига айлантирди.

У сигарет қолдигини қулдонга эзди-да, ғир-ғир шабада кираётган дераза раҳига суяниб, пичирлай бошлади:

*Қорайганда узоқ тоғларнинг қори,
Боғларга чўкканда оқшомги туман;
Совуқ куз елидан жунжикиб, нари –
Очиқ айвон остин этганда маскан;
Азизим, хаёлан қучаман сени,
Хазон даврасида кутаман сени...**

Ҳаётда барча-барча нарсани – ожизлиги қудратни, муҳаббату унинг аччиқ шаробини, турфа одамлар дунёсини идрок қилиб бўлган йигит бу узоқ давом этган дарсдан жуда зерикди, унинг сабри шу кунгача етди, гўё юзлаб қари дарахтларнинг захил-заъфарон япроқлари орасида унинг дуркун ва яшил барглари қийналиб нафас олаётгандек, умри борган сари хазоннинг аччиқ ҳидига мослашиб кетаётгандек туюлди. Энди у на ўзини, на шубҳакор одамларни ортиқ қийнашни хоҳлар эди.

Мана, ўн йил ичида худди ер юзасини қаричлаб ўлчаб чиққандек бир олам хулосалар йиғди, аммо ўзи ҳам обдон ҳолдан тойди. Ахир ҳар куни, ҳар соат, ҳар сонияда бир вужуддаги иккита одам бўлиб яшаш нақадар оғир. У ўзи учун оламдаги энг юксак чўққида туриб дунёни баланддан томоша қилаётган одам бўлса ҳам, бироқ атрофдагилар учун савлат-салобатли, сирли ва кишини ҳайиқтирадиган қиёфа сифатида яшаб келди. Бугун эса бу саргузаштга тўла иккинчи ҳаётига тамоман нуқта қўяди. У нимани хоҳлаганди, ҳамма нарсага эришишними? Мана, орзусига етди. Энди инсон кўнглини алдайдиган ва тубанлаштирадиган бу тахлит ҳаёт билан боғлаб турган барча ришталарни узиб ташлайди. Унинг бир марта қилган чинакам жасорати ва келажаги “қатъиян таъқиқланган” муҳаббати эвазига узлуксиз оқиб келувчи пулларнинг бугундан бошлаб унга заррача кераги йўқ.

У ўзининг иккинчи қиёфаси ўнг биқинидаги биттаю битта буйрагига оғирлик қилаётганини сезганди.

2012

* Р.Рождественский сатри

* А.Орипов сатри



Шоҳиста МАҲМУДОВА



ИЖОДКОР РУҲИЯТИ

Ҳар бир даврда муаллифлар ўз асарларида ижодкор образини турли қиёфада гавдалантириб келганлар. Бугунги XXI аср қисса ва ҳикоячилигида ижодкор руҳиятининг бетакор, тизгинсиз, жўшқин ва тушқин изтиробларини тасвирлаш ёзувчиларнинг асл мақсадига айланди. Жумладан, Ш.Холмирзаев, Э.Аъзам, Н.Эшонқул, У.Абдулваҳоб асарларида ижод дардига йўлиққан инсоннинг қалб изтироби, орзу-армонлари тасвирланади. Хўш, ижодкор ким ўзи? Ижодкор – рассом, ижодкор – ҳайкалтарош, ижодкор – бастакор, ижодкор – ёзувчи... Улар инсон руҳиятидаги киши илғамас ҳис-туйғуларни, дард, изтироб, қувонч ва бахтни нозик тасвирлар орқали ифодаловчи санъаткорлардир.

Ижодкор аҳли тафаккур, ақл, кучли руҳий таасурот асосида ҳаёт ҳақидаги хулосаларни қоғозга туширади. Шунинг учун ҳар бир тирик асарга ёзувчининг дунёқараши, руҳий қуввати сингиб кетади. Ҳамма нарса шахснинг имкониятларини амалга ошириш учун атроф-муҳит қандай имкониятлар бера олишига боғлиқ. Албатта, ижодкор учун ҳам ижодий эркинлик муҳим масалалардан бири саналади. “Ижод учун бирламчи навбатда зарур бўлган нарса эркинликдир. Эркинлик бўлмаса, ҳар қандай истеъдод ҳам жуда тез сўниб қолиши мумкин”, деб таъкидлайди адабиётшунос О.Шарафиддинов. Ёзувчи ўз ижоди давомида инсоннинг энг олий туйғуларини, унинг руҳияти, ҳаёт сўқмоқларидаги қийинчиликларни енга олиш хусусиятларига эга бўлиши лозим.

Худди мана шу нуқтаи назар Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссасида ўз аксини топган. Асарда Шамси Салоҳ ва Муаззам образлари орқали ижодкор маънавий қиёфасининг нозик қирралари тасвирланади. Ижодкорлик инсоннинг интеллекти ва илоҳий қобилияти орқали амалга ошади. Адабиётшунос С.О.Грузенбург бадиий ижоднинг намоён бўлишини иккига ажратади: илоҳий ва иблисона. Илоҳий ижод бу – Аллоҳ томонидан берилган неъмат. Иблисона ижод эса инсонни шайтон бошқариб, уни нафс комига тортади, барча нарсага шайтон назари билан дунёни қора ва жирканч кўради.

Шоҳиста МАҲМУДОВА

1981 йилда Навоий вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Айни пайтда “Мустақиллик даври насрида ижодкор образи масаласи” мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Ш.Салоҳ иблисона ижод йўлини танлаган ижодкор. У ҳамма нарсага ижирғаниб, ғашланиб қарайди. Шамси Салоҳ нафс йўлида давр қобиғига ўралиб, машҳурлик, шон-шавкат учун атрофдаги одамлар назарида жуда қобилиятли эканини кўрсатиш учун ўзини ясама ҳолда сирли тутишга уринади. У ўз асарларида меҳнатқаш халқнинг орзу-армонларини тасвирлайман деб мақсад қилиб қўяди, аммо унинг онги мустабид тузумнинг бўлмағур сафсаталари билан заҳарланиб улгурган эди. Инсоннинг руҳий оламига, унинг маънавий дунёсига ўзга бир ёт ғоя, фикрлар қанчалик мустаҳкам сингдирилмасин, ҳар бир инсон қалбининг туб-тубида асл “мен”и сақланиб қолади, ўзлик, миллийлик ўзини очикдан-очик намоёиш қилади. Мана шу Шамси Салоҳнинг ички қиёфаси Муаззамнинг кўшиғидан сўнг ошкор бўлади.

Инсоннинг қалби, унинг руҳияти ва кўнглининг нозик торларини чертадиган санъат турларидан бири бу кўшиқдир. Қиссада кўшиқ эпизоди одабийлик тимсоли сифатида куйланади. Балки бу Одам Ато ва Момо Ҳаводан фарзандларига қолган инсонийлик ҳақидаги кўшиқдир. Мана шу кўшиқни куйлаётган Муаззам эса туғма иқтидор ва илоҳий қобилият эгаси. Унинг кўшиқ айтишини ҳамма билади ва қиз зиёфатларини усиз тасаввур қила олишмайди. Шамси Салоҳ ҳам ўз халқи учун шундай қадрли эдими? Йўқ, у қалбан ва фикран ёлғиз эди. У одамлар унинг гапларидан кулаётганини ва тушунмаётганини айтиб сикилади. Бу ҳолдан Шамси Салоҳ ғазабланиб, одамлардан йироқлашиб, ўз дунёси ила ёлғиз яшайди. Бундан кўриниб турибдики, ташқи қиёфаси кам-кўстсиз, аммо ички дунёси бўм-бўш ижодкордир.

Муаззамнинг бу гўзал кўшиғи Ш.Салоҳнинг ухлаб, мудраб ётган бутун қалбини ларзага солди. Кирилл Скотт “Музика ва унинг асрлар мобайнидаги сирли таъсири” номли китобида кўшиқчи ҳақида шундай дейди: “Буюк санъаткорлар ҳам нотик, ҳам актёр ва шу билан бирга қалби, юраги куй билан ҳамоҳанг бўлиши лозим”. Ҳақиқий ижодкор ўз санъат асарини юксак иқтидор ва юрак-юрақдан, меҳрини бериб яратса, албатта, у ўлмас, тирик бир мўъжизага айланади.

Ш.Салоҳ ўзини Муаззамнинг овози учун жон куйдираётган санъат ҳомийси қилиб кўрсатади. Аслида, уни санъат юлдузи даражасига кўтарса, эсанкираган Муаззам Ш.Салоҳнинг елкасига бош қўйиб: “Булар бари сиз туфайли, сиз бўлмасангиз шу кунларга етмасдим” деб шивирлайди...” Бу ўй эса ўзича уни мағрурлантирадди. Бу эса Ш.Салоҳ психологиясидаги худбинликни кўрсатади. Ш.Салоҳ бу иқтидор эгасининг овозини эшитгандан сўнг, қўшиқ таъсиридан унинг оёқларини кучиб йиғлагиси келса ҳам буни қалбан тан олмайди.

Ижодкор шундай бир иқтидор эгасики, у бошқа инсонларга нисбатан ҳаётни чуқур фалсафий мушоҳада этиб, бу инсонларнинг қалбидаги туйғу-кечинмаларни тўғри баҳолайдиган руҳшунос бўлиши лозим. Аммо Шамси Салоҳда бундай иқтидор йўқ эди. Шунинг учун Муаззамнинг қалб тугёнларини нотўғри тушунади. Шамси Салоҳ назарида Муаззам оми, ҳаётни фақат турмуш ташвишларидан иборат деб тушунадиган одамлар орасида яшаб, ҳаётда орзу-ҳавассиз, ҳиссиз, бахтсиз яшашга маҳкум, деб ўйлайди. Лекин аслида Муаззамнинг овози ўзининг кичик кулбаси, атрофидаги дарахтзорлар, қишлоқ ҳаётидаги меҳнатлари билан уйғунлашган ва бу овоз шулар билан гўзал эди. Шамси Салоҳ унга шон-шавкатли келажакни таклиф қилса ҳам, Муаззам ўз маскани ва ўзлигидан кечмайди.

Инсоннинг фантазияси ва фикр доирасининг торлиги, унинг қатъий, ўзгармас нарсаларга боғланиб, чегараланиб қолиши яратувчанлик қобилиятини сусайтиради. Шамси Салоҳнинг бутун онги ва қалби ўз давридаги маданий мафкура билан шундай ўргимчак тўри мисол ўраб ташланган, у ўзининг мана шу маънавий тутқунликдаги ҳаётини “эркин ҳаёт” деб ўйларди. Шамси Салоҳ Муаззамни ва, ҳаттоки, атрофидаги бутун борлик, дов-дарахту пахта даласидаги гўзаларни ҳам тутқун бир маъънос-маҳзун ўзбек аёли тимсолида тасаввур қилади. Ҳаттоки бу аёлни занжирбанд Прометейга қиёслайди. Аслида эса Муаззам эркинликда бахтиёр қўшиқ куйларди. Шамси Салоҳ унинг товушидаги эркинликни сезди, аммо Муаззамнинг ўзини бу меҳнатларга тутқун, деб ўйлади. Ижодкор қалбан эркин бўлса, албатта, унинг овози бутун борлик узра масрур янграйди. Муаззамнинг қўшиғи Ш.Салоҳнинг хотирасида унутилган бир воқеани ўйғотади: “Бу қўшиқни эслаб қол... Бу одам ҳақидаги қўшиқ. Одамлар ўлиб кетади, лекин қўшиқни айтадиган янги-янги зурёдлар дунёга келади, лекин қўшиқ ўлмайди...”, деб момоси Шамси Салоҳга ўзлигини ҳеч қачон унутмаслики ва бу қўшиқни келажак авлодга етказишни бир васият сингари уқтиради. Ш.Салоҳ эса буни эслаш тугул, бу ҳақда бировларга гапиришни ор билади. Кимлигини айтишдан чўчийди. Чунки у кўрқоқ эди.

Ёзувчи Шамси Салоҳ психологияси ва табиатдаги тасвирларни психологик параллелизм сифатида уйғунликда олиб боради. Ш.Салоҳ қалбини қора тўр шунчалик эгаллаганки, у атрофидаги гўзал табиат тасвирларини қора ва хира кўзойнак билан кўрар, кенг далада ястаниб ётган гўзаларни сон-саноксиз лашкарга, тиниқ кўл эса унга қуриб қолган сиёҳдондай ва ундан сасиган балчиқ ҳиди келаятгандай туюлади. Бу тасвирларнинг барчасида Ш.Салоҳ маънавий дунёси, руҳиятининг қанчалик заҳарланганини кўриш мумкин. Ш.Салоҳ ҳикоянинг бошидан то охиригача тунд, парижон, лоқайд ҳолда тасвирланади. Ш.Салоҳда мана шу иллатларнинг барчаси мужассам эди.

Ёзувчининг “Тун панжаралари” қиссасидаги ижодкор ҳам ўзини кўрқоқ ва ҳафсаласиз деб билади. У ўттиз бир ёшида журналдаги ишидан айрилган, бутун ҳаёти давомида омадсизликка учраган, бир умр эътиқод қилиб келган бахт ҳақидаги туйғулари сароб эканлигини билиб, ўзини олманинг қурт еган қисми деб ҳисоблаган ижодкор. У исмсиз, чунки ўз эътиқодида, ор-номусига, шаънига эга бўлмаган одамга исм берилмайди. У бутун жамиятни ғафлат кўрғони дейди. Ҳафсаласизлик ва кўрқоқликни ғафлат тунининг ҳибсхоналарига ўхшатади, ўзини эса ундаги маҳбус деб билади. У ўзини мана шундай ўтмиши ва келажак сароб бўлган жамиятда яшаб, панжара, қобиққа ўралиб қолаётганидан ўкинади. “Тун панжаралари” қиссаси мантиқан “Момоқўшиқ” қиссасининг давомидир. “Момоқўшиқ” қиссасидаги ижодкорнинг (ўттиз ёш) тунд, ғамгин кайфияти “Тун панжаралари” қиссасидаги ижодкор (ўттиз бир ёш) кайфиятида давом этади. Муаззамнинг сўзлари туфайли ўзлигини англаган ижодкор Шамси Салоҳ энди “Тун панжаралари” қиссасидаги Исмсиз қахрамон образиди руҳий азобларни бошидан кечиради ва “Адабиёт инсоннинг оғриқларидир... Азоб тугаган жойда фаолиятсизлик бошланади: худбинлик, хиёнат, лоқайдлик бошланади... Одамларга бу сўзлардан ҳам ортиқроқ фалокат йўқ”, деб Аристотелнинг катарсис таълимотига биноан азобланиш орқали руҳий покланишга ҳаракат қилади. Ижодкор ўйғокми, уйқудами – буни фарқлай олмайди. Чунки шундай ижодкорлар борки, жисмонан уйғоқ, лекин қалбан уйқуда бўлишади. “Момоқўшиқ” қиссасидаги Шамси Салоҳнинг Муаззамга бўлган соф, армонли туйғулари “Тун панжаралари” қиссасидаги Робия тимсолига кўчади. Робия ижодкор учун илохий маъбуздага айланади.

Шамси Салоҳ ўзи билмаган ҳолда даврнинг маҳбусига айланган бўлса, Исмсиз қахрамон эса ўзини ўраб турган бутун бир жамият уни қоронғуликка, тубанликка бошлаётганини билган ҳолда ҳаёти зулматга ботиб боради. У бундан азобланади, бу жамиятдан нафратланади. Ижодкор яшашдан мақсадини топа олмай қийналиб: “Бу нима? Шуми дунё?! Нега у бунчалик тушуниксиз ва аянч?!” деб абсурд фалсафасига таяниб, ҳаётнинг маънисизлиги, яшашга арзимаслигидан қийналади. Инсон яшашдан мақсадини билгани сайин ўлимга қараб боради, деган хулосага келади. Қисса сўнгида ижодкор ўзини психологик тиклаб олади. Буни ёзувчи пейзаж орқали беради: “Баҳор боғда оғир-оғир хўрсиниб кезиб юрибди”. Ҳар иккала қиссадаги ижодкор психологиясида ҳам ҳикоя сўнгида ўзгариш рўй беради. Ўз иқдорлари туфайли онгли янгиланиш сари қадам қўйишади.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи Назар Эшонқул бу қиссаларида ижодкор учун тафаккур эркинлиги муҳим эканига урғу беради. Ҳар қандай иқтидор эгаси ҳам ижодий эркинликка эга бўлсагина, янгича бир кашфиётлар яратиши мумкин ёки ўз иқтидорини тўла-тўқис кўрсата олади. Киши онгида, дунёқарошида тутқунлик бўлар экан, ўз ҳаётида ва турмуш тарзида асло ижодий ўзгаришлар бўлмайди. Бундай инсонлар нурли, юксак чўққиларга кўтарила олмайди, балки янада тубанлик ва зулмат қаърига сингиб кетадилар. Қалбида инсоний туйғулар сўниб, шайтоний туйғуларга берилишади. Бундай ҳодиса нафақат бир инсон, балки бутун бир жамият учун ҳам зарарлидир.



Оллоназар АБДИЕВ



РИЗҚ

Ҳикоя

Отамурод чол чорбоғининг ичидаги офтобшувокда ўтиравериб зеркиб кетди. Кунига неварасини орқалаган кўйи келаверадиган, беш-олти уй нарида яшайдиган тенгқури Санам кампирдан ҳам бугун намагадир дом-дарак йўқ! Ётиб қолмадимиз экан? Куни кеча “Кўкрагимда санчиқ бор, гоҳида ҳаво етишмай, энтикиб қоламан” деб ҳасрат қилаётган эди. Буёғи вақт ҳам пешинга яқинлашиб қолибди. Оёғида юрганида шу пайтгача бирровгина бош суқиб кетган бўлар эди. Чўзилиб ётган бўлса керак. Шундай ўйда ҳассасига суяниб ўрнидан турди-да, ҳовли этагида ўйнаб ўтирган невараларига кўз ташлади. Бировини югуртириб олмоқчи бўлди-ю, бироқ уларнинг ўйинини бузгиси келмади. Қолаверса, “Хасталаниб ётган бўлса, барибир ўзим бориб кўришим керак-ку”, деб ўйлади-да, дарвозанинг ички илгичини туширди.

Ташқарига чиққач, “Дарвозани ичкаридан илиб қолинглар” деб айтишга чоғланди. Бироқ тағин невараларининг қизиқ ўйинларини бузгиси келмади. Қолаверса, “Икки ҳатлам жой, бир зумда бораман-у қайтаман-да” деб ўйлади.

Борса, ҳақиқатан ҳам, Санам қурдоши инқилаб-синқилаб ётган экан. Келини ишига бормай қараб ўтирибди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Уёқ-буёқдан гаплашган бўлди. “Мен ўлиб қолсам сенга жуда қийин бўлади-да!” деди Санам кампир унинг юрагини каттиқ шувиллатиб.

Бу гапдан тоқати тоқ бўлиб, ортига қайтишга шовилди.

Уйига эндигина етиб келганида икки дарозгина йигит дарвозанинг кичкина эшикчасини очиб ичкаридан чиқиб келди. Қўлларида ўралган гилам билан



шолча. Эшик очган заҳоти чолга рўпара келамиз деб ўйлашмаганми, аввалига иккаласи ҳам алланечук довдираб, каловланиб қолишди. Бир-бирига қараб олишди. Салдан кейин ўзларига келиб, бири мулойимлик билан деди:

Оллоназар АБДИЕВ

1963 йилда Тахтақўприк туманида туғилган. Нукус Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Кўплаб китоблар муаллифи.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

– Дарвоза очиқ турганига кира қолган эдик... Ичкарида ҳеч ким йўқ экан. Гилам сотиб юрган эдик. Хиванинг гилами, оласизми, отахон?..

Иккинчиси:

– Шолчамиз ҳам бор. – деди. – Олиб қолинг, арзонгина, тушиб берамиз. Янги мол олиб келгани кетишимиз керак эди. Шунинг учун уйма-уй юриб арзон-гаров сотиб юрган эдик.

– Чироқларим-ов, мен билмасам. Агар ўғлим билан келиним тушликка келган чоғи келмасангиз... Манови жазирамада терлаб-пишиб кетибсизлар-ку. Оғир юкни кўтариб юравериш ҳам осон эмас. Ишларингиз ўнгидан келсин, чироқларим. Озгина нафас ростлаб, чанқовбости қилиб олсаларингиз-чи?..

– Йўқ, раҳмат, отахон. Олмайдиган бўлсангиз йўлимиздан қолмайлик, – деб улар йўлга равона бўлишди.

Отамурод чол невараларидан хабар олди. Молларга ўт солиб, сугорди. Товуқларига дон сепиб, чумчуқлардан кўриган ҳолда уларнинг донни чўқилашларини томоша қилиб турди. Шу билан пешин ҳам бўлди.

Келини билан ўғли тушликка келишди.

Аёл зоти сергак бўлади. Ичкарига кириб кетган келиннинг овози баланд эшитилди. Зум ўтмай ўзи ҳам ташқарига отилиб чиқди:

– Ота, айвоннинг деворига илинган гилам билан ерига тўшалган янги шолча қани?! Ташқарига олиб чиқиб ёйдингизларми?... – Сўрашга сўради-ю, бироқ қайнотасининг оғир гилами ташқарига кўтариб чиққанига ақли бовар қилмай, бир шумликни сезган юраги шувиллади. Аёл бўлганидан кейин мол-дунёга бир баҳя яқинроқ. Нимага ҳам олиб чиқсин? Мабодо неваралари шолчани булғаб қўйишгани учун олиб чиққан бўлса, у ҳолда деворда осилиб турган гилам қаёққа кетди?!

– Мен тегинмадим, чироғим. Нима эди?... Йўқми?... Бўлиши мумкин эмас!

Чол алпон-талпон юриб ичкарига кирди-да, айвонга тўшалган шолча билан деворга илинган гиламнинг ўрни ростдан ҳам кафтдек очилиб қолганини кўрди.

– Ё тавба, жин-шайтон чалдими буларни? Уйдаёқ ўтирибман-ку!

– Уёқ-буёққа чиқмадингизми, ота? Уйга ҳеч ким келмадимми?

– Йўқ, болам, йўқ!.. Айтгандай, гилам билан шолча сотиб юрган икки бола келувди, шу. “Оласизми?” деб сўради. Мен “Билмайман” дедим. Бошқа ҳеч ким келмади.

– Ҳа, бўпти-да. “Ҳеч ким келмади” дейсиз тагин.

– Келин қаттиқ юлқинди. – Уёқда улар гилам билан шолча сотаман деган бўлса, буёқда бизнинг гилам-шолчамиз йўқолган бўлса, шулар олиб кетган бўлиб чиқади-да. Гўрга кетадими бўлмаса?! Эшикни ҳеч кимга очманг, уйга қараб ўтиринг деб зор қақшаб кетасан... – дея зарда билан тўнғиллаб, болаларини чақирди келин. – Қувонишшш, Марзияяя, тирик-мисанлар, ё ўлиб қолдингларми, ергина ютгурлар.

Қувониш деяпман. – Келин Қувонишнинг отини атайин қайта-қайта айтиб турибди. Йўқса бошқа пайт отини айтмай, “Оқйигит” дер эди. Чунки қорақалпоқ удумига кўра тўнғич бола чол-кампирики ҳисобланиб, онасига қайин сифатида бўлади. Бола “ойи” демайди, “кеннойи” дейди. Бу – уйга дурустроқ пойлоқчилик қилолмаган Отамурод чолга келин бераётган дакки-дашном. Чолнинг ўзига тўппа-тўғри овозини кўтариб сўзлаёлмайди. Бетгачопарлик қилса, ишлари бундан беш баттар чаппасига кетиб қолишидан кўрқади. Чунки икки-уч йилча аввал бунақасини ҳам яхшигина кўрган. Ўша можародан кейин қайнотасига қайтиб сўзламасликка ичида ҳам, сиртида ҳам онт ичган. Роса тавбасига таянган! Ўшанда меҳмон бўлиб ўтирган қайинбекаси билан езнаси келинни қайнотасига овозини салгина баландлатиб гапиргани учун қаттиқ уришиб ташлашди. “Боқмасанг боқувсиз қол. Ўзимиз гард юқтирмай қараймиз. Сенинг захар-олуд сўзларингни эшитган кўйи бол шимиб ўтирганидан бизнинг ширин сўзимизни тинглаб, қора нон чайнаб ўтиргани афзалроқ қариган чоғида!” деб олиб кетишди. Ўз уйини ташлаб кетаётганида чол баттар мунгайиб қолди. Ўзи захмат чекиб йўқдан бор қилган, шунча йиллик умри кечган уйига энди ўзи бегона бўлиб турибдими?!.

Ўша лаҳзадаёқ келин кечирим сўраб ялиниб-ёлворди. Сабаби болаларига қараб ўтирибди. Уйи ҳамиша очиқ – қулф-калит нималигини билмайди. Ҳаммаси шу чолнинг шарофати. Бунинг устига, мўмайгина нафақаси ҳам бор. Ўз вақтида роса меҳнат қилган, орден-медаллари ҳам талайгина. Бунинг устига, уруш қатнашчиси. Шунинг учун байрамларда ҳукумат томонидан совға-салом ҳам келиб туради.

Буниси ҳали ҳолва: чол бир жойга меҳмон бўлиб борса, мезбон чопон, кўйлак, пул бериб, оқ фотиҳасини олади. Тўй-маъракалардан ҳам қуруқ қайтмайди. Олгиси келмаса ҳам “Йўлингиз улуғ, йўли шу” дейишади. Ўламан-саттор олмайман деса, “Нима, озсиниб турибсизми?” деб куйдиришади. Уйига келган қариндош-уруғлар ҳам кўпни кўрган нуроний отахоннинг оқ фотиҳасини олиш учун қуруқ келишмайди, ёқали кийимларгача олиб келишади.

Мана шуларнинг ҳаммасидан маҳрум бўлиб қолиш келинга ёқмади. Шунинг учун ҳам ўшанда бекатга қадар ялиниб-ёлвориб борди. Агар шанғилигини қўймай, бетгачопарлик қилаверса, фақатгина “соғин сигир” қайнотасидан эмас, хушбичим, чаққон, эсли-хушли, обрўси жойида, энг муҳими – кўрли-кутли, уйли-жойли эридан ҳам ажраб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Қайинбекасини яхши билди, алчағи чиқса ҳар нима қилиши мумкин. “Инимни бу аврастандан ажратиб олиб, бошқа бировга уйлантираман” дейишдан ҳам тоймайди.

Ўшандан кейин уйдан кетиб қолган қайнотасининг ортидан бир-икки марта борган эди, келмади. Аниқроғи, қайинбекаси кетгани қўймади. “Агар яна оғиз очиб, юзига тик қарасам, юз-кўзимга туянинг товони” дея қайта-қайта оқ тавба-кўк тавба қилганидан кейингина қайинбекаси чолни зўрға ўзига қайтарди.

Мана шундай можаролар бўлиб ўтганидан кейин у қайнотасига қанақасига ботиниб сўзлай олсин.
– Қувониш дейман. Марзия дейман. Бу ёққа келинлар тез.

Иккаласи югургилаб келишди.

– Нима дейсиз, оий?

– Мен нима дейман?. Ўзларинг ўз бошларингча ўйнайвермай, боболарингга кўмакчи бўлмайсанларми? Агар боболаринг ташқарига чиққанида дарвозани ичкаридан илиб қолганларингда эди, шу кўргилик бўлмас эди.

– Ҳой келин, айланайин, қўй, болаларга бақирма-чи. Айб уларда эмас, менда. Улар менинг ташқарига чиққанимни билмай қолишди... Айвонда осилиб турган гиламнинг ўғирланганини билиб, сендан кам қийналмаяпманми мен ҳам, чироғим. Чунки у гилам, ўзингга ҳам айтганман, бир пайтлар меҳмонхона тўрида илиниб турган жойидан олиб, “Модадан қолди ҳам сал эскирди” деб даҳлизга тўшамоқчи бўлганинда “Айланайин чироғим, бу гилам модадан қолиб, эскирган бўлса ҳам мен учун, шу уй учун азиз. Чунки уйнинг баракасини бериб, ризқ-рўзини бутун қилиб, аҳиллигини сақлаб, хавфхатардан асрагучи хосиятли молимиз, дунёмизнинг боши, кампиримнинг кўзи-ку, чироғим.” деган эдим сенга. Начора, қулай пайт пойлаб қаттиқ туширишди анови ноинсофлар. Илоё бало-қазо шу гилам билан шолчага қўшилиб кетсин. Бош-кўзимиздан садаға бўлсин! Энди жонимиз омон бўлсин деб тилайлик, келинжон. Дунё – қўлнинг кири. Худо бераридан қисмаса ўрни тўлиб кетар. Шундай эмасми, Қувонишжон? – дея чол тўнғич неварасининг бошини силаб эркалади.

Ҳалидан бери можарога аралашмай турган ўғли Марат оғзини гапга жуфтлаган хотинига ўктам қараш қилди:

– Отам тўғри айтяпти. Бўлди энди, шу гап шу ерда қолсин. Таг-тугини сўраб-суриштириб қарасанг, гилам билан шолчадан бошлаб шу уйдаги жамики қўлга илингулик мол-мулк отам билан онамнинг топган-тутгани-ку. Ҳаттоки уй-жойни ўмариб кетганларида ҳам ғиринг дейишга ҳаққинг йўқ сенинг. Иккаламиз ҳам бу уйга ақалли битта ғишт қўйган эмасмиз.

– Қўй, бундай дема, болам, – деди Отамурод чол. – Мен бу дунёни гўримга олиб кетмайман-ку. Бу дунё, бу мол-мулк сизларники, сизлардан кейин Қувонишжонники бўлади. Шундай қилиб бир-бирига уланиб кетаверади-да. Келиннинг аччиғи чиққани ҳам бекорга эмас, болам. Аёл киши бўлганидан кейин, мол-дунё уларнинг қўлларида йиғилади. Йиғилган дунё сочилиб-тўкилмай, йўқ бўлмай сақланади. Бироқ сал-пал сабр қилиб, гилам нима сабабдан ўғирланганини сўраб-суриштириб, ана ўшандан кейин “Ҳечқиси йўқ, ота. Гилам-шолча тенгқурингиз Санам момонинг соғлигидан азизроқ эмас. Қийналмай қўя қолинг. Шу уйнинг табаррук гиламини олиб кетган ноинсофларга у буюрмасин. Энди буёғига пишиқроқ бўларсиз, ота”, деб ҳурматимни жойига

қўйган ҳолда енгилроқ дакки бериб қўя қолганинда узукка кўз қўйгандек бўлар эди-я, Сабаби “Бир кун уруш-жанжал бўлган уйдан қирқ кунлик ризқ-насиба қирқилади”, деган гап бор, чироқларим, Қолаверса, “Яхши сўз – жон озиғи”.

Жўялигина гап ўз таъсирини кўрсатдими, келин:

– Агар гапларим сизга оғир ботган бўлса, мени кечиринг, ота. Мен манови қулоқсизларни уришдим-да, – дея ўзича уялган бўлди.

– Бу болаларга бақирганинг ҳам менга тегди-да. Чунки менинг кўрар кўзларим, мендан кейин қоладиган тирноқларим-ку булар, – дея Марзия билан Қувонишни бараварига бағрига босди чол.

– Бўлди энди, тезроқ чой қўйиб, енгилроқ овқат қилиб юбор. Наридан борса янаги ойлиқдан бир гилам олиб берарман, – дея Марат юз-қўлини юва бошлади.

Аччиқ-аламлар тумандек тарқаб, бирга-бирга баҳузургина тушлик қилиб ўтирганларида дарвоза тақиллади. Кўп ўтмай бир милиционер кириб келди.

– Қай боласан? Омонликми? – сўради қария.

– Омонлик, ота, омонлик. Қайтанга сиздан суюнчи сўраб келяпман. Мен шу аймақнинг милиционериман. Отамурод бобо, мабодо бугун гилам билан шолча ўғирлатмадингизми?

– Ҳа, шундай бўлиб қолувди. Нима гап?

– Уйларга кириб майда ўғирлик билан шуғулланадиган ёш йигитлар пайдо бўлиб қолган экан. Анчадан бери ушлатмай юришган эди. Шулар ҳалигина қўлга тушди. Гилам билан шолча кўтариб кетаётганларида тезкор гуруҳ қўлга олди. “Ўзимизники” деб нари-бери бўйин товлашган эди, тилларидан тутиб, далиллар келтириб, ахийри бўйинларига олишга мажбур қилдик. Охирида сизнинг уйингиздан олганини айтишди. Тушдан кейин бўлимга бориб олиб кетишингиз мумкин.

– Яша, чироғим, барака топ. Касби-корингдан топганиннинг баракасини берсин. Ҳалол мол-мулк бирор соат ўтиб-ўтмай ўзимга қайтиб келаётган экан, сенга яна бир марта раҳмат, иним. Илоё болачақангнинг роҳатини кўр, – дея ҳудудий милиционерни дуога кўмиб ташлади чол. – Энди суюнчига нима берсам экан-а? – дея кўзларидан оққан севинч ёшларини қийиқчаси билан сидириб, оппоқ соқолини силаган қўйи бир муддат ўйланиб туриб қолди.

– Йўғ-э, Отамурод бобо, мен ҳазиллашиб айтдим-қўйдим-да. Бизнинг ишимизда бунақа олди-бердилар бўлмайди.

– Сенларда бўлмасаям бизларда бўлади-да, иним! Қорақалпоқда бўлади-да “суюнчи” дегани. Қорақалпоқсанми ўзинг?

– Ҳовва, бобо.

– У ҳолда индама. Юрагимни ўртаб турган энг қадрли молим, кампиримнинг кўзи бўлган гиламим билан шолчамни топиб берасан-да, тагин суюнчисиз кетасанми. Буёғи биз ҳам замона зайлини сал-пал биламиз. Сабаби кичкинтойлигимиздан шахарлик бўлганмиз. Ҳозир Маратжонга пул бериб, дўқондан Нукуснинг “қирғовул”ини олдирайинми? Буёқда овқат ҳам пишяпти, икковларинг бир отамлашиб...

– Йўқ, бобо, мен ичмайман. Хизматдаги одамиз. Бироқ, майли, ўтирай. Ош-овқатингиздан тотинмасам юбормассиз. Лекин шиша керак эмас.

– Ўзинг биласан, чироғим, зорим бор-у, зўрим йўқ. Лекин бир шешанинг пулини суюнчи ҳисобида олиб кетасан. Менинг берганим табаррук, болам. Ҳар куни Отамурод бобонг гилам ўғирлатиб, сен топиб олаётганинг йўқ-ку, – дея чол яйраб кулди.

– “Сўз жўясини топса, мол эгасини топади”, деганлар. Сизга ҳам раҳмат, отахон.

Шу билан суюнчи атрофидаги гаплар хотима топиб, Отамурод чолнинг оққўнгилигидан усталик билан фойдаланган ўғриланинг ўз гиламини ўзига “Сотиб оласизми?” деб қарияни боплаб туширганларини айтишиб, ҳаммалари кулишиб олишди.

Ўғил келинга маъноли қаради-да, яйраб гурунги беришга тушди:

– Ҳалигина куйиб-пишаётган эдинг. Гиламинг билан шолчанг қайтиб келадиган бўлди. Бизнинг қарияларнинг кўнгли тоза-да. Оққўнгилигига қараб беради. Бериб ҳам келяпти. Бунга кўп маротаба гувоҳ бўлганман. Овқат пишгунича гурунглашиб ўтирайлик, масалан, бир куни отам бозорлаб қайтаётганида автобусда бозорлиги солинган тўрвасини унутиб қолдирибди. Шунда “Ҳа, энди, начора, бугун ёш гўштининг шўрвасини ичиш буюрмаган экан-да” дея бўшашибгина қайтиб келаётса, ёнидаги сой томондан “Ёрдам беринг” деган болакай овози эшитилибди. Апил-тапил бориб қараса, бир болакай сойда оқиб кетаётган экан. Қўлини базўр кўтариб, сувга чўкиб кетяпти. “Ёрдам беринг” деб бақирган қирғоқдаги жўраси экан. Сувга чўкиб бораётган болакайнинг бақиришга ҳам ҳоли йўқ. Дарҳол белига қадар сувга тушиб бориб, нарёғига ҳассасини чўзибди. Шундай қилиб, ҳассаси билан саёзроқ жойга тортиб чиқариб, ютган сувларини қусдириб, болакайни бир ўлимдан олиб қолибди. Шундан кейин уйга келиб дам олиб ётган экан, нариги кўчадаги Туримбой қассоб кўлида каттакон сигирнинг улкан бир сонини кўтариб келибди:

– Ҳали сувга чўкиб кетаётганида сиз қутқариб қолган бола менинг ўғлим эди, оқсоқол. Барака топинг, иймонингиз саломат бўлсин, мановини пишириб енг. Энди сўйиб турган эдим, нима бўлганини

эшитдим-у бу ёққа қараб югуравердим. Сигирнинг бир пайи ҳам сизники. Ҳали тайёр эмас эди. Тайёр бўлганида олиб келиб беришади...

– Йўғ-э, қўйинг, иним. Мен кўлимдан келган ишимни қилдим. Кўмакка муҳтож одамга ёрдам қўлини чўзиш мусулмончиликнинг қондаси-да.

– Гапингиз тўғрику-я, оқсоқол. Ўзи сиздек табаррук ёшдаги одамни бир меҳмон қиламан деган ниятда юрган эдим. Худонинг буюргани шунақа экан-да! – деб қўярда-қўймай ташлаб кетди. Олиб кетмагандан кейин ортидан улоқтирасанми? Турумбой оға кўп йиллардан бери қассоблик қилади. Ўзига тўқ яшайди. Шунинг учун ҳам берганининг бетига қарамадик. Агар жўжабирдек жоннинг ризқини қийиб олиб келиб ўтирган ночоргина хўжалик эгаси бўлганида умуман олмай, қолдириб кетганда ҳам, кейинчалик бизларга обортириб ташлатар эди отам.

Кечқурун чекига тушган пай ҳам келди. Бунинг устига салгина ўтиб уч-тўрт кўча нарида яшайдиган бир аёл келиб турибди, отам унутиб қолдирган тўрвани кўтариб.

Мана шунақа, бизнинг чолнинг жамики молдунёси ҳалолдан йиғилгани, ўзи ҳам ҳалол-инсофли, ризқ-насибаси бутун бўлгани учун ҳар бир ишининг охири бахайр бўлиб қолаверади, – дея мақтана кетди Марат.

– Тўғри айтасиз, иним. Чол-кампири бор уйнинг ризқ-насибаси бутун бўлади. Бу ризқни ҳеч ким қиёлмайди ҳам. Бекорга “Қариси бор уйнинг париси бор” демайдилар, – деди назоратчи милиционер. – Мана мен тириклигида ота-онамининг хизматини дурустроқ қилолмадим. Шунинг ҳиссасини чиқарай деб қабрлари устига ҳашаматлаб улкан гумбаз қурдирдим. Ҳар пайшанба бориб тураман. Уларнинг хотирасига чол-кампириларни уйимга чақириб, дастурхон ёзиб, хайр-эхсон қилиб, руҳи покларига дуои фотиҳа қилдириб тураман. Бироқ, барибир, кўнглим тўлмайди. Таскин топавермайман. Ўлгандан кейин туя берганингдан тиригида игна берганинг афзалроқ экан! Бунга ақлим кечроқ етди-да, оқсоқол, – деб кўзига ёш олди милиционер.

Тушлиқдан кейин Марат гилам билан шолчани олиб келди.





ЧИНОР ЯНГЛИҒ КЕКСАЙДИ ОТАМ

Эссе

Отамнинг йигитлик чоғлари ҳақида бирор нима айта олмайман. Лекин ақлимни таниганимдан буён эл ҳурмат қиладиган нуроний оқсоқолнинг панду насиҳатларини тинглаб улғайдим. Шотирўдликларнинг давраларига файз киритадиган, бир неча дostonларни ёд этиб, булбул янглиғ хониш қилиб ўқийдиган отам, насиб этса, яқинда юз билан юзлашади. Болалик пайтларим қишлоқнинг мўъжазгина чойхонасида бўлиб ўтадиган дoston-хонлик кечаларининг доимий қаҳрамонига айланиб келган бузрукворимиз бор-йўғи учинчи синфгача таҳсил олган эканлар. Китобларга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, илмга бўлган садоқат у кишини ҳисобсиз шеърларни ёд этишга ундаган бўлса ажабмас... Иккинчи жаҳон урушида икки кўзидан айрилиб қайтган ҳамқишлоғим Тоҳир Раҳмонов ҳам отам дoston ўқиганда мунгли сўз оҳангидан эриб, ёш болалар каби хўнг-хўнг йиғлаганининг кўп бора гувоҳи бўлганман. Сўзнинг қудрати, унинг салоҳияти болалигимдан мени ўзига маҳлиё айлаганди... Отамнинг бутун умри дашту далалар кучоғида кечди.

*Қирқ етти йил кетмон учидан,
Балчиқ тўкиб ишлаган отам.
Меҳнат билан бир бурда нонни,
Ҳалол топиб тишлаган отам.*

*Хонадонда бир одам иши,
Ўн тўрт бошга бўлинар эди.
Қозонимиз ойида бир бор,
Гоҳ икки бор гўшт кўрар эди...*

Бу менинг болалик пайтимда қилган қораламаларимдан. Отам тонг саҳарлаб кетмонини олиб далалар кучоғига ошиқарди. Биз болалар у кишининг келишини интиқлик билан кутардик. Отамнинг ботбот қиладиган шукроналари бизларни ҳам сабрли ва матонатли бўлиб яшашга ўргатди...

ШҶРО АММА

Шотирўдликлар ичидан отилиб чиққан илк раҳбар аёл Моҳитобон Қассобова бир кун уйимизга кириб келди. У аёл чорак аср қишлоқ советининг раиси лавозимида ишлаган. Қишлоқдагилар унинг ҳурматини жойига қўйиб Шўро амма дейишарди. Шўро амма давлат гўшт планини бажаролмагани учун оти бор кишилар давлатга гўшт топширишга мажбурлигини қайта-қайта уқтирарди. Ўша пайтлар уйимизда тоғларга чиқиш учун юкимизни енгил қиладиган бир жуфт эшак, “Баён” лақабли отимиз бор эди. Отдан айрилиб қолишдан қўрққан отам иложсизликдан бир шохли сигиримизни гўштга топширишга рози бўлди. Томорқамизга карам экиб, бутун бошли оила йил давомида меҳнат қилиб етиштирилган ҳосил пулига олган бир шохли серсут сигирнинг ортидан онамга қўшилиб, биз болалар ҳам йиғлаб қолганмиз. Кечкурун дастурхон атрофида отамнинг хўрсиниб айтган сўзлари ҳануз ёдимда:

– Ҳайвоннинг йиғлаганини биринчи марта кўришим. Сигирни машинага ортиб боряпмиз, жониворнинг кўз ёшлари тўхтовсиз оқяпти...

АХТАМҚУЛИ

1964 йилда Сурхондарё вилояти Сароисиё туманининг Шотирўд қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий универистети қошидаги Олий Адабиёт курсида таҳсил олган. “Бодомгинам”, “Қорачиқда асраганимсан”, “Баҳоримдан кечиккан гул”, “Қирқ ғазал” номли шеъррий тўпламлари ҳамда “Ибратли ҳаёт”, “Бахт излаган одам” номли биографик қиссалари ва “Тоғлар ҳам қарийди” китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Собиқ шўролар тузумида бири икки бўлмаган деҳқоннинг нафақага чиқиши ҳам кам-кўстсиз бўлмасди. Қирқ етти йиллик меҳнати эвазига қирқ етти сўму саксон тийин пул билан нафақага чиққан отамнинг тушкун кайфиятидан таъсирланиб, шеър ёзгандим:

*Кексаликнинг нафақаси кам,
Эллик сўмга етмасдан қолган.
Сабаб шуки, вақтида отам,
Кўп иш қилиб, кам маош олган.*

*Ғазабларга тўламан баъзан,
Юқорига ёзсамми дейман.
Хафа бўлиб дейдилар отам,
– Ким бойибди, нафақа билан...*

ОТАМ КЕЛТИРГАН КИТОБ

Ўша пайтлар туманда мулла Маҳманазарга тенг келадиган уста йўқ эди. Отам уйимизнинг эшик-ромларини устага ясатиш мақсадида бориб хушxabар билан келди. Мулланинг уйида зўр Қуръон кўрган эмиш. Отам гарчи у китобни ўқишни



билмасалар-да, ўша илоҳий битикка маҳлиё бўлиб қолибдилар.

– Китоб зарҳал ҳарфлар билан ёзилган, ўздан нур таратиб турарди. Муллага шуни менга сотинг десам, у киши мулойим жилмайиб, бу китобни харид қилишга қурбингиз етмайди, деб айтди. Сўнг тарихини суриштириб билсам, мулла китобни вақтида бир жуфт кўш ҳайдайдиган ҳўкизга алмаштириб олган экан. Ҳисоблаб кўрсам анча пул бўларкан...

Орадан кўп вақт ўтгач, отам мулла Маҳманазарнинг уйида кўрган ўша илоҳий битикка ўхшаш китобни бозорда бир китобфуруш чолнинг кўлида кўриб қолади. Пинҳона сотувга чиқарган чол китоб нархини икки юз сўм дейди. Отам уни бир амаллаб арзонлаштирган бўлади. Уйга келиб китоб нархини айтганларида онамнинг ранги докадек оқарди.

– Бир юз ўттиз сўм...

Бу қарийб бир йилга етадиган унимизнинг пули эди. Устига-устак илмий атеизм сабоқлари авжланган бир даврда “эски” китобни сотиб олишга ҳеч ким журъат қилолмасди...

Китобни ўқиш акам ва унинг ўғлига насиб қилди. Акамнинг ўғли Абдумўмин исломий илмга эга бўлиб айни кунда тумандаги “Эшони – Афанди” жомеъ масжидига имом хатиблик қияпти.

МЕНИНГ «АФАНДИ» КИТОБИМ

Эндигина мактабга қатнаётган пайтларим эди. Отам қаердандир “Насриддин Афанди” китобини олиб келди-ю тинчим йўқолди. Китобдаги рангли суратлар мени бутунлай ўзига маҳлиё этганди. Онам таъбири билан айтганда, Афандининг боғдан узум ўғирлаётган ҳолатини кузатишдан чарчамас эмишман. Китобларга жонини бахшида этган Чўпонқул тоғам ҳам бу китобни мендан ўқиш учун ололмаган экан. Афанди китобимни еру кўкка ишонмай кучоқлаб юрардим. Кунларнинг бирида уйдан китобим йўқолиб қолганда роса йиғлаганман. Кейин билсам, китобни онам менга билдирмайгина ўқиш учун тоғамга бериб юборган экан. Бориб тоғамнинг эшиги остида йиғлаб ўтирдим. Охири сеvimли китобимни қайтариб олдим...

БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

Қишлоқнинг биринчи ўқитувчиларидан Хуррам муаллим институтни битириб келган йиллар. Катта бир даврада раҳматлик Мавлон бобо, ёш ўқитувчининг отаси Юнус чолга қараб дейди:

– Юнус, ўғлинг ўқишни битириб келибди. Бизга бир дostonхонлик қилиб берсин...

Дoston ўқишнинг сир-асрорларидан беxabар муаллим кўлига китобни олиб довдираб қолади. У дostonни отам каби наволи қилиб ўқиёлмагани учун Мавлон бобонинг имтиҳонидан ўтолмай танбеҳ эшитади.

– Китобни Карим мерганнинг ўғлига бериб, дoston ўқишни ўргансанг бўларди.

Юнус чолнинг ранги оқариб даврани тарк этади. Ўғли чолларга дoston ўқиб беролмаганидан хижолат чекади...

Вақт олий ҳакам деганлари рост экан. Ҳаммаси ўтиб кетди. Отамнинг тинимсиз меҳнатлари вақти келиб ўз самарасини берди. Биз ўн икки фарзанд улғайиб, ўзимиздан кўпайдик. Хонадонимиз кўрғони бўлган отам бугун бизга бош-қош бўлиб юрибдилар. Яхшидан боғ қолади, деганларидек, у киши нафақага чиққач ҳам тинмай, Пирях тоғ этақларида беҳисоб боғлар барпо этишга эришди. Бугун у боғлар ўзининг сархил меваларини бераётир. Бир куни қишлоқда шеърятдан гап очилганда отам менга қараб:

– Болам, шоирларингдан зўри Абдулла Орипов, ёзувчилардан Ўткир Ҳошимов, тагин бир полвон келбат аёл шоира бор... ҳа-ҳа, Ҳалима Худойбердиева, унга тенг келадигани йўқ, десалар хайратдан ёқамни ушладим. Юртнинг чекка бир қишлоғида бор-йўғи учинчи синфгача таҳсил олган, қарийб бир асрни кўриб қўйган кекса китобхоннинг қалам аҳлига берган энг катта холис баҳоси шу эди...

Ҳар гал шеър ёзганимда «Болам, ҳали бунинг шеър эмас...» дея мени тергаб турувчи, Бобораҳим Машраб девонини машрабона ўқиганда юрак бағримизни тилка пора айлаб юборувчи, залворли сўз устаси отамнинг суҳбатидан баҳраманд бўлган Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид катта даврада:

– Ахтамқулнинг ўзидан ҳам отаси зўр шоир, – дея баҳо берганди. Гарчи отам ўзларининг адабиётга ихлоси баландлигини билсалар-да, “Мен шоҳ Машрабнинг ёниб куйлаган ғазалларига ошиқман”, – дейдилар.

Отамнинг ғазалларга ошиқлиги, у кишининг қонидан менинг ҳам қонимга кўчган бўлса, ажабмас.

*Ичи адо бўлиб қолган бир чинорман,
Тан тупроқдан ташқарида, демак борман,
Шоҳ Машрабнинг хуржунига харидорман,
Она, сизни бир соғиндим, Она сизни...*

ҚАРЗ

Ҳар гал Сурхондан Тошкентга йўл олсам, отам юрагида сақлаб юрган сўзларидан бирини менга айтиб, уни Абдулла Ориповга етказишимни тайинлаб кўяди.

– Майли ота, – дейман, аммо негадир бузрукворимнинг қарз сўзини Абдулла Ориповга айтишга журъатим етмайди. Келишимни интиқ кутган отамнинг Сурхондарёга боришим билан берган биринчи саволи шу бўлади:

– Болам, Абдулла Орифга менинг сўзимни етказдингми?!

– Йўқ, ота, айта олмадим... – дея хижолат чекаман.

Орадан йиллар ўтади. Сўровдан толмаган отам бир куни қишлоқдошлар даврасида:

– Ай, ношуд болам-а, ҳозир ҳам шу аҳволимда, таёғимни кўлимга олиб юқориласам, истаган даргоҳга кириб, сўзимни айтишга эришаман. Сен бўлса...

Танбеҳдан вужудим ловуллайди. Сўз мўлжалга аниқ тегади...

Тошкентга келаяпман-у, фикру хаёлимда фақат отамнинг “Ай, ношуд болам-а...” деган сўзлари бот-бот янграйверади. Бирдан юрагимнинг туб-тубидан қуйилиб келаётган ҳис-туйғулар тўфони шеърга айланади. Сўзларни жиловлашга куч тополмайман.

*Отам армон ёзар ҳар борганимда,
Бўйнимда қарз қилиб кўяр бир сўзни.
Дардига кўшилиб, дард қорганимда,
Тупроққа қадаيمان ногаҳон кўзни.*

– *Айтдингми?* – сўровни бошлайди ҳар гал,
Савол уйғотади қалбимда исён.

– *Наҳотки, бир сўзни сен шунча маҳал,
Айтишга улғурмай юрибсан, нодон!*

– *Ота, саволингиз бунчалар туғун,
Мен адо бўлганман сўзлар туфайли...*

– *Болам сен бир марта кириб мен учун,
Абдулла Орифга ёлворгин майли.*

*У ҳақни айтишдан қайтмаган шоир,
Ғамгин юрагимни англагай зора.
Тоғларни боғ қилиб кездим бир умр,
Бу кун чиқишимга топмайман чора...*

*Тошкентга ошиқиб келаман саҳар,
Дунёни бузгудек дилимда нолам.
Саволлар изимдан изиллаб келар:
“Абдулла Орифга айтдингми, болам!”*

*Дўрмон боғларида ёз кезар санғиб,
У ҳам ҳорикқанга ўхшайди чоғи.
Бошимга соябон тутуди қалқиб,
Шоирни бешафқат қаритган боғи.*

*Чинорлар бўй чўзар елкаси яғир,
Толлар кучоғини очади толга.
Ота, қарзингизни айтмоғим оғир,
Дарддан адо бўлган бу оқсоқолга...*

*Қуёш кўк тоқини куйдириб чиқар,
Мўлтираб қолади занглаган ҳилол,
Менинг сўзлашимни умидвор кутар,
Кўнглимга суюнчиқ бўлган икки чол...*

Ота, Сизнинг наздингизда умр бўйи қарздорлигимни пайқадим. Шеъримни Абдулла Орипов кўзларига ёш олиб эшитди. Сизга ўқиб бергандим.

– Болам, сени шунча қийнаб қўйганимни билмаган эканман, – дея йиғладингиз. Шеъримдан кўнглингиз таскин топди шекилли:

– Бу шеъринг анча таъсирли чиқибди, – деган сийлов олдим.

Сизнинг мана шу биргина сийловингизни эшитиш илинжида қирқ йилдирки тинчимни йўқотиб, ўз устимда ишлаётганимни билсангиз эди.

Ўша куни ўзимни қўярга жой топмадим. Ижодимда ўзгариш борлигини ҳис этдим. Сизнинг шеърингизга холис баҳо беришингизни билганим учун ҳам қувондим...

ОБОДЛИККА НИМА ЕТСИН

Бундан роппа-роса қирқтўрт йил бурун сиз қурган уй қишлоғимиздаги энг кўркам ва ҳашаматлиси эди. Биз, болачалар дўстларимизга уйимизнинг баландлигини айтиб мақтанардик. Ўшандай баланд уй ҳам вақти соати келгач чўкиб-кичрайиб қолганига гувоҳ бўлдим. Бир пайтлар укам Жаббор билан бирга уйнинг деворига кўйилган нарвондан чиқиб ўзимизча Пириях тоғ чўққисини кузатаётгандек бўлардик... Укам Ғофир уйни бузиб, ўрнига янги уй ростлашини айтганида, унга ачиниб:

– Ҳали бу уй яна сенинг юз йилингда етади, дегандингиз.

Истиқлол шарофати билан қишлоқларда қурилатган қат-қат бежирим уйлар укамнинг ҳам кучига куч қўшди. Негаки, Истиқлол тенгдоши бўлган ўғли Озод йигирма ёшга тўлган эди. Укам шаштидан қайтмай, уй қуришни бошлаб юборди. Уй кўнгилдагидек кўркам этиб қурилди. Унинг ишидан кўнглингни тўлгач:

– Ободликка нима етсин, – дея укамни алқашга тушдингиз. Укамнинг қурган уйини волидаи зорим кўролмаганларига куйиндим. Негаки, онамиз тириклик пайтларида бизларга нуқул пинҳона зорланиб:

– Шу Ғофир укаларингни эҳтиёт қилинглар, у ниҳоятда ориятли йигит, ҳамма нарсани ичига ютиб юради. Очлиқдан йиқилиб қолган чоғида ҳам бировга дардини айтмайди, – дер эдилар.

Ота-она фарзандини ўйлаб, ўзини унутиб яшаркан. Умр бўйи боши тандирдан чиқмаган онамнинг ҳолатини шеърга солиб:

Ой...

*Онам қувлаб адо бўлган нон,
Оқармади қисмат тандири.
Бизлар эса йўлдамиз ҳамон,
Бўйнимизда ҳаёт занжири...*

дея ёзгандим. Қисматнинг тандирини оқартиролмай сарсонун зор бўлиб ўтган онам ҳақида айтилмаган сўзларим бисёр. Уларни бир кун элга дастурхон этиб ёзиш ниятим бор...

Биз бугун бир эл бўлдик. Элки, эрки кўлида бўлган боши баланд эл. Барча учун тенг шарт-шароитлар яратилган давру замонларда яшайпмиз. Ҳар ким ўзи хоҳлагандек чиройли уйлар қурапти. Эл отасининг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” деган даъвати халқимизга дастурул амал бўлмоқда. Баъзан хотирамни мустабид тузумнинг тузсиз қарорлари қоралайди. Ўтмишни эслаб, юрагим увишади. Умри тракторчилик билан ўтган Ҳайдар бўла, хом ғишт билан уйини икки қават қилиб кўтаргани учун партиянинг ғазабига гирифтор бўлганди. Ўшанда суд жараёни кечаётган залда Ҳайдар бўла қирқ уч йил эгатлардан чиқмай давлатнинг хизматини қилганини айтиб зор-зор йиғлаган эди. Шунга қарамай у партия аъзолигидан ўчирилиб жиноий жавобгарликка тортилганди... Кўйинг, ўша кунларни эсламай...

Ота, мен сизни ернинг бағрини унсиз ёриб улғайган салобатли чинорга қиёслаймаман. Сиз назаримда, тоғлар билан бўйлашган юксак чинорсиз. Бу юксаклик Сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Бугун мен ҳам эллик ёшни қораладим. Атрофимда фарзандларим ҳамда ширинтой набираларим бор. Лекин бошимда чинордек юксак қўрғоним – отам борлиги учун ўзимни ҳануз қирчиллама ёш йигитлардек ҳис қиламан.

У кун укамга савол бердим.

– Биз бир ота-онадан бугун қанчага кўпайдик?

Укам ўйлаб қолди. Ўн иккита фарзанд. Етти ўғил, беш қиз. Етти келин, беш куёв. Эллик учта набира, йигирма бир эвара. Жами тўқсон саккиз кишига кўпайибмиз. Ота, биз сизнинг ҳали ўқиб тугатилмаган сирли достонингиз. У достон авлодлардан авлодларга етиб бориши тайин. Сизнинг ҳисобсиз ёд олган шеърларингиз бир кун дунё бўйлаб кенг қанот ёзгай... Мен ўшанда ҳам отам зўр шоир, дея фахрланиб юраман...

*Кўкси мағрур, шу баланд тоғлар билан тенгсиз, Ота,
Кўзларимга сиғмаган осмон каби кенгсиз, Ота.*

*Кўп югурдим, тунлари ой изларимни излагай,
Билмадим қайларда қолди, изларим менсиз, Ота.*

*Гоҳ баҳордан кечга қолдим, қиш мени ўйлатди кўп,
Учди қалдирғочларим, боғимда кўнгилисиз, Ота.*

*Тоғларим бағримга боссам, айқирар дарёларим,
Майсалар пойимда йиғлаб чиқдилар унсиз, Ота.*

*Онамиз кетгач, бу кўнгили мулкидан бўлдим жудо,
Телбавор кездим ғамим саҳросида ёлғиз, Ота.*

*Титраган шу қўлларингиздай дилим титраб кетар,
Тўлдириб бир кафт дуо, айланг-чи кўз ёшсиз, Ота.*





Мени чорлагайдир мангу тонглари

* * *

Қушлар куйлаганда руҳи шонимни,
Майсадай саловот айтган онимни,
Атиргул қафасин ёрган жонимни,
Ҳадя қилай десам кўнгилдошим йўқ.

Қуёш теграсидан чиқиб кетарга,
Дилсизлар ҳукмидан олис сафарга,
Мени мен истаган йўлимга, зорга
Элтиб борадиган чўнг бардошим йўқ.

Уч бор тақиллаб ўтдим ойнани,
Эшик, айвонларин кўринг дунёнинг.
Қайга шошилмоқда шунча сарсонни
Манзилдан бохабар гулу тоши йўқ.

Ўлан айтганида мезон барглари,
Мени йўқлармикан кўҳна дардларим.
О, менинг борлигим – дил кўкатлари,
Сизлар бўлмасангиз ёзу қишим йўқ.

Эртами ё кечми бир кун англари,
Мени чорлагайдир мангу тонглари.
Кечиринг, эй жигар – қадрдонларим,
Афсус, вафо қилар кўзу қошим йўқ,
Ҳадя қилай десам кўнгилдошим йўқ.



ШОИРГА

Ҳар дам
бир маромда тебраниб
олам чизиқлари руҳимдан ўтар.
Ногоҳ ўчиб қолди бир зиё, ёҳу,
Энди офтоб ўтар, бошимдан ўтар...

Кетдингиз,
сўз мулкин инжа гулларин
Мисраларга тизиб шодон кетдингиз.
“Она халқим, жоним Туркистон!” дея
Ёниб куйлаб, куйиб нолон кетдингиз.

Дил куяр,
Тутайди ўкинч, аламлар.
Сўз дорин остида кўринмас ҳеч ким.
Қани, қаердадир мардона гамлар,
Ва дадил сўрамас: “Рауф Парфи ким?”

“Фалакка санчилиб қолган сўзим бор”,
Деган жасоратни кўрдингиз қачон?
“Оҳ, шоир қисмати, Бир Сўзни излар”
Бир Сўзнинг ишқида жон берар шодон...

Йўлин тўсганларга қўлини берди,
Дилсиз “дўстлари”га дилини берди,

МУХТАСАР

1975 йилда Фарғона вилояти Учкўприк тумани Катта қўштепа қишлоғида туғилган.

1998 йилда Фарғона Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.

“Тавоф” номли шеърлар тўплами чоп этилган. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ёшлар” телерадиоканалида муҳаррир вазифасида ишлайди.

Кечирди панд берган барча ёмонни,
Бироқ, кечирмади элга ёлгонни!

Мангулик сафари ҳақ эди унга,
Ҳамон нолалари бағримни ўртар.
Ногоҳон бир юлдуз порлади тунда,
Қачон офтоб ўтар, жонимдан ўтар...

* * *

Кўнгли паришоним, яна келдингми?
Халқ қўшиғидан

Мен нега йиғларман сочларим ёйиб,
Олис йўллара термулиб, саргайиб,
Қайси ошиқ ўтган дийдора тўйиб,
Кўнгли паришоним, яна келдингми?

Сен нега кулгайсан куйган жонима,
Сарвигуллар соя солган ҳолима,
Бормадим-ку, ўзинг келдинг ёнима,
Ииқи йўқ забоним, яна келдингми...

Кўқон йўлларинда Тошкан тошлари,
Мени қайси йўлларига бошлади,
Бир бор суйиб жаҳаннамга ташлади,
Бўғзима бу жоним, яна келдингми...

Мен бир қушман, олис-олис кетарман,
Кетсам жонинг сўрмай олиб кетарман.
Ииқинг оташида ёниб битарман,
Қасдима олгоним, яна келдингми...

Эмди келмогинг на, кетмогинг надир,
Мен сени билмасман битмогинг надир,
Ўзда йўқ гавғони сотмогинг надир,
Тўлса-да паймоним, яна келдингми,
Кўнгли паришоним, яна келдингми...

* * *

Мен узоқ яшадим...
Шу бугун билдим,
Минг бир хил гавғони ошаганимни.
Раҳматли отамнинг чопони янглиз,
Ҳокисор дўстлардай сокин жилмайиб,
Ҳаёт кифтига қўл ташлаганимни.

Мен узоқ яшадим..
Қадамим санаб,



Қай кун ганимим ҳам адашиб кетган.
Кўзларимда қотган аччиқ ёшларим,
«Отасининг қизи» деган бобомнинг,
Нафасидан эриб шалола битган.

Мен узоқ яшадим,
Нега кам билдим,
Онам ёпган ноннинг тафти, қадрини.
Бугун тошларим бор кўксимда оғир,
Ҳар бурда нонимга қўшиб еяпман,
Дўстларим тутқазган дашномларини.

Мен узоқ яшадим,
Узоқни кўзлаб.
Тобора умримни ёндирди шафақ.
Толиқиши нимадир, енгилмоқ нима
Буни қайсар кўнглим билмади фақат.
...Ҳамон яшаяпман бешафқат!

СИЗГА...

Сизми...
қошим қаролигидан
ойдинларни соғиниб кутган.
Икки кўзим оралигида
зиё истаб зор бўлиб ўтган.

Сизми...
кўзим гавҳари каби
сирларимнинг шайдоси – гадо.
Сочларимдай товонимгача
етолмаган бир умр адо.

Сизми...
бурним чимдилаб ўтган
шаббодага малоллар қилган.
Икки лабим япрогидаги
новотми деб хаёллар қилган.

Сизми...
“Аросат” деб аталган
бекатлардан кетолмайдиган.
Изларимдан уч кунда келган
чумолини тутолмайдиган.

Тирноқларим гул барги мисол
Титроқлардан тўкилмайдирлар.
Сиз-шеър дейсиз, булар шубҳалар
Шубҳани ҳам ўқиғаймилар...



Ш. Раҳимова
Ш. Раҳимова
Ш. Раҳимова



ШАХНОЗА Раҳимова



ҲИҚМАТЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН СЎЗЛАР

Халқ тарих ва маданиятини, моддий ва маънавий бойликларини яратувчи буюк кучдир. Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий таҷриба тўплайди, шу таҷрибани турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Мақол ва ҳикматли сўзлар ана шундай бебаҳо меросимиз ҳисобланади. Тафаккурнинг бундай бебаҳо ва ноёб дурдоналарини халқимиз асрлар оша кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, сайқал бериб, турли замон ҳодисаларидан эсон-омон олиб ўтган.

Мақолларнинг ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятига улуғ адиб ЛевТолстой ҳам жуда катта баҳо бериб: “Ҳар бир мақолда шу мақолни яратган халқнинг сиймоси кўринади”, дея эътироф этган. Дарҳақиқат, мақолларда ота-боболаримиз босиб ўтган йўлни, турмуш тарзини, шодлик ва ғуссаларини, аждодларимиз урф-одатларини, анъаналарини кўраимиз ва ҳис этамиз. Қолаверса, мақолларда халқнинг қомусий билими, тегран нигоҳи ўз ифодасини топган. “Ҳолва деган билан оғиз чучимас”, “Лойсиз сув, қурбақасиз кўл бўлмас”, “Қаламнинг ишини қилич қилолмас”, “Жаҳл – душман, ақл – дўст”, “Игна ўтган жойдан ип ҳам ўтар”, “Девона ҳам хуржунини бир марта йўқотади”, “Юввош отнинг тепкиси қаттиқ”, “Сумбуланинг суви тиниқ, ўзи совуқ” каби лўнда, ўйноқи мақолларда бус-бутун китобларга етадиган, олам-олам маъно, фикр ва туйғу жо бўлган. Ҳар бири бамисли бадиий асардир. Ана шу бой ижод дурдоналарининг ҳар бир сатрида минг бир ҳикмат муржассам. Замондош тадқиқотчилардан Ш.Шомаҳсудов, Ш.Шораҳмедовлар ўзларининг “Нега шундай деймиз?” рисоласида ҳам халқ мақол ва маталларининг келиб чиқиш тарихига батафсил тўхталишган. Масалан, “Кўрган кунинг унутма, кўн чориғинг қуритма” халқ мақолини олиб кўрайлик. Ривоят қилишларича, Аёз исмли киши хон вазири даражасига кўтарилди. Олий мартабада ўзидан кетиб қолмаслиги ва ҳаддидан ошмаслиги, илгари кўрган азобли кунларини унутмаслиги учун у эски кўн чориғини кўзи тушиб турадиган жойга – саройнинг тепасига осиб қўйган экан. Ҳар гал

чориғини кўрган пайт ўзига-ўзи “Кўрган кунинг унутма, кўн чориғинг қуритма”, деб танбеҳ бериб қўяркан. Бу мақол ана шу афсона билан боғлиқ. Ўтмишда кундан (хом теридан) тикилган чориғ вақти-вақти билан намлаб турилган. Шундан келиб чиқиб, “Кўн чориғинг қуритма” дейилган.

“Айтилган сўз – отилган ўқ” халқ мақолининг ҳам маъноси кенг. Бунда жамоа орасида бирор гапни айтишдан аввал уни обдон ўйлаб, атрофлича мулоҳаза қилиб олиш зарурлиги уқтирилган. Чунки кишининг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни хоҳ яхшию, хоҳ ёмон, хоҳ ўринли-ю, хоҳ ўринсиз бўлсин, асло қайтариб бўлмайди.

“Елка яғири – отга, ота яғири ўғилга мерос” халқ мақолига ҳам эътибор берайлик. Отнинг елкасидан бошқа ерида яраси бўлса, уни даволаб, тез тузатиш мумкин. Аммо елкада, олд оёқлар устида, яғири бўлса, ўла-ўлгунча тузалмайди, даволаб бўлмайди ҳам. Чунки жонивор елкаси умуртқа бўғинларининг бирлашган жойи бўлиб, от ҳар оёқ кўтариб ташлаганда қимирлаб, битай деб келаётган яра яна очилиб, баттар бўлаверади. Бу – отларга хос мерос яғирдир. Мақолда ота яғири дейилганда отанинг ўз ўлимига қадар улгуролмаган қарзи назарда тутилган. Халқимизнинг удумларидан бири шуки, марҳум ота дафн этиб бўлингач, маҳалла оқсоқолларидан бири мазор тепасида, дафн этиш маросимида келган барча кишилар иштирокида марҳумнинг ўғлига мурожат қилиб: “Мабодо отангининг бировдан қарзлари бўлсаю, васият қилолмай вафот этган бўлсалар, шу қарзнинг эгаси келиб бирор ҳужжат кўрсатса ёхуд икки гувоҳ билан исботласа, сиз қарзни тўлайсизми?” деб сўрайди.

Одатда ўғил “Тўлайман” деб жавоб беради. Шунда оқсоқол: “Мана, отангининг юки енгиллашиб, пок бўлиб кетдилар” дейди. Шундай қилиб, отанинг қарзи ўғилнинг гарданига тушади. Яъни ота яғири ўғилга мерос бўлади.

Мақоллар замонлар оша тобора сайқалланади, жумлалари пишиқлашади, мазмуни теранлашади, шакли ихчамлашади. Баъзи ҳолларда эса, бунинг аксича,

ШАХНОЗА Раҳимова

1988 йилда Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилган. Андижон давлат университети магистранти. Илмий тадқиқотчи.

эшитувчи ва қайта талаффуз этувчиларнинг муайян мақолда айтилмоқчи бўлган маънони тушунмаслиги ёхуд эшитганини эслай олмай ўзича қўшиб-чатиб айтиши, ёнки маълум бир фикрни исботламоқ, маълум бир ҳолни ифодаламоқ учун эшитган мақоли таркибидаги айрим сўзлар ўрнига атайин бошқа сўзлар ишлатиб, асл маъноси ва мазмунини бошқа томонга буриб айтиши оқибатида кўпгина мақоллар кейинги авлодлар орасида аслига нисбатан нотўғри, мантиққа зид тарзда қўлланадиган бўлиб қолган. Бу ҳолни ҳозир ҳам халқимиз орасида қўлланаётган ва ёзма адабиётда, кинофильмлар ва театр томошаларида, матбуот, радио, телевидениеда ишлатилаётган, ҳатто ҳикмат дурдоналарининг айрим тўпламларига киритилган бир қанча мақолларда ҳам кўриш мумкин. Масалан: айрим асарлар ва мақоллар тўпламларида "Ҳайт" деган – туяга мадад" мақолини "Ҳой" деган туяга мадад: "Чу" деган ҳам туяга мадад", "Ҳа-ҳа" деган туяга мадад" тарзида, "Эрни номус ўлдирар, қуённи қамиш ўлдирар" мақолини

"Эрни номус ўлдирар, қуённи қамчи ўлдирар" тарзида: "Арзимаиди ғалласи, куйдиради ширдонаси" мақолини "Арзимаиди ғалваси, куйдиради шавласи" тарзида, "Ёв қочса ботир кўпаяр" мақолини "Ёв қочса душман кўпаяр" тарзида учратамиз ва ҳоказолар. Бу каби мақолларнинг қайси варианты тўғри-ю, қайси бири нотўғри эканлигига халқ мақолларининг маъноси ҳақидаги китоблардан тўғри жавоб олишингиз мумкин.

Мақолларнинг ўтган асрларда, турли вилоятларда ва туманларда ҳамда туркий халқларда мавжуд бўлган вариантларни бир-бирига чоғиштириб, текстологик ўрганиб, энг тўғри вариантини топиш айниқса, муҳимдир.

Мақоллар маъзига уларни яратган халқнинг асрий ҳаёти, дунёқараши ва урф-одатлари сингиб кетган. Модомики шундай экан, мақолларнинг тарихий илдизларини аниқлаш, уларнинг ғоявий мазмунини ечиб бериш кўп изланишларни, узоқ йиллар мобайнида сабр-тоқат билан иш олиб боришни тақозо этади.



Биринги ўрашув

Биринги ўрашув
Биринги ўрашув

Дилмурод ДҮСТ

Ўзингизни тиниқ кўзгуга солинг



* * *

Пашиага ҳаётда яшамоқ қийин,
Ўтхўрмас, гўштхўрмас, қонхўр ҳашорат.
Чақмаса очликдан, чақса инсоннинг
Зарбидан ўлиши аниқ башорат.

Баъзи инсонларнинг умрига боқсанг,
Пашианинг қисматин эслатар гоҳ-гоҳ.
Қаноат топталиб нафсага эргашиб,
Ажалнинг зарбидан йиқилган ногоҳ.

* * *

Ҳали ҳеч ким етмай, етолмаган ҳам,
Осмонни напсан деб айбга буюрманг.
– Бошим тегиб қолди Осмонга! Уни
Баландроқ кўтар – деб, Ғайбга буюрманг.

Сиз боққан кўзгулар сал ҳира экан,
Ўзингизни тиниқ кўзгуга солинг.
Ҳа, яна ягона ўтинчим сиздан,
Шифт билан Осмонни ажратиб олинг!

Дилмурод ДҮСТ

1989 йилда Жиззах вилоятининг Зомин туманида таваллуд топган. Айти пайтда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси.



Яна изларимга тушгай изларинг

ШУНДАЙ БЎЛГУСИ

О, тенгги йўқ аёл, сени дафъатан
Ташлаб кетишсалар дўсти чин, ночин,
Узоқ-узоқлардан қошингга елгум,
Ғаму ҳасратингни қондирмоқ учун,
Хизматинг қарздори ҳам ихлосмандинг.

Севгидан нур сочдинг ўз асримизда,
Сендан фидойиси йўқдир аслида.
Ғамгинманми ёхуд қувноқ пайтимда,
Кўпроқ тушунгансан мени ўзгадан,
Кўргузиб илтифот, бериб маслаҳат.

Мабодо бошидан бошланса умрим,
Яна изларимга тушгай изларинг.
Менинг тақдиримда сен нури пирым,
Ҳа! Шундай бўлгуси, токи тирикман.

ЭЗГУЛИК ДЕБОН

Не-не бедовларни уюрдан ушлаб,
Эгар бостирдим.
Сўнгра узангига оёғим тираб,
Она сарҳад узра от солиб елдим,
Лек моҳир чавандоз бўла олмадим.

Битдим, кўп минг сатр Кавказда фақат,
Ўзим мадҳ айлаган ўшал маъвода.
Ҳақиқий шоир-ку пайгамбар сифат,
Замон сўйлагуси, шоирмидим мен!

Тоғли эрлар билган, аёллар борин,
Оғуши жон олар ойдин кечада.
Бирор бир шундайин учратмадим-да,
Севги сеҳрин айтмоқ менга йўл бўлсин!



Бир вақтлар жасорат санардим ўзга
Ўйноқи сатрлар битмоқни ҳар кун.
Садо бермоғи-чун қоялар ичра,
Гўёки кўпириб пишқирган оқин.

Энди-чи, эҳтимол эзгулик дебон,
Яширмай замондин ўз матонатим.
Кўпинча қўлимга қалам олмайман,
Аслича қолдириб қозғоз варагин.

ШЕЪРЛАРДА ЧИЗДИМ

Севги қийногидан диққатим ошиб,
Берган азобидан руҳим тутақиб,
Денгиз бўйидаги қумга талъатинг
Чиздим айро тушган гўдак сингари.

Аксинг мудом пайдо туюлур менга,
Кўкнинг кўшикида-ю, парчин қояда.
Музлаган вагоннинг тор ойнасида,
Ўткир кескич ўйиб зарблаган йўлда.

Табаррук шеърларнинг хомакисидай,
Бунга таҳрир қилиш мен учун осон.
Бошлангич сатримга бўлиб ҳамоҳанг,
Чехранг пайдо бўлди унга ёнма-ён.

Хаёлан нигоҳ-ла бўйи-бастингни,
Жами қадаҳларга тасвирин солдим.
Сўнгида жанговар кумуши дастага
Кескич-ла ўйдиму, нақшини олдим.

Сиполик сарҳадин илмай назарга,
Сени минглаб аёл қиёфасида,
Шеърда чиздим, аммо кўнглим тўлмади,
Гарчи умр бўлди шунга бахшида.

Эгамберди МУСТАФОЕВ таржимаси



КУТИШ

Ҳикоя



Мактубларингизнинг бирида тез орада келишингизни ёзгандингиз!

Бугун...

Баҳорнинг мен кутган энг мусаффо лаҳзалари, эрта-лабдан кўнглимнинг қувончга тўлганига кўзларим чидай олмади. Беихтиёр шодлик ёшлари сизиб чиқди.

– Шукр! Менинг ҳам севинчдан йиғлайдиган куним бор экан-ку, – дейман ўзимга-ўзим, аламазда, ёлғизликда ўтган кунларимни эслаб.

Табассумимни анча вақтдан буён кўрмаган кўзгуга кулиб боқиб, ўзимга оро бера бошлайман. Кийим жавонимдаги янги тикилган пушти ранг баҳорий либосимни кийиб, ўзимни худди маликалардек ҳис қиламан.

Хиёбон...

Охирги марта бу ерга дарахтлар оппоқ қорга бурканган вақти келган эдим. Ўшанда ҳам тўйиб-тўйиб йиғлаб олгандим. Кўзларимдан сизиб чиққан иссиқ ёш томчилари қор бағрига сингиб кетган эди. Уйга етиб борганимча юзим гўё музлаб қолгандек туюлган эди. Ўша дамларда мен жудаям овунчга, таскинга муҳтож эдим.

Кун пешинга қараб оғмоқда. Оёқларим ўзимга бўйсунмай югуришни хоҳларди. Юрагим энтиқиш ва ҳаяжон билан вокзал томон ошиқарди. Мана, поезд келишига ҳам йигирма дақиқа қолди. Яқин лаҳзаларда сиз аскар либосида қошимга келасиз. Қизиқ, сизни у ердаги янги ҳаёт қандай ўзгартирган экан-а? Эшитишимча, ҳарбий бошлиқлар тартиб-интизомга жуда қаттиқ туришар эмиш. Ишқилиб, сизни қийнаб қўйишмаганмикин? Э-э-э... Менга нима, қийналсангиз, қийналибсиз-да! Ҳартугул, ақлингиз кириб қолади.

Поезд ҳам кечикяпти, сиз ҳам. Ҳар гал сиз мени хиёбонда интиқлик билан кутардингиз. Мен эса атайлаб куттирдим.

– Узр, ишим чиқиб қолди, – дердим гўёки бепарво.

Орзиқиб, сизни кўриш учун борардим-у, лекин ҳеч ҳам ичимда бўлаётган ғалаённи билдирмасдим.

Мана, энди мен сизни кутаяпман. Ўшанда, билиб-билмай, дилозорлик қилганимдан пушаймонман. Кутиш ёмон азоб экан! Буни бир йил давомида сиздан мактуб келишини ва ўзингизнинг тезроқ қайтишингизни орзиқиб кутиб, англадим.

Ёнгинамдаги ўриндикда ҳам бир қиз менга ўхшаб кимнидир кутяпти. Қўлида гуллар. Ҳаяжонланганидан,

тоқатсизланганидан ўтирган жойида у ён-бу ён бир маромда тебранади.

Вой, гуллар... Гуллар ёдимдан кўтарилибди-ку! Ўзи поезд кечикаётган бўлса, мен ҳам кечикаманми? Йўқ, қандай бўлмасин, сизни ўзим, ўзим кутиб олишим керак! Лекин қандай қилиб... қуруқ қўл билан-а...

Жойимдан шахд билан туриб, вокзалдан чиқиб кетаман. Шу пайт поезд келаётгани ҳақидаги хабар эшитилади. Энди нима қилдим, ҳеч бўлмаса, гул олишим керак эди-ку!

Вой, анави ерда гул дўкони бор экан! Дарров бориб, бир даста ўзим ёқтирган мойчечак гулларини оламан.

И-я, хувв улар ким бўлди? Вокзал эшигидан чиқиб кетаётган ҳарбий кийимдаги йигит... Сизмисиз? Наҳотки сиз қайтдингиз?! Мундирингиз сизга жудаям, жудаям ярашибди. Аввалгидан ҳам ўктам, барно йигитга айланибсиз. Шу тобда сизга меҳрим, муҳаббатим тобора ортиб борарди.

Бўлди! Бугун, ҳозироқ сизнинг ёнингизга бораман-у, дилимдаги барча гапларимни, қанчалик соғинганимни айтаман. Сизни ортиқ қийнамайман, деб сўз бераман.

Сиз атрофга умид билан боқиб, кимнидир излаясиз. Ёнингизга энди шахдам қадамлар билан тезроқ боришга ошиқаман. Орамизда атиги ўн-ўн беш қадам масофа. Сиз мени кўрмаясиз.

Шу пайт машинада оингиз ва дадангиз келиб қолишди. Улар билан хурсанд бўлиб кўришмоқдасиз. Мен... мен энди нима қилдим?! Қайтиб кетсаммикан?! Бошқа сафар учрашармиз...

Онангизни қучоғингизга олаётганингизда беихтиёр нигоҳингиз менга тушди. Мен эса... Нима қилишимни билмай, умид ва соғинч билан кўзларимни ерга тикдим.

Юрагим ҳаққириб, бутун вужудим ҳаяжондан титраб эди.

– Яна кечикдинг-а, – дедингиз афсуслангансимон бош чайқаб.

– Узр, ишим чиқиб қолди, кечиринг. Ҳаммаси учун кечиринг.

Мен қўлимдаги гулдастани оҳиста узатдим.

Сиз менга кечиримли ва меҳр-муҳаббатга тўла нигоҳ билан боқиб турардингиз.

Ирода МУҲИДДИНОВА

1994 йилда Жиззах шаҳрида таваллуд топган. «Маъсудлик», «Нурли манзил» номли китоблари чоп этилган.



Дилдора ЯЛГАШЕВА



ДОСТОН МОҲИЯТИГА НАЗАР

Алишер Навоий инсон ҳаётининг гўзал ва мазмундор бўлмоғини тилар эди. У ҳар доим кишиларга ҳаётни қандай кечирмоқ тўғрисида панди ўғитлар берар, уларнинг кўнглини кўтармоққа, уларда ҳаётни улуғлаш ва қадрлаш туйғуларини тарбиялашга интилар, турли иллатлардан қутулмоққа чақирарди. Шу билан биргаликда, инсоний хислатларни улуғлаб, бу хусусиятлар барчада бўлишини истар эди. “Ҳайрат ул-аброр”нинг ўнинчи мақолати ростлик таърифи ва эгриликни рад этиш ҳақида бўлиб, унда инсонга зийнат бағишловчи ростлик кўкларга кўтарилган, эгрилик эса қораланган.

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг ижтимоий моҳияти, ўз даври руҳи, тарихий шароити, сиёсий-иқтисодий воқеа-ҳодисалари билан мустаҳкам алоқаси, етук Инсон ва одамийлик ҳақидаги қарашлари қиёслашнинг турли шакллари орқали юзага чиқади. Бу қиёслашнинг моҳиятида “яхши” ва “ёмон”, “одил” ва “золим”, “муносиб эл” ва “номуносиб эл” ғоялари ётади. Ушбу ғоялар таркиби турли воситалар орқали амалга оширилади.

Инсонни комиллик сари етакловчи тўғрилиқ, ростлик каби хислатлар, уни тубанликнинг энг қаърига олиб борувчи ёлғончилик, риё каби иллатлар достонда шунчаки хронологик таҳлил сифатида кўрсатилмаган. Инсонга хос тўғрилиқ ва эгрилик хусусиятларини борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини қиёслаш орқали тасвирлашга ҳаракат қилади. Шам тўғри бўлгани учун гарчи куйиб тамом бўлса-да, бошдан оёқ нурга айланади.

*Шамки, тузлук била масрур эрур,
Гарчи куяр боштин-аёқ нур эрур.*

Яшин ҳам ёруғликдан иборат, лекин у эгриликни одат қилган, шунинг учун ҳамма ёқни ёритса-да, ернинг остига киради.

*Барққи эгрилик ўлубтур хўйи,
Гарчи ёрур, лек борур ери қуйи.*

Шам ва яшин деталларида вазифа бир хил, аммо моҳият ҳар хил. Мақсад сари олиб борувчи йўллар турлича: бири тўғрилиқни одат қилган ва пок нурга айланган, иккинчиси эса эгриликни касб қилган ва охир-оқибат, гарчи ёруғликдан иборат бўлса-да, ер қаърига кирди. Бу каби далилли сифатлашлар мақолатнинг катта қисмини ташкил қилади. Шам тўғри бўлгани учун нафақат нурга айланади, балки базмнинг шоҳидига ҳам айланади. Парвона эгри учгани учун охир-оқибат қанотлари куяди.

*Шам бўйи туз келиб айвон аро,
Шоҳиди базм ўлди шабистон аро.
Эгри учуш бирла чу кўп айланиб,
Қайдаки парвона бориб ўртаниб.*

Достонда тўғрилиқнинг кароматини, эгриликнинг касофатини кўрсатиш учун турли хил бадиий воситалардан, турли хил бадиий санъатлардан унумли фойдаланилган. Ташбих, сифатлаш, таносуб, ўхшатиш санъатларининг ёрқин намуналари учрайди.

Шоир дўсти Ҳусайн Байқарони замон Сулаймони деб атади. Ва унинг улуғворлигини кўрсатувчи белгиларини санайди.

Дилдора ЯЛГАШЕВА

1988 йилда Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети магистранти. Илмий тадқиқотчи.

*Борғаҳи торами ахзар киби,
Хайли бу торам аро ахтар киби.*

Саройнинг гумбази осмон гумбазига ўхшаш бўлиб, саройдаги унга қарашли одамлар гўё юлдузлар кабидир.

Байтда ташбиҳ санъатига оид унсурлар учрайди. Бу санъатнинг қоидасига кўра нарса, белги ва ҳаракат кабилар бошқасига ўхшатиш, қиёслаш орқали тасвирланади. Ташбиҳнинг юзага келишида тўрт унсур иштирок этиши мумкин:

Ўхшамиш – тасвирда фикр қаратилган нарса ёки тушунча. (Ахзар – осмон гумбази), (хайли);

Ўхшатилиш – тасвирда қиёсланаётган нарса ёки тушунча. (борғаҳи торами – сарой гумбази);

Асос – нимага кўра ўхшатишнинг юзага чиққанлиги. (Асос иштирок этмаган, лекин улуғворликда деган яширин маъно бор);

Восита – ўхшатиш белгиси(киби).

*Бўлди чу мистар хатиға туз рақам,
Бошини олмас рақамидин қалам.*

Мистарнинг чизиғига ёзув тўғри келабергач, қалам бошини кўтармасдан ёзгани ёзган. Ушбу байтда эса мистар(чизгич), ёзув, қалам сўзларини қўллаш орқали таносуб санъати ҳосил қилинган.

Мақолатнинг кўп ўрнида тазод санъати намуналари ҳам учрайди. Фалсафий билимларда ҳам қарама-қаршиликлар тўғри фикрни келтириб чиқаради деган қонун бор.

*Ростқалам халқ эрурлар салим,
Эгридурур хатки, эмас мустақим.*

Ушбу байтда “ростқалам” ва “эгри хат” ҳамда “салим” ва “мустақим эмас” сўзлари орқали тазод ҳосил қилинган. Хатни тўғри ёзадиган кишилар соғлом “салим” дирлар. Бу ўринда маънавий соғломлик назарда тутилган. Агар хат эгри ёзилган бўлса, демек ёзган одам ҳам тўғри эмас. Салим ва тўғри эмас сўзлари орқали маънавий тазод ҳосил қилинган.

*Ростдур ул ким, назари тўғридир,
Ким илиги эгридир, ул ўғридир.*

Байтда “назари тўғри” ва “илиги эгри” ҳамда “рост” ва “ўғри” сўзларини қаршилантериш орқали тўғрилиқнинг, ҳалолликнинг яна бир сифатини очиб беради. Халқимизда “қўли эгри” деган ибора бор. Шоир ушбу иборани тўғри қараш билан қаршилантирмоқда. “Рост” (ҳақ) ва “ўғри” сўзларини қаршилантериш орқали эса, назари тўғри инсоннинг ҳақ эканлигини, қўли эгрилик ортида ўғрилиқ каби ёмон иллат мавжудлигини таъкидлайди.

Шоирнинг фикрича, барча ёмон иллатлар фақатгина эгрилик, ёлғон, риё оқибатида юзага келади ва у инсонни тубанлик ботқоғига ботиради. Ростлик, тўғри сўз, тўғри амал, тўғри назар, тўғри фикр ва шу каби хусусиятлар инсонни “салим” қилади. Шу билан биргаликда, Навоийнинг азалий орзуси, идеали бўлган Комил Инсон образини яратади.





Назми Назми
Назми Назми Назми
Назми



Муҳаммад МАЛИК



Қайтиб келсанг эди менинг ёшлигим

СОҒИНЧ

Қайтиб келсанг эди менинг ёшлигим,
Муҳаббат ўтида қайта ёнардим.
Сенинг боғларингдан гул узиб масрур,
Дайди шамолларга сўйлардим дардим.

Қайтиб келсанг эди менинг ёшлигим,
Беғубор кунларим, оппоқ тонларим.
Йиллар панасида қолган болалик,
Билмам, қай бекатда сени йўқотдим.

Қайтиб келсанг эди менинг ёшлигим,
Олис юлдузларга айланган бахтим.
Йиллар тўфонида сен қайга кетдинг,
Сени бу умримдан юлиб олган ким?

Қайтиб келсанг эди менинг ёшлигим,
Сенинг боғларингдан куйлаб ўтардим.
Жамолнинг шайдоси бўлиб бир умр,
Шаънингга туганмас шеърлар битардим.

Қайтиб келсанг эди менинг ёшлигим...

ҲАМНАФАС БЎЛ

Инсон умри дарё каби оқиб ўтар – бирнафас,
Бу дунёнинг эшигини қоқиб ўтар – бирнафас.
Агар тўлса паймона, кутиб турмас огоҳ бўл,
Кел муҳаббат, кетма менадан, ҳамнафас бўл бирнафас.

Сарвинозим кел ёнима, ҳижронлар қолсин абас,
Ишиқинг бўлса агар сароб, дунё менга бир қафас.

Кел кўксингга бошим қўйиб, берай жон, қилгил ҳавас,
Кел муҳаббат, кетма менадан, ҳамнафас бўл бирнафас.

Кўзларимни қамаштирар эгнингда қизил атлас,
Бир қараида ақлим олган қирмизи лабинг гилос,
Киприкларинг найзамисол, жон олур кўзинг чарос,
Кел муҳаббат, кетма менадан, ҳамнафас бўл бирнафас.

Ишиқимизнинг саҳросида ташна қалб сенга гадо,
Ўт қалаб ёқдинг танимни, бу умр бўлди адо,
Кабоб бўлган бағримдан келар бир мунгли садо:
Кел муҳаббат, кетма менадан, ҳамнафас бўл бирнафас.

ОНАМГА

Бу оламда тенги йўқ зотсан,
Сен биландир олам нурафшон.
Токи сенинг сиймоинг дилда,
Қалбим тоғдек, кўксимдир осмон.

Бу умрингга кўзмунчоқ бўлай,
Мадҳинг куйлай токи танда жон.
Йўлларингда бўлай шамчироқ,
Фақат кетма биздан, онажон.

Ўзинг бердинг англамоқ бахтин,
Ўғитларинг қалбимда ҳар дам.
Сендан топдим ватан қадрини,
Сенинг билан мукамал олам.

Бугун яна кўзларимда ёш,
Сени эслаб қалбимда ҳижрон.
То тирикман сенинг сиймоинг,
Кўзларимда яшар онажон!



Муҳаммад МАЛИК

1937 йилда Самарқанд вилоятининг Пастарғом туманида туғилган. Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ҳозирда Тошкент Молия институти қошидаги Молия академик лицейи ўқитувчиси. Физика – математика фанлари номзоди.



Сиз тўзгийсиз булутлар мисол

БОБОМ ҲАҚИДА

Момомнинг айтиши бўйича бобом –
Эсини еб қўйган чол эди.
Дадамнинг айтиши бўйича бобом –
Саводию илми ўрта ҳол эди.

Бобом асо тутди қариган палла,
Асони кўраман ёд қилган сари.
Кўпларга оддий чол, аммо “Буюк” деб,
Аташар бобомни огайнилари...



Ниҳол экар эди бобом муттасил,
Улугвор кўрарди қишлоқ – замонни.
Замин ниҳолларга куч берди, фақат
Қучоғига олди шўрлик бобомни.

Ялангоёқ чопсам тупроқ кўчада,
Қоқилсам, йиқилсам ҳечи қиси йўқ.
Момом койир эди: “Эсин еб қўйган
Бобойнинг боласисан-да, эси йўқ”.

Ҳаммаси яхши-ку, дадам баъзида,
Оқшомлари кўзин юммай ухлайди.
Момом ҳам тунлари назаримда,
Эси йўқ чolini эслаб йиғлайди.

Бобомни қайириши истади кимлар,
Сира қуламади ирода қасри.
Мен бугун бобомга қиламан ҳавас,
Эси йўқлар буюк бўларкан асли.



СИЗ...

Сиз тўзгийсиз булутлар мисол,
Мен ҳаводек ютаман сизни.
Менинг бўлиш келади малол,
Минг қийноққа соласиз ўзни.

Ва охири ён берасиз, ён,
Такрорланар эски бир удум.
“Қаранг, севиш нақадар осон”,
Шивирлайсиз: “Менинг севгилим.

“Ишонмайман,
Синовларим бор,
Алдасангиз қайга қочаман”.
“Ахир, қандай ишонтирайин,
Сизни алдаб нима топаман”.

Ой осмонда, лекин яримта,
Кўнглимдаги орзуга ўхшаши.
Мен ва ойни Худо яратган,
Нега керак Худони синаши?

ҲУКМ

Севгимни осиига айладим ҳукм,
Аммо кўз ўнгимдан нари кетмади.
Уни дорга тортсам ўламан ўзим,
Ўзимни осиига журъат етмади.

Шавкат ОДИЛЖОН

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети-
нинг Журналистика факультетини тамомлаган. Ҳозирда “Ўзбекистон темир йўллари” Дав-
лат акциядорлик темир йўл компаниясининг “Ахборот хизмати”да фаолият юритиб келмоқда.



Нафиса АҲМЕДОВА



САНЪАТДА КЎНГИЛ ИНЪИКОСИ

Тангри таоло бандасига жисм, онг, руҳ ато этиб, уларни инсон манфаатига хизмат қилдирган. Худди шу уч бирликнинг камолоти шахс камолотидан дарак беради. Яна бир улуғ неъмат борки, у фақат одамзодгагина берилган. Бу кўнгилдир. Кўнгил жуда ҳам нозик, шодлик ё изтиробга тез берилувчандир.

Санъат тарихига назар ташласак, кўпгина ижодкорлар кўнгилни куш рамзида ифодалаганига гувоҳ бўламиз. Инчинун, Шарқ фалсафасида у қанот ёзган кушга ўхшатилади. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам кўнгил ҳақида куйидаги теран сатрларни битган:

*Эрмас эди анда ғарз ҳеч гул,
Ғайри кўнгил ким, ғараз эрди кўнгил,
Буки кўнгил дерсен, эрур бу – юрак
Исми кўнгил бирла анга муштарак.*

Улуғ аллома Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шахри” рисоласида кўнгил фалсафаси ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади: “Ҳар бир шахс бахт – саодатга элтувчи фаолият билан қанча узокроқ ва аввалгидан янада яхшироқ шуғулланаверса, унинг кўнгли ва руҳий ҳолати ҳам шунга мувофиқ комилроқ, фозилроқ бўлиб боради. Гўё тиришқоқ хаттот ҳусниҳат билан узлуксиз шуғулланаверганидан битиклари тобора гўзаллашиб, бундан тобора ўзининг ҳам ҳис-ҳаяжони ошиб бораверганидек, камолот орқали бахт-саодат топишга интилувчи зот ҳам қалби тобора покланиб, яхшилиқлар қилганига ўзининг ҳам кўнгли ўсиб, завқи-шавқи тошиб бораверади”.

Ҳа, инсоннинг сезгиси, идроки, тасавури ташқи дунёни бадиий образлар шаклида англашга мойил бўлади. Бу ҳаёт воқеийлигини нафосатли англаш деб ҳам аталади. Бу ўринда санъатнинг аҳамияти бекиёсдир. Зеро, инсон кўнгли борлиги учун ҳам санъат мавжуддир! Санъат ўзида киши кўнглини акс этти-

ради, киши дидини, туйғуларини тарбиялайди. Мутахассислар сўз санъати, рассомчилик, театр-томоша санъати ҳақида сўз юритишганда бу ҳақиқатни кўп бор таъкидлашган. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб кўшиқчилик, театр санъатининг баъзи бир жиҳатларига тўхталиб ўтсам. Масалан, истеъдодли кинорежиссиёр Йўлдош Аъзамов экранга олиб чиққан “Ўтган кунлар” бадиий филмидаги бир лавҳага эътибор қаратайлик.

Мана, фисқу фасоддан толиққан изтиробли Отабек (артист Ўлмас Алихўжаев) хуфя ҳужрага ташриф буюради.

– Бўза берайми, бек? – дея илтифот қилади шу жойнинг хўжайини.

– Беринг, – дейди бек ғамгин, – машшоғингизни ҳам кирғизинг.

Кўп ўтмай ҳофиз (артист Муроджон Аҳмедов) етиб келади.

– Қандай куйни чалай, бек?

– Билсангиз ҳайдалиш куйини чалинг, ажралиш куйини чалингиз.

Ҳофиз “Ўртар”ни бошлайди. Маҳзун наво остида Отабекнинг ўтган кунлари, ҳижрон азобида ўртанаётган кўнгил кечинмалари кўз ўнгидан бир-бир ўта бошлайди. Ниҳоят, бу куй ноласи унинг оғирлашиб, ғуборлашиб турган кўнгил кирини зилол сувдек ювиб, сўнгра севимли адибимиз Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, “Наво” билан ювилиб кетган унинг умид гулзорида янги чечаклар униб чиқади”...

Қизиқчилик санъати ҳам бир қараганда осон ва жўн туюлса-да, лекин унинг ҳам ўзига хос машаққатлари мавжуд. Бунга машҳур ўзбек қизиқчиси Зокир говнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти яққол мисол бўла олади. Зокир гов Қўқон хони саройида хизмат қилганидан хабаримиз бор. Бундан мақсад буюк санъаткор сарой аҳли орасида бўлиб, уларнинг кирдикорларини

Нафиса АҲМЕДОВА

1986 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий Рассомлик ва дизайн институтининг магистратурасини тамомлаган. Айни кунда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

миридан-сиригача ўрганиб, сўнгра халқ орасида қаҳқаҳага олиш бўлган. Шаҳар кўчаларида, майдонларда кўрсатган томошалари – ҳажвий сахналарида хон ва унинг барча мулозимлари устидан аччиқ кулган. Сирасини айтганда, Зокир гов ҳоким синф вакиллари билан муроса қилмаган, охир-оқибатда қатл этилган. Ҳа, санъат ўтмишида бундай воқеалар бисёр. Улуғ санъаткорларнинг жасорати билан бирга санъати ҳам халқ хотирасида маънавий эҳтиёж сифатида сақланиб қолган. Санъатнинг мўъжизакор кучи ҳам шунда эмасми?!

Истеъдодли драматург Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” трагикомедиясида ҳам Шўро давридаги халқимизнинг, айниқса, аёлларимизнинг оғир турмуш шароитлари, эркисизлиги ҳазил-мутоиба, аччиқ кулгу орқали томошабинлар кўнглига етказиб берилган. Айтиш мумкинки, кишилар санъат сеҳри орқали дард-

изтиробларни теран англаб, ўз юракларидан ўтказиб, аммо бундан роҳатланиб чиқишган. Санъат ва кўнгилик бирлиги худди шу нарса эмасми?!

Инсоннинг ботиний ҳис-туйғуларини, орзу-армонларини ифодалашда кўшиқчиликнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Шинаванда бирор ашулани берилиб тинглар экан, кўз ўнгида реал бир манзаралар намоён бўла бошлайди. Завқ-шавққа тўлади, кўнглида ўзига хос эврилишлар рўй беради. Қаранг, оддий, шунчаки суҳбат чоғида бундай бой кечинмалар уйғонмайди. Буни фақатгина оҳанг, наво, янада очиқроқ айтсак, санъат беряпти. Санъат ва кўнгилик уйғунлашяпти.

Демак, санъат бу – миллатнинг борлигини намоён этувчи, халқни руҳлантирувчи, туйғуларга жило берувчи бемисл маънавий кучдир. Санъат ва кўнгилик ҳеч қачон айро тушмасин.



Биринги ўрганиш
Биринги ўрганиш
Биринги ўрганиш

Моҳигул РАСУЛОВА

Сизга қалбим нисор этай



ВАТАН МЕҲРИ

*Ватан бизга муқаддас тупроқ,
 Ундан бўлак не бор улугроқ?
 Юракларда порлаган чироқ –
 Маёқдирсан сен менга, Ватан.*

*Буюк меҳринг мудом соябон,
 Кўнгиликларга нур сочар ҳар он.
 Келажаким сенда намоён –
 Сўқмоқдирсан сен менга, Ватан.*

*Бир сўз айтай қалбим қаъридан:
 Буюк диёрларнинг бари-баридан,
 Бу дунёнинг жаннатларидан,
 Улугдирсан сен менга, Ватан.*



ОНАМГА

*Сизга қалбим нисор этай,
 Дил меҳримни олиб тутай,
 Мадҳингизни куйлаб ўтай,
 Онажоним, меҳрибоним.*

*Ажиб кунлар ёдда ҳар дам,
 Сиз биландир ёруғ олам.
 Сиз борсизки дилда йўқ ғам,
 Онажоним, меҳрибоним.*

Моҳигул РАСУЛОВА

Чирчиқ техника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси



ҚУЛМУРОД ҚУРУМСОҚ ҲАНГОМАЛАРИ

Ҳажвия

ТҮЙ КҮЧИРИЛДИ

Қулмурод қурумсоқнинг тўнғич фарзанди Элмурод Қорақурум қишлоғидан анча олис... шаҳардаги олий даргоҳининг тупроғини ялайди. Қурумсоқнинг ўғлидан кўнгли тўқ. Боиси, пухта-пишиқлиги худди ўзи! Ҳар ҳолда, мана тўрт йилдан ошдики, отасини безовта қилмай, яъни, пул-мул сўрамай, ярим кун сабоқда, ярим кун “Янги бозор”да тирикчилигини бинойидек ўтказиб юрибди. Аммо хавотирланадиган жиҳатлар ҳам кўп. Ахир у ёқни шаҳар деб қўйибди-я?! Боши очиқ қиз-жувондан бирининг но-зи-карашмасига учиб, бегона жойда “ичкуёв-иткуёв” бўлиб қолиб кетса нима бўлади?! Бундан ортиқ кўргилик борми?

Эртага қичийдиган жойини бугун қашлаб қўядиган Қурумсоқ “хавф”нинг олдини олиш пайига тушди. Аёли билан елиб-югуриб, бошқа қизнинг суратини кўрсатиб бўлса-да, ўғлига обрўлироқ хонадондан нон ушатиб қўйишди. Катта тўй эса, икки томоннинг ўзаро келишувига мувофиқ куёвнинг “диплом ювдиси” билан қўшиб ўтказиладиган бўлди. Аммо, унғача ҳали бир қовун пишиғича фурсат бор. Турган гап, шу лаҳзадан бошлаб қурумсоқнинг кўзидан уйқу қочди:

“Эй-й, ҳозирда тўй қилишнинг ўзи бўларканми?! Ҳай, келганлар, ароқ ичмаса “барматуха” ичишар, мева-чева деганинг колхоз боғидан чиқар... Лекин, гўшт-чи?! Ахир, тўйнинг масаллиғига... Шошма, ҳозир айни баҳор фасли. Кеч кузгача иккита бундайроқ совлиқни арзон гаровга олиб, ўт-пўт бериб боқса тўй маҳалигача бўрдоқига айланиб қолар-ов!”

Қурумсоқ шу ниятда соғ тишини суғургандек қилиб бўлсада, бир жуфтгина тиррақи қўй олди. Ҳайлагани тўғри чиқди. Ой ўтар-ўтмас жониворлар этга кириб қолди.

...Ўша тонгда ҳам Қулмурод қурумсоқ ҳар кун-

ги одатича совлиқларни сой томонга ҳайдади. Ширин-шакар хаёлларга ғарқ бўлган қўйи қўйларини қирма-қир ўтлатганча жилдирашиб боқди. Чошгоҳга яқинлашганда эса очикқанидан қорни қулдирагач, жовдираганча ён-атрофга термулди. Кўрдик, сал нарида тутзор. Меваси қонталаш ҳолда қизариб-пишиб ер билан битта бўлиб тўкилиб ётибди. Қурумсоқ нафсини жиловполмай қолди. Оғзидан суви қочганча ёш боладек диконглаб тутзор томон чоп-қиллади. Қўйлар ҳам анойи эмаскан. Бебошвоқ қолишганини сезишгач, анчадан буён “кўз остига олиб қўйишганми”, яқинроқдаги яшнаб турган йўнғичқазорга ўзларини уришди.

Қулмурод қурумсоқ тутзордан кекириб, қорнини силаб чиқса, кўрдик, қўйлари ҳам шиширилган пуфакдек тап-таранг, дамлаб, оёғи осмондан бўлиб ётишибди. Қурумсоқнинг ҳуши бошидан учди. “Дод” деганча беихтиёр белбоғидаги пичоққа тармашди. Хайриятки, улгурди. Иккала совлиқни ҳам сўйиб саранжомлагач, манглайда ажин ўрнига пайдо бўлган муздек терни сидирди:

Бу ёғига энди нима қилди?! Қандай қилиб улов топади-ю, қандай қилиб бу матаҳни гузарга элтиб сотади? Сотгандаям тиррақи қўйнинг гўшtidан ҳамён тўлармиди? Сув текинга кетиши тайин... Об-бо, бу ёғи расво... Шошма!

Қурумсоқ миясига келган фикрдан чехраси ёришди. Йўнғичқазорнинг ўртасида тик турган қўйи, бор овозда бақаришга тутинди:

– Ҳой, хотин! Кенжа ўғил Дилмуродни топ... Биринг раисга чоп, биринг оқсоқолларга! Қаршибой тоғанга айт, Қаршига сим қоқсин. Элмурод тез етиб келсин! Халойиқ, эшитмадим деманглар, катта ўғил Элмуроднинг уйланиш тўйи шу бугун!..

Қурумсоқнинг айтгани бўлди – тўй ўша кун ўтказилди. Эсда қоладигани, сал бўлмаса куёвнинг ўзи тўйдан қолиб кетаёзди.